VATAN TUYG‘USI HAR NARSADAN USTUN

O‘ZBEKISTON “MILLIY TIKLANISH” DEMOKRATIK PARTIYASI

# MILLIY TIKLANISH

33 (302) ● 2014 йил 27 август, чоршанба ● Ўзбекистон “Миллий тикланиш” демократик партиясининг ижтимоий-сиёсий газетаси

ЎзМТДП — www.mt.uz Таҳририят — www.milliytiklanish.uz

2008 йил 30 октябрдан чиқа бошлаган

Ҳар йили мустақиллик айёмини қарши олар эканмиз, давлатимиз раҳбари қарорига асосан, бу борадаги маънавий-маърифий, тарғибот ишларини ўзига хос шиор билан нишонлаш анъанага айланган. Истиқлолнинг олий неъмат эканини ҳис қилиш, дориломон кунларга етиш ўз-ўзидан бўлмагани, бу борада халқимиз не-не синовларни бошидан кечиргани ва, айниқса, юртдошларимизнинг эртанги кунга ишончи ушбу шиорларда ўз аксини топади



Истиқлол йилларида миллий қадриятларни тиклаш, тарихимизни холис ва ҳаққоний ўрганиш, азиз сиймолар хотирасини эъзозлаш, аждодларимизнинг бой маънавий меросини ўрганиш, тарихий адолатни қарор топтириш борасида кенг кўламли ишлар амалга оширилмокда



Очиқ ва эркин сайловлар демократик давлат ва кучли фуқаролик жамияти қуришнинг муҳим таркибий қисми бўлиб, аҳолининг хоҳиш-иродасини билдириш, фуқароларнинг давлат ҳамда жамият ишларини бошқаришдаги иштирокининг асосий шакли ҳисобланади

3 ПАРТИЯ ҲАЁТИ

6 МАЪНАВИЯТ

7 ХАЛҚАРО ҲАЁТ




## Ягонасан, муқаддас Ватаним, севги ва садоқатим сенга бахшида, гўзал Ўзбекистоним!

◉ Минтақавий семинар







## Юксак сиёсий-ҳуқуқий маданият

**сайловларнинг демократик тамойиллар асосида ўтишига хизмат қилади**

***Давлатимиз раҳбарининг парламент палаталари қўшма мажлисида тақдим этган “Мамлакатимизда демократик ислоҳотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш Концепцияси” мамлакатимиз сайлов тўғрисидаги қонун ҳужжатларининг янада ривожлантирилиши ва такомиллаштирилишида муҳим дастуриламал бўлиб хизмат қилмоқда. Ҳаётимизнинг барча соҳаларида юз бераётган ўзгариш ва модернизация жараёнлари натижасида демократик талабларга жавоб берадиган сайлов тизими яратилди.***

Хусусан, сайлов тўғрисидаги қонун ҳужжатларига сайловолди ташвиқотининг шакл ва усулларини аниқ белгилаш, сайлов кампанияси жараёнида депутатликка номзодлар ва сиёсий партияларга тенг шароит яратиш механизмининг самарадорлигини оширишга қаратилган бир қатор ўзгартиш ва қўшимчалар киритилиб, бу муҳим ўзгаришлар сайлов жараёнларида очиқлик, ошкоралик ва шаффофликни таъминлашда муҳим аҳамият касб этади.

Жиззахда ташкил этилган минтақавий семинарда шу хусусида сўз борди. “Ўзбекистонда сайлов тизими ва унинг ҳуқуқий асослари” мавзусидаги минтақавий семинарнинг навбатдаги иштирокчилари ЎзМТДП Жиззах, Сирдарё, Тошкент вилоятлари ҳамда Тошкент шаҳар Кенгаши фаоллари бўлди.

Семинарда ЎзМТДП Марказий Кенгаши Ижроия Қўмитаси раиси Сарвар Отамуратов маъруза қилиб, сайлов тизимини такомиллаштиришга қаратилган қонунлар ва қонун ҳужжатлари мазмун-моҳиятига эътибор қаратди.

2-бет

## Ватан туйғуси, инсон манфаати ҳар нарсадан устун

*Ўтаётган ҳар бир кун бизни Мустақиллигимизнинг 23 йиллик тантаналари томон яқинлаштирмоқда. Президентимизнинг “Ўзбекистон Республикаси давлат мустақиллигининг йигирма уч йиллик байрамига тайёргарлик кўриш ва уни ўтказиш тўғрисида”ги Қарори муносабати билан бугунги кунда мамлакатимизнинг барча шаҳару қишлоқларида миллатимизнинг янги тарихи зарварақларидан муносиб жой олган, халқимиз хотирасида ўчмас ва шонли санага айланган энг улуғ, энг азиз айёмни кенг нишонлаш учун қизғин тайёргарлик кўрилмоқда.*

Зеро, бу бежиз эмас. Чунки мустақиллик, энг аввало, халқимизга тинч ва осуда, озод ва фаровон ҳаёт, буюк келажакка ишонч туйғусини инъом этди. Истиқлол халқимизнинг асрий орзу-умидлари ушалиши, қадр-қимматини англаб, ўз тақдирини ўзи белгилаши учун тенгсиз имкон яратди. Истиқлол йилларида мамлакатимизда ҳуқуқий демократик давлат ва эркин фуқаролик жамиятини барпо этиш сари дадил қадамлар ташланди. Юртимизда амалга оширилаётган кенг кўламли ислоҳотлар, яратувчанлик ва бунёдкорлик, тинч ва фаровон ҳаёт, халқимизнинг ўз турмушидан рози бўлиб яшаши замирида истиқлол берган имкониятлар мужассамлигини бугунги кунда юртдошларимиз кайфияти, юзу кўзлари, қолаверса, ҳар бир соҳа ва қадамда яққол кўриш, кузатиш ва англаш мумкин.

Мустақиллик йилларида босиб ўтган йўлимизга назар ташлар эканмиз, қисқа фурсат ичида мамлакатимизда давлатимиз раҳбари раҳнамолигида асрларга татигулик улкан ишлар ва ислоҳотлар амалга оширилганлигига гувоҳ бўламиз. Эришилган натижалар замирида эса доимо миллий манфаатларимизни кўзлаш сиёсати устувор.

2-бет

◉ Электорат минбари

## Ўқув қуроли ўқувчини чалғитмасин

***Ўзбекистон “Миллий тикланиш” демократик партиясининг жамиятимиз равнақини азалий қадриятлар ва тараққиётнинг бирдамлигида кўраётгани партия ғояларига нисбатан хайрихоҳлигимни орттирди. Ёшларимизни маънавий-ахлоқий таҳдидлар, турли ёт ғоялар таъсиридан ҳимоя қилиш бўйича партия томонидан ўтказиб келинаётган маънавий-маърифий тадбирлар мамлакатимиз тараққиёти учун муҳим аҳамиятга эга.***

Кундалик ҳаётимизда ёшларнинг комил инсон бўлиб вояга етишларига тўсиқ бўлаётган омилларнинг учраб туриши ота-оналар, айниқса, устоз-мураббийларни ташвишга солиши шубҳасиз. Хусусан, асосий ва зарур ўқув қуролларидан бири бўлган умумий дафтарнинг муқоваси ҳам фарзандларимизни илм олишдан чалғитмаслиги, аксинча, уларни чуқур билим эгаллашга даъват этиши лозим. Бу ҳақда нега гапираяпмиз? Чунки, муқоваларида турли кино ва эстрада юлдузлари, серсалобат автомобиллар, ҳашамдор ҳаётнинг кўркига айланган жониворлар ёки нозу-неъматлар сурати туширилган умумий дафтарлар бозорларимиз пештахталарида ҳамон учраб турибди. Бу суратлар дарс машғулотида бошланғич синф ўқувчисидан тортиб, олийгоҳ магистрантининг ҳам диққатини бўлиши шубҳасиз.

Тўғри, бу муаммога бир неча йил аввал эътибор қаратилиши натижасида ҳозирги кунда муқовасида жаҳон фани ва адабиёти ривожига улкан ҳисса қўшган шахслар, буюк аждодларимиз сурати туширилган, уларнинг ибратли иборалари ёки амалга оширган ишлари акс этган жумлалар билан бойитилган умумий дафтарлар ҳам ишлаб чиқарилмоқда. Бироқ, бу хилдаги дафтарлар бозор пештахталарида негадир нисбатан кам учраяпти. Айрим ёшларимиз эса, афсуски, ана шундай дафтарларни афзал деб билишяпти. Ишлаб чиқарувчилар ва сотувчилар учун эса бу айни муддао. Шу тариқа илм олишга халал берувчи дафтарлар савдода камаймаётир.

Менимча, дафтар зарур ва кўп ишлатиладиган ўқув қуроли бўлганлиги учун ундаги билим олишдан чалғитувчи суратларга ўқувчиларга салбий таъсир кўрсатувчи восита ва истеъмолчиларни алдаш ҳамда уларнинг сифатли маҳсулот сотиб олишга нисбатан бўлган ҳуқуқларини поймол этувчи ҳолат, деб қаралиши зарур. Шундан келиб чиқиб, бундай умумий дафтарлар ишлаб чиқарилишини тақиқлов борасида ЎзМТДП аниқ чора-тадбирларни амалга оширса, янги сайловолди Платформасида бу борадаги вазифаларга алоҳида эътибор қаратса мамлакатимизда ёшларимизга таълим-тарбия бериш сифатининг яхшиланиши ҳамда партиянинг маънавият ва ҳуқуқий соҳадаги мақсад-вазифаларини ҳаётга татбиқ этишда айни муддао бўлар эди.

**Гулнора РАҲМОНОВА,**
**ўқитувчи**

Шукрона

## Мустақиллик — эркин ва фаровон ҳаёт демак

4-бет




◉ Қонун кучга кирди

***Истиқлол йилларида амалга оширилаётган кенг кўламли ислоҳотлар боис акциядорлик жамиятлари мамлакат иқтисодиётида муҳим ўрин тутмоқда. Айниқса, соҳанинг ҳуқуқий асослари янада мустаҳкамлангани бу борадаги ишларни янги босқичга кўтаришга хизмат қилмоқда. Жумладан, давлатимиз раҳбари томонидан тақдим этилган “Мамлакатимизда демократик ислоҳотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш Концепцияси”га мувофиқ қабул қилинган “Акциядорлик жамиятлари ва акциядорларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида”ги (янги таҳрирда) Қонуни акциядорларнинг ҳуқуқлари ва қонун билан қўриқланадиган манфаатларини ҳимоя қилишда ғоятда муҳим аҳамият касб этади.***

## Акциядорлик жамиятлари

**уларни қўллаб-қувватлашнинг ҳуқуқий асослари мустаҳкамланди**

4-бет



“Milliy tiklanish” газетасига обуна бўлинг!

Нашр кўрсаткичи — 158



Минтақавий семинар



# Юксак сиёсий-ҳуқуқий маданият

## сайловларнинг демократик тамойиллар асосида ўтишига хизмат қилади

(Давоми. Бошланиши 1-бетда)

— Давлатимиз раҳбари ташаббуси билан қабул қилинган "Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг айрим моддаларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида (32, 78, 93, 98, 103 ва 117-моддаларига)"ги Қонун юртимизда амалга оширилаётган демократик янгиланиш ва модернизация жараёнларининг мантиқий давоми бўлди. Асосий Қонунимизга киритилган ўзгартиш ва қўшимчаларда сайловга оид муҳим ва янги қоидаларнинг мавжудлиги мамлакатимизда демократик тамойилларга тўла жавоб берадиган сайлов тизими яратилганидан далолат. Хусусан, Конституциямизнинг 117-моддасига киритилган ўзгартишга асосан, Ўзбекистон Республикаси Президенти сайловини, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисига сайлов ва шунингдек, референдумни ташкил этиш ва ўтказиш учун Олий Мажлис томонидан Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссияси тузилиб, унинг фаолияти асосий принциплари мустақиллик, қонунийлик, коллегиаллик, ошкоралик ва адолатлиликдан иборат экани белгилаб қўйилди. Шунингдек, Ўзбекистон Республикасининг "Сиёсий партиялар тўғрисида"ги, "Фуқаролик сайлов ҳуқуқларининг кафолатлари тўғрисида"ги, "Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисига сайлов тўғрисида"ги ҳамда "Халқ депутатлари вилоят, туман ва шаҳар Кенгашларига сайлов тўғрисида"ги Қонунлари Ўзбекистонда сайлов ҳуқуқи эркинлигини таъминлашга қаратилгани билан аҳамиятлидир. Мазкур йўналишда амалга оширилаётган кенг кўламли ислоҳотларни аҳоли ўртасида тарғиб қилиш асосий вазифаларимиз сирасига киради. Бу уларнинг сиёсий-ҳуқуқий саводхонлиги ва маданияти юксалиши, фуқаролик позициясининг шаклланишига хизмат қилиб, сайловларда фуқаролар фаоллигини таъминлаши шубҳасиз, — деди пировардида партия раҳбари.

Семинарда ЎзМТДП фракцияси аъзоси Абдуғафур Маматовнинг "Сайлов жараёнида партиялараро рақобат. Ғоялар ва дастурлар кураши" мавзусидаги маърузаси тингланди. Таъкидланганидек, сиёсий-ҳуқуқий ислоҳотлар натижасида ҳар бир сиёсий партия ўз электорати манфаатларига мос ғояларни илгари суриб, сайловолди дастурларини ишлаб чиқади. Уларни парламентдаги фракциялари орқали қонунчиликка сингдиришга интилади. Бу партиянинг халқ ишончини қозониб, давлат ва жамият ҳаётида мустаҳкам ўрин эгаллашига замин яратади. Айнан мана шу жараёнларда партиялараро баҳс вужудга келади, бу эса давлат ва жамият ривожи учун ғоят муҳим аҳамият касб этади. Аҳолининг сиёсий-ҳуқуқий маданияти кундан-кун юксалиб бораётган бир пайтда, сиёсий партиялар фаолиятини такомиллаштиришга қаратилган ислоҳотлар фуқароларнинг партияларга бўлган муносабатини ўзгартириб, унга бўлган ишончини оширади. Партиялараро рақобат, айниқса, сайловлар жараёнида яққол акс этади. Чунки, ҳар қандай мамлакатнинг нуфузи унда амал қилаётган сайлов тизимининг демократик тамойилларга асосланганлиги, партиялараро соф рақобатнинг фаоллашувида намоён бўлади. Шу нуқтаи назардан ЎзМТДП ғояси, унинг дастурий мақсад ва вазифаларини тарғиб қилиш, замонавий ва самарали усуллардан фойдаланиш, ғоявий мақсадларни эса аҳолига етказа олиш муҳим аҳамиятга эга.

Якунда кун тартибидаги барча масалалар юзасидан билдирилган конструктив фикр-мулоҳазалар асосида партиянинг чора-тадбирлар дастури белгилаб олинди.

***Сардор РАСУЛОВ, ЎзМТДП Жиззах вилоят Кенгаши Ижроия Қўмитаси девони раҳбари:***

— Сайловлар демократик жамиятнинг асосий белгиси ҳисобланади. Бу жараён сиёсий партиялар билан бир қаторда фуқаролар фаоллигига ҳам боғлиқ. Шу боис партиямиз томонидан фуқаролар сиёсий фаоллигини ошириш, ҳуқуқий маданиятини юксалтириш, сайловлар жараёни билан боғлиқ билимларини ошириш мақсадида турли тарғибот ишлари олиб борилмоқда. Бугунги семинар партия ходимларининг сайлов қонунчилиги борасидаги билимларини оширишга кўмаклашиб, сайловолди тадбирларимизнинг янада таъсирчан, самарали бўлишига хизмат қилиши шубҳасиз.

***Даврон САФАРОВ, ЎзМТДП Тошкент шаҳар Кенгаши Ижроия Қўмитаси девони раҳбари:***

— Ташкил этаётган тадбирларимизда бугунги сайловчи кечагисидан тубдан фарқ қилишига амин бўлаяпмиз. Улар томонидан ўртага ташланаётган саволлар, таклиф ва мулоҳазалар ҳар жиҳатдан ўринли экани, бугун мамлакатимиз фуқароларининг сиёсий-ҳуқуқий маданияти юксалиб бораётганидан далолатдир. Шу боис, партиялараро рақобат шароитида сайловчилар олдига ёруғ юз билан чиқишимизда аниқ ва халқчил фикрлар, лойиҳаларни илгари суриш лозим бўлади. Партия ходимларининг сайлов қонунчилиги борасидаги билим ва кўникмаларини янада оширишга қаратилган мазкур семинарда тақдим этилган маърузалар бу борада бизга яқин кўмакчи бўла олади.

**Шоҳида ДАМАНОВА,**
**"Milliy tiklanish" мухбири**

Муносабат

# Эътирофга муносиб бўлиш ҳисси

## изчил изланиш, ташаббускорлик ва фаолликка ундайди

***Муаррих Ҳофизи Обрў асарларида "Тарамастха" сўзи билан тилга олинган, шунингдек, асрлар давомида турлича аталиб, кўплаб тарихий воқеликларга шоҳиди бўлган, шарқнинг кўҳна шаҳарларидан бири Термиз мустақиллик йилларида тамомила янгича қиёфа касб этди. Президентимиз раҳнамолигида бу гўшада улкан бунёдкорлик ишлари амалга оширилиб, халқимизнинг қадр-қиммати, қадриятлари, бой маданий-маънавий мероси қайта тикланди.***

Имом Абу Исо ат Термизийнинг 1200 йиллиги, "Алпомиш" достони яратилганлигининг 1000 йиллиги, Термиз шаҳрининг 2500 йиллиги тантаналари, Президент соврини учун кураш бўйича Ал Ҳаким ат Термизий хотирасига бағишлаб, анъанавий тарзда ҳар икки йилда бир марта ўтказиб келинаётган халқаро мусобақалар ва "Алпомиш ўйинлари"нинг биринчи марта Термизда ташкил этилиши бу муқаддас масканга берилаётган юксак эътибор намунасидир. Шунингдек, мустақиллигимизнинг 23 йиллиги муносабати билан Термиз шаҳрининг "Амир Темур" ордени билан мукофотланиши барча термизликларни, вилоятимиз аҳли қалбини ғурур ва ифтихорга тўлдирди. Бу хушхабар ортидан каминанинг "Фидокорона хизматлари учун" ордени билан тақдирланганлигини эшитиб қувончимга қувонч қўшилди. Ҳозир бу қўшалоқ байрамдан шунчалик ҳаяжондаманки, кўнглимдаги кечинмаларни сўз билан таърифлашга ожизман. Юртбошимизнинг шаҳримизга, шу қаторда, менинг камтарона хизматларимга берган юксак эътиборларидан кўнглим фахр ва шукроналик ҳиссига тўлди.

Термиз шаҳридаги 4-ихтисослаштирилган умумий ўрта таълим мактаб-интернатида ўқувчиларга илм сирларини ўргатиш билан бирга, халқ депутатлари Термиз шаҳар Кенгашига ЎзМТДПдан сайланган депутат сифатида фаолият олиб бораман. Мамлакатимиз миллий манфаатларини ҳимоя қилиш, маънавий қадриятларимиз, халқимизнинг урф-одатлари ва анъаналарини, бой тарихий меросимизни асраб-авайлаш ва бойитиш, миллий тикланиш ғоясини кенг тарғиб қилиш ва аҳоли онгига сингдириш, демократик давлат ва кучли фуқаролик жамияти қуриш йўлида ҳаракат қилиш асосий мақсадларимдан. Шунингдек, ЎзМТДП сайловолди Платформасида белгиланганидек, ёшларнинг замонавий билим, касбкор ва мутахассисликларни эгаллашга рағбатлантириш, иқтидорли, истеъдодли ёшларни аниқлаш ва қўллаб-қувватлаш ишларида партия сафида ҳаракат қилаётганимдан мамнунман. Жумладан, партия Термиз шаҳар Кенгаши "Ёшлар қаноти" ташаббускорлигида амалга оширилган кўплаб лойиҳалар ёшларимизни эзгу марраларни забт этишга руҳлантирмоқда. Бунинг натижасида мактаб-интернатимиздаги кўплаб шогирдларимиз ҳам нуфузли фан олимпиадалари, мусобақалар, кўрик-танловларда ғолибликни қўлга киритиб келаётир.

Эндиликда бу қўшалоқ мукофот кўксимни ғурур ва ифтихорга тўлдириб, келгуси фаолиятимда катта орзу-мақсадлар йўлида меҳнат қилишга, билдирилган ишончни оқлаб, ёш авлод тарбияси йўлида тинимсиз изланишга ундайди.

**Шоҳида АРИПОВА,**
**халқ депутатлари Термиз шаҳар Кенгашига ЎзМТДПдан сайланган депутат,**
**"Фидокорона хизматлари учун" ордени соҳибаси**

# Ватан туйғуси, инсон манфаати ҳар нарсадан устун

(Давоми. Бошланиши 1-бетда)

Президентимиз: **"Биз учун мустақиллик — ўз эркинлигимизни англашгина эмас, балки аввало ўз ҳаётимизни ўз иродамиз билан ва миллий манфаатларимизни кўзлаган ҳолда ташкил этиш, ўз келажагимизни ўз қўлимиз билан қуриш ҳуқуқидир"**, деб алоҳида таъкидлаган эдилар. Масала моҳиятига шу нуқтаи назардан қарасак, мамлакатимизнинг миллий тикланиши, энг аввало, миллий манфаат сифатида намоён бўлади.

Таъкидлаш жоизки, мустақил тараққиёт йилларининг ўтган қисқа даври мобайнида Ўзбекистон жаҳон ҳамжамиятидан муносиб ўрин олди. Бугун мамлакатимиз барқарор суръатлар билан ривожланиб, халқаро майдонда обрў-эътибори ортиб, халқимизнинг дунёқараши, сиёсий онги юксалиб, фуқаролик масъулияти ошиб бораётганини бутун дунё тан олмоқда. Ўтган давр мобайнида мамлакатимиз иқтисодиёти 4,1 баробар, аҳолининг ялпи реал даромадлари жон бошига 8,2 карра ошгани, кейинги 10 йил давомида юртимизда ялпи ички маҳсулотнинг ўсиш суръати ўртача 8,1 фоизни ташкил этиб келаётгани бугун барчанинг ҳавасини келтирмоқда.

Албатта, бу каби ўзгаришлар, ютуқ ва натижалар ўз-ўзидан, осонликча қўлга киритилгани йўқ. Президентимиз раҳнамолигида мустақилликнинг илк кунларидан ҳуқуқий демократик давлат қуриш ва эркин фуқаролик жамиятини барпо қилиш жараёнларида мамлакатимиз миллий манфаатлари, инсон омили олий қадрият сифатида ислоҳотлар марказига қўйилди. Ислоҳот ислоҳот учун эмас, аввало, инсон учун, деган тамойил устувор вазифалардан бирига айланди.

Истиқлол йилларида амалга оширилаётган кенг миқёсли ислоҳотлар ҳақида гапирганимизда кўҳна тарихимиз, халқимизнинг бой маънавий мероси, миллий давлатчилигимиз, азалий урф-одат, қадрият ва анъаналаримиз қайта тикланиб, янгича мазмун-моҳият касб этаётгани, жаҳонга танилаётгани, дунё тан олаётганини алоҳида эътироф этиш жоиз. Жорий йилнинг май ойида жаҳон цивилизацияси ўчоғи ҳисобланган Самарқанд шаҳрида ўтказилган "Ўрта асрлар Шарқ алломалари ва мутафаккирларининг тарихий мероси, замонавий цивилизация ривожидаги роли ва аҳамияти" мавзусидаги халқаро конференцияга дунёнинг 50 дан ортиқ мамлакатидан нуфузли илму-фан намоёндаларининг ташриф буюргани, уларнинг юртимиз тарихи ва бугуни ҳақидаги очиқ эътирофлари аждодларимиз ақлу заковати маҳсули бўлган бой мерос ҳали ҳамон миллатлар ўртасидаги ҳамкорлик ва дўстлик ришталарини боғлаётгани, дунё тамаддунига асос солгани, башарият мулкига айланганидан ёрқин далолатдир. Хусусан, яқинда Американинг таниқли "The Huffington Post" нашри эълон қилган "Албатта бориб кўриш лозим бўлган дунёнинг 50 мамлакати" рўйхатида "Шарқ марвариди" — Самарқанднинг ҳам борлиги қалбимизни ғурур ва ифтихорга тўлдирди.

Давлатимиз раҳбари мазкур нуфузли халқаро конференциядаги нутқида юртимизда буюк аждодларга муносиб авлод вояга етаётгани, уларнинг таълим-тарбия олишлари учун барча шарт-шароит яратиб берилаётганини ғурур ва ифтихор билан таъкидлаб ўтди. Дарҳақиқат, истиқлол йилларида таълимнинг миллий модели юзага келиб, давлат бюджетининг 35 фоизи мазкур соҳага ажратилмоқда. Умумий ўрта ва касб-ҳунар таълими беришни назарда тутадиган 9+3 тизими жорий этилди. Қонун ҳужжатларида умумий ўрта таълим олиш мажбурий бўлгани ҳолда касб-ҳунар эгаллаш мажбурий-ихтиёрийлиги мустаҳкамлаб қўйилди. Бир сўз билан айтганда, юртимиз таълим тизимида амалга оширилаётган саъй-ҳаракатлар натижасида узлуксиз таълимнинг замонавий талабларига жавоб берадиган ва дунё миқёсида эътироф этилган яхлит тизим яратилди.

Миллий қадриятларни тиклаш, бой ва бетакрор тарихий-маданий меросимизни ҳаққоний ўрганишда мустақиллик йилларида халқаро миқёсда нишонланган Самарқанд, Бухоро, Хива, Шаҳрисабз, Қарши, Тошкент сингари қадимий шаҳарларимиз ҳамда Амир Темур, Жалолиддин Мангуберди, Алишер Навоий, Мирзо Бобур, Мирзо Улуғбек, Бурҳониддин Марғиноний, Баҳовуддин Нақшбанд, Имом Бухорий сингари буюк давлат арбоблари ва алломаларимиз, шунингдек, "Авесто" ва "Алпомиш" каби маънавий обидаларнинг юбилейлари ҳал қилувчи аҳамият касб этади.

Истиқлол берган улкан имкониятлар ҳуқуқий демократик давлат ва эркин фуқаролик жамияти қурилишнинг асосий шарти бўлган нодавлат нотижорат ташкилотлари, шу жумладан, сиёсий партиялар фаолиятида ҳам ёрқин намоён бўлмоқда. Давлат ва жамият ҳаётида сиёсий партияларнинг ўрни ва роли тобора кучайиб бормоқда. Ўтган йигирма уч йиллик мустақил тараққиёт йўлимизга назар соладиган бўлсак, истиқлол йилларида сиёсий партияларнинг ўз олдиларига қўйган мақсад ва вазифаларни амалга ошириши учун мустаҳкам ҳуқуқий база яратилди. Мамлакатимизда ҳуқуқий-демократик давлат қуриш ва фуқаролик жамиятини шакллантириш бош стратегик мақсад сифатида белгиланиб, бу борада салмоқли ишлар амалга оширилди. Ўзбекистоннинг демократик, сиёсий, иқтисодий ва ижтимоий ривожланиш дастури, энг аввало, миллий манфаатларимизга хизмат қилувчи стратегия сифатида майдонга чиқди. Юртимиздаги кенг миқёсли ўзгаришлар халқимизнинг бой ва бетакрор тарихи ва анъаналари, мустақиллик шарофати билан ўзгариб бораётган тафаккури ва дунёқараши, бунёдкорлик салоҳиятидан куч олмоқда. Президентимиз ташаббуси билан қабул қилинган **"Давлат бошқарувини янгилаш ва янада демократлаштириш ҳамда мамлакатни модернизация қилишда сиёсий партияларнинг ролини кучайтириш тўғрисида"**ги Конституциявий Қонун давлатимиз раҳбари раҳнамолигида амалга оширилаётган ислоҳотларнинг мантиқий давоми ҳамда ислоҳотлар ва ўзгаришларнинг босқичма-босқичлик тамойилига тўла жавоб берадиган тарихий ҳужжатдир. Мазкур қонун сиёсий партияларнинг истиқлол йилларида тўплаган сиёсий тажрибаси ва мавжуд имкониятларига, энг муҳими, амалий фаолиятига билдирилган катта ишончнинг маҳсулидир.

Айниқса, Олий Мажлис Қонунчилик палатасида партиялар фракцияларининг қонун ижодкорлиги борасидаги фаолияти тубдан ўзгарди. Шунингдек, сиёсий тажриба орттириш, сиёсий етуклик ва молиявий мустақилликка эришиш ҳамда жамиятда ўз ўрнини топиш, ўзининг барқарор электоратини шакллантириш юзасидан сиёсий партиялар, жумладан, Ўзбекистон "Миллий тикланиш" демократик партияси ҳам маълум бир йўлни босиб ўтди. Бу жараёнда давлатимиз раҳбарининг парламент палаталари қўшма мажлисида тақдим этган "Мамлакатимизда демократик ислоҳотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш Концепцияси" муҳим дастуриламал вазифасини ўтамоқда. Ушбу Концепция тараққиётимизнинг янги истиқболларини белгиловчи том маънодаги тарихий аҳамиятга молик воқеа сифатида ҳаётимиздан ўрин олди.

Партиямиз миллий қадриятларни тиклаш, ўзликни англаш, миллий ғояни шакллантириш ва мустақиллик мафкурасини мустаҳкамлаш, халқнинг маънавий ҳаётида ўзбекона урф-одат ва анъаналарни акс эттириш каби мақсад-вазифаларни изчил, босқичма-босқич ва тизимли равишда давом эттириш тарафдоридир. Шунингдек, Юрт тинчлиги, Ватан тараққиёти ва Халқ фаровонлиги умуммиллий ғояси атрофида жамиятимизни бирлаштиришга асосланган Ўзбекистоннинг тараққиёт йўлини қўллаб-қувватлайди. Мустақилликни мустаҳкамлаш, истиқлолни асраб-авайлаш, бугунги мураккаб халқаро вазиятда миллий манфаатларимизни ҳимоя қилишга қаратилган тарғибот ишларимизни янги босқичга кўтариш, фуқаролар онгига Ватанпарварлик ҳиссини сингдириш, уларни шу юрт учун дахлдорлик туйғуси билан яшашга ундаш саъй-ҳаракатларимиз марказида бўлишини тақозо этмоқда. Бундан ташқари, Ўзбекистонда умуммиллий манфаатлар устуворлигига асосланган мамлакатнинг ижтимоий-сиёсий барқарорлигини, миллатлараро ва динлараро тотувликни ҳамда ўзаро тушунишни янада мустаҳкамлашга қаратилган сиёсат ўзини батамом оқлади.

Ўзбекистон "Миллий тикланиш" демократик партияси томонидан Ўзбекистон Республикаси давлат мустақиллигининг йигирма уч йиллигига бағишлаб "Ягонасан, муқаддас Ватаним, севги ва садоқатим сенга бахшида, гўзал Ўзбекистоним!" шиори остида тадбирлар режаси ишлаб чиқилиб, унга асосан, партиямизнинг барча даражадаги ташкилотларида тарғибот тадбирлари, акция ва форум, учрашув ҳамда давра суҳбатлари ташкил этилмоқда. "Мустақиллик миллий тикланиш ва юксалишдир", "Тинчлик ва осойишталик мамлакатимиз тараққиёти кафолатидир", "Қадриятларимизга айланиб бораётган замонавий анъаналаримиз" каби лойиҳа ва форумларда истиқлол берган имкониятлар тарғиб қилинмоқда.

Мустақиллик байрамининг 23 йиллигига қизғин тайёргарлик олиб борилаётган бир пайтда яна бир муҳим сиёсий жараён — Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси ҳамда маҳаллий Кенгашларга сайловларга ҳам пухта ҳозирлик кўрилмоқда. Шу боис партиямиз сайловларга тайёргарлик жараёнида электорат манфаатларини ифодалайдиган, сайловчилар кўнглидан жой оладиган аниқ, халқчил, жозибадор ғоялар билан кириб бориши, бугунги замон, одамлар дунёқарашига ҳамоҳанг лойиҳаларни илгари суриши лозим бўлади. Бунда бугунги сайловчи кечагисидан фарқ қилиши, унинг ҳуқуқий-сиёсий дунёқарашини инобатга олган ҳолда, фақат ғоялар жозибадорлигига эмас, балки муқобил ечимга эга, амалга ошириш мумкин бўлган, партия ижтимоий қатлами ва электорати манфаатини ифода этадиган мақсад-вазифаларга эътибор қаратиш сайловлардаги муносиб иштирокимизни таъминлайди.

Улуғ байрам арафасида мамлакатимизда амалга оширилаётган кенг кўламли ислоҳотлар пойдевори чуқур миллий руҳ билан суғорилганлиги, миллатнинг ақлий заковати, яратувчилик қудрати ҳеч кимдан кам эмаслиги ва ҳеч кимдан кам бўлмаслигига собит ишонч стратегик мақсад ҳамда манфаат сифатида халқ ва юрт келажагини белгилаётганини таъсирчан тадбирлар орқали тарғибот қилишни ва миллатнинг ўзига хослигини асраш, ўтмиш маданий ва маънавий меросга эгалик туйғусини янада кучайтириш асосий вазифамизга айланмоқда. Бундай улуғвор қадриятларни ҳимоя қилиш миллатнинг, партиямизнинг муқаддас бурчи бўлиб, Президентимиз таъбири билан айтганда, биз учун "Ягона ва устувор мақсад — бу Ўзбекистон манфаати ва яна бир бор Ўзбекистон манфаатидир".

**Сарвар ОТАМУРАТОВ,**
**ЎзМТДП Марказий Кенгаши Ижроия Қўмитаси раиси**

Тараддуд

# Ўзликни англаш бахти

## мустақилликни асраш, миллий қадриятларни тиклаш жараёнида намоён бўлади

***ЎзМТДП Тошкент шаҳар ҳамда Миробод туман Кенгашлари ҳамкорлигида "Ягонасан, муқаддас Ватаним, севги ва садоқатим сенга бахшида, гўзал Ўзбекистоним!" шиори остида давра суҳбати ташкил этилди.***

Тадбирда ЎзМТДП фракцияси аъзоси Игорь Коренев сўзга чиқиб, истиқлол берган имкониятлар, партиянинг байрамга тайёргарлиги доирасида амалга ошираётган ташаббусларига тўхталди.

— Мустақиллик — бугун биз эришган юксак марраларга қанот бўлган бекиёс куч. Ҳар йили мустақиллик айёмини катта тайёргарлик, юксак шодиёна билан қарши олар эканмиз, маданий-маънавий тадбирлар ва тарғибот-ташвиқот ишларини ўзига хос эзгу шиор остида ўтказиш доимий анъанага айланган. Бу йилги давлатимиз мустақиллигининг йигирма уч йиллик тантаналари арафасида ўтказиладиган маънавий-маърифий тадбирлар "Ягонасан, муқаддас Ватаним, севги ва садоқатим сенга бахшида, гўзал Ўзбекистоним!" шиори остида ўтказилмоқда. ЎзМТДП Тошкент шаҳар Кенгаши томонидан ҳам мамлакатимиз мустақиллигини муносиб қарши олиш йўлида амалий саъй-ҳаракатлар олиб борилаяпти. Истиқлолнинг қадрига етиш, мустақилликни мустаҳкамлаш, бой тарихий меросимизни асраб-авайлашга ҳисса қўшиш каби бурч ва масъулиятни ватандошларимиз қалбига янада чуқурроқ сингдириш тарғибот-ташвиқот ишлари мазмун-моҳиятини ташкил қилмоқда.

Шунингдек, тадбирда ЎзМТДП Тошкент шаҳар Кенгаши Ижроия Қўмитаси раиси ўринбосари Васила Файзиева партиянинг хотин-қизлар йўналишида олиб бораётган ишлари хусусида тўхталиб, қуйидагиларни таъкидлади.

— Аёлга эҳтиром кўрсатиш, уни эъзозлаш халқимизга хос эзгу фазилатдир. Шу маънода истиқлол йилларида юртимиз хотин-қизларининг жамиятдаги ўрни ва мавқеини юксалтириш борасида эътирофга лойиқ улкан ишлар амалга оширилмоқда. Зеро, жамиятдаги сиёсий, ижтимоий-маънавий муҳит барқарорлиги ва тараққиёти кўп жиҳатдан аёл, ёшлар ҳамда оилага бўлган муносабатга боғлиқ. Жорий йилнинг "Соғлом бола йили" деб номлангани истиқлолнинг дастлабки йилларидан бошлаб аёллар манфаатларини, оналик ва болаликни ҳуқуқий муҳофаза қилиш борасида амалга оширилаётган саъй-ҳаракатларнинг мантиқий давоми бўлди. Шу нуқтаи назардан ЎзМТДП "Аёллар қаноти" партия дастурий мақсад-вазифаларидан келиб чиқиб, хотин-қизларнинг сиёсий, ижтимоий, иқтисодий ва ҳуқуқий билимларини ошириш, уларни мамлакатни модернизация қилишдаги фаол иштирокини таъминлаш, ташаббусларини рағбатлантириш, оилавий тадбиркорлик, ҳунармандчилик ва касаначилик фаолиятига кенг жалб қилишга кўмаклашиш мақсадида турли лойиҳа, тарғибот тадбирлари, ўқув-семинарлар, форумлар ўтказиб келмоқда. Бу эса, ўз навбатида, аёлларнинг жамиятда муносиб ўрин эгаллашларида айни муддао бўлмоқда.

**Шаҳзод ҒАФФОРОВ,**
**«Milliy tiklanish» мухбири**

⊙ Мустақиллик — менинг тақдиримда

# Келажак бизники

**юрт тақдирига камарбастамиз**



***Суннатулло ФАЗЛИЕВ,***
***48-Халқаро Менделеев олимпиадаси кумуш медали соҳиби, ЎзМТДП Бухоро вилоят Кенгаши "Ёшлар қаноти" фаоли:***

— Мамлакатимизда ўзига хос номга эга бўлган байрамлар жуда кўп. Улар ҳар бир миллатнинг урф-одати, яшаш шароити, миллий қадриятлари асосида нишонланади. Лекин булар орасида шундай байрам борки, бу халқимизнинг мустақиллиги билан боғлиқ. Ушбу байрам эркинлигимиз, тинчлигимиз, фаровонлигимизни ифода этади. Шу боис, мустақиллик байрами мен учун энг азиз, энг улуғ байрам ҳисобланади. Юртдошларимиз учун ҳам халқимизнинг хоҳиш-иродаси туфайли эришилган мустақиллигимизнинг 23-йиллик улуғ санасини нишонлаш энг буюк байрамдир. Шу ҳақиқат аёнки, бугунги кун ёшларининг етук билим соҳиби, кенг дунёқарашга эга мустақил фикрли шахс бўлиб камол топиши мустақиллик шарофатидир. Юртимизда Президентимиз раҳнамолигида ёшларнинг билим олишлари, ўз истеъдодларини намоён қилишлари, бир сўз билан айтганда, ҳеч кимдан кам бўлмай камол топишлари учун барча шароитлар яратилган. Натижада, ёшларимиз нуфузли мусобақалар, халқаро танлов ва олимпиадаларда юксак ўринларни қўлга киритиб, Ватанимиз довруғини дунёга ёймоқда. Буни ўтган йили пойтахтимизда ўтказилган 47-Халқаро Менделеев олимпиадасида иштирок этган тажрибали мутахассислар, хорижлик экспертлар, олимлар ҳам алоҳида эътироф этишди. Уларнинг фикрича, жаҳон стандартларига мос шарт-шароитларда таълим олиб, кенг дунёқараш соҳиби бўлиб шаклланаётган Ўзбекистон ёшларига ҳар қанча ҳавас қилса арзийди. Олимпиадада 184 нафар турли давлат ёшлари иштирок этиб, бизнинг жамоамиз 2 та олтин, 5 та кумуш, 8 та бронза медалини қўлга киритди. Шунингдек, жорий йилнинг 11-18 май кунлари Москва шаҳрида бўлиб ўтган 48-Халқаро Менделеев олимпиадасида бир гуруҳ тенгдошларим қатори юртимиз шарафини ҳимоя қилиб, кумуш медалга сазовор бўлдим. Жорий йил Тошкент Фармацевтика институтига имтиёзли тарзда қабул қилиндим. Айни дамда сиёсий-ҳуқуқий билимларимни янада мустаҳкамлаш ниятида ёшларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаб, уларни замонавий билим, касб-кор ва мутахассисликларни эгаллашга рағбатлантиришга ўз ҳиссасини қўшаётган Ўзбекистон "Миллий тикланиш" демократик партиясига аъзо бўлдим. "Ёшлар қаноти" фаоли сифатида партиямиз томонидан ўтказиб келинаётган тадбир, давра суҳбатлари ҳамда йирик лойиҳаларда фаол иштирок этмоқдаман. Олдимга қўйган улкан мақсадларимга ҳамоҳанг бўлган партия ғоя ва мақсад-вазифаларини тенгдошларим билан баҳам кўришга, ўз ҳиссамни қўшаётганимдан мамнунман.

Давлатимиз раҳбари доим Ўзбекистон ёшлари қўлга киритган ютуқлардан фахрланиб, бизга ишонч билдирдилар. Ҳар гал Юртбошимизнинг биз ёшларга қарата айтилган фикрларини тинглаб, бу ишончни оқлашни мақсад қилганман. Эндиликда ўз олдимга бундан-да юксак мақсадларни қўймоқдаман. Уларни рўёбга чиқаришга бор куч ва имкониятларимни сафарбар қиламан.



***Гуляр АТАЖАНОВА,***
***Зулфия номидаги Давлат мукофоти совриндори, халқаро тоифадаги спорт устаси, ЎзМТДП Хоразм вилоят Кенгаши "Ёшлар қаноти" фаоли:***

— Президентимиз раҳнамолигида мустақиллигимизнинг дастлабки йилларидан бошлаб келажак авлодни ҳар томонлама комил ва баркамол инсонлар қилиб тарбиялашга давлат сиёсати даражасида эътибор қаратиб келинмоқда. Мустақиллик йилларида юртимизда ёшларнинг жамиятда муносиб ўрин эгаллашлари, ўқиш ва яшаш шароитларини яхшилаш борасида мамлакатимизда бошқа давлатлар ҳавас қилса арзийдиган саъй-ҳаракатлар амалга оширилди. Ўсиб келаётган ёшларнинг билим олишлари, барча соҳанинг етук билимдони бўлишлари учун барча шарт-шароитларга эга бўлган замонавий таълим муассасалари барпо этилди.

Болалигимда телевизор орқали спортчиларнинг жаҳон ареналарида юртимиз байроғини мағрур кўтариб турганларини кўриб, ҳавасим ортиб, кураш спорти турларига астойдил меҳр қўйдим. Барча қийинчиликларни енгиб ўтиб, устозларимнинг барча ўгит ва маслаҳатларига қулоқ солиб, кураш сирларини пухта ўрганиб, ўз маҳоратимни йилдан-йилга ошира бордим. Спорт туфайли бугун мен Ўзбекистон терма жамоаси сафида ўндан ортиқ хорижий давлатда бўлиб, мамлакатимиз байроғини баланд кўтаришга мушарраф бўлдим.

2011 йили Қарши шаҳрида дзю-до кураши бўйича ўтказилган навбатдаги Ўзбекистон чемпионатида олтин медални қўлга киритиш билан бирга спорт устаси талабини ҳам бажариб, олий ўқув юртида ўқиш имтиёзини ҳам қўлга киритдим. Ҳозирда мен Ал-Хоразмий номидаги Урганч Давлат университети жисмоний маданият факультетининг III-босқич талабасиман.

Айнан мен 20 ёшимда кураш бўйича халқаро тоифадаги спорт устаси, бел олиш, кураш ва дзю-до кураши турларидан ҳам спорт устаси даражасига эришдим. Беш карра Ўзбекистон чемпиони бўлишга муваффақ бўлдим. Энг катта ютуқларимдан бири — 2013 йили Жанубий Корея давлатининг Инчеон шаҳрида бўлиб ўтган кураш бўйича IV Осиё ўйинларида бирин-кетин бешта рақибни енгиб, финал олишувида бир неча бор жаҳон чемпионатлари ғолиби ҳамда совриндори Эронлик паҳлавон қиз Сомия Ҳайдарий устидан ишончли ғалабага эришиб, олтин медалга сазовор бўлганим бўлди.

Президентимиз томонидан жорий йилда камтарона меҳнатим ва спорт соҳасидаги эришган ютуқларим учун давлатимизнинг юксак ишончи — Зулфия номидаги Давлат мукофотига сазовор бўлдим. Бундай эътирофга лойиқ топилганимдан бошим осмонга етди.

Спортчи бўлсам-да, юртимизда олиб борилаётган сиёсий жараёнларга қизиқишим юқори. Шу сабабли партиямиз томонидан ўтказиб борилаётган йирик лойиҳаларда фаол иштирок этаман. Жумладан, "Миллий халқ ўйинлари" фестивали, "Миллий тикланиш соврини учун" спорт мусобақасида тенгдошларимга, спортсевар ука-сингилларимизга миллий курашнинг сир-асрорлари бўйича маҳорат дарслари ташкил этдик. Мен ҳам ана шундай лойиҳалар орқали жаҳон ареналари, катта спорт саҳнасига йўл олганимни айтганимда, ёшларнинг ўзларига бўлган ишончи янада ортмоқда. Фурсатдан фойдаланиб, барча юртдошларимни, тенгдошларимни мустақиллигимизнинг 23 йиллик байрами билан чин юракдан муборакбод этаман.




***Дилнавоз ҚЎЛДОШЕВА,***
***Зулфия номидаги Давлат мукофоти совриндори, ЎзМТДП "Аёллар қаноти" фаоли:***

— Истиқлол мамлакатимиз ёшларига кенг имкониятлар эшигини очди. Нуфузли Давлат мукофотлари совриндори бўлишмоқда. Мен ҳам фан ва таълим йўналишидаги ютуқларим учун Зулфия номидаги Давлат мукофоти билан тақдирланган бахтли қизларнинг бириман. Бу эътироф менга Фарғона Давлат университетининг филология йўналишида ўқиш имконини берди. Ва талаба бўлишдек шарафли номга эришдим. Бугун изланишларим ўз самарасини бериб, магистратура босқичида билимларимни янада мустаҳкамламоқдаман. Энг олий мақсадим етук олима бўлиб, мамлакатимиз илм-фани равнақига ҳиссамни қўшишдир.

Бугун жамият тараққиётининг ҳар бир жабҳасида хотин-қизларнинг ўрни ва роли ортиб, уларнинг сиёсий ва ҳуқуқий маданияти юксалиб бормоқда. Бу жараёнда ЎзМТДП ҳам фаол иштирок этиб келмоқда. Жумладан, партия "Аёллар қаноти" томонидан мунтазам ўтказиб келинаётган "Донолик ва ташаббускорлик - сиёсий етакчилик мезони" кўрик-танлови хотин-қизларнинг ҳар томонлама фаоллигини ошириш, улар орасидан сиёсий жиҳатдан етук ва ташаббускор аёлларни кашф этишга хизмат қилиб келмоқда. Ўтган йили мазкур танловнинг ғолибаси бўлдим. Партиянинг ушбу лойиҳаси мамлакатимиз хотин-қизларининг жамият ҳаётида олиб борилаётган кенг қамровли ислоҳотларга дахлдорлик туйғусини янада кучайтириш ҳамда фаол фуқаролик позициясини шакллантиришга хизмат қилаётир.

Бугун Ўзбекистон ёшлари ўз билими, иқтидори, куч ва салоҳияти орқали дунё ёшлари билан тиллашмоқда. Келажакда жамиятнинг, Ватанимизнинг миллий ғурури, фидойи фарзандлари бўлиш учун биз ёшларга барча шароитлар мавжуд. Президентимиз "Ёшларимиз бизнинг таянчимиз, ишончимиз ва келажагимиз" деганлар. Демакки, биз ёшлар, мамлакатни елкамизда кўтаришимиз, миллатни юксалтиришимиз шарт. Биз шундай бўлайликки, улар биздан фахрлансинлар.

⊙ Тарғибот

# "Мустақиллик — миллий тикланиш ва юксалишдир"

**партия ҳудудий Кенгашларида энг улуғ, энг азиз байрамга бағишланган тадбирлар бўлиб ўтмоқда**

***Халқимиз учун энг улуғ, энг азиз байрам тобора яқинлашмоқда. Шундай шукуҳли кунларда мамлакатимизда истиқомат қилаётган ҳар бир фуқаро қалбида эзгу орзу-умидлар, яратувчанлик, бунёдкорлик истаги жўш урмоқда. Юртимизнинг шаҳару қишлоқларида, узоқ овуллару хонадонларда мустақиллик нашидаси кезмоқда. Байрамни кўтаринки кайфият, шукроналик ҳисси билан қарши олиш мақсадида турли маданий-маърифий тадбирлар ташкил этилмоқда. ЎзМТДП ҳудудий Кенгашларида ҳам мустақиллигимизнинг 23 йиллигига бағишланган тадбирлар кўтаринки ва байрамона руҳда ташкил этилмоқда.***




Ўзбекистон "Миллий тикланиш" демократик партияси Марказий Кенгаши, Олий Мажлис Қонунчилик палатасидаги партия фракцияси, партия Андижон вилоят Кенгаши ҳамкорлигида Ўзбекистон Республикаси мустақиллигининг 23 йиллиги байрами олдидан **"Ягонасан, муқаддас Ватаним, севги ва садоқатим сенга бахшида, гўзал Ўзбекистоним!"** шиори остида "Мустақиллик — миллий тикланиш ва юксалишдир" мавзусида давра суҳбати ўтказилди. Унда партия Марказий Кенгаши ва Олий Мажлис Қонунчилик палатасидаги фракцияси аъзолари, ЎзМТДП Андижон вилоят Кенгаши фаоллари, халқ депутатлари маҳаллий Кенгашларга партиядан сайланган депутатлар, бошланғич партия ташкилотлари, "Аёллар қаноти" ва "Ёшлар қаноти" етакчилари иштирок этди.

Давра суҳбатини ЎзМТДП Марказий Кенгаши Ижроия Қўмитаси раиси ўринбосари, партиянинг Олий Мажлис Қонунчилик палатасидаги фракцияси раҳбари Улуғбек Муҳаммадиев кириш сўзи билан очиб, жумладан, шундай деди:

— Мамлакатимиз мустақилликнинг дастлабки кунларидан бошлаб муҳтарам Президентимиз раҳнамолигида миллий давлатчилик тарихи, урф-одатлари, азалий қадриятларига таянган ҳолда Ўзбекистонда суверен ҳуқуқий демократик давлат, эркин фуқаролик жамияти барпо этишни стратегик мақсад сифатида белгилаб олди. Ўтган йигирма уч йил мобайнида барча соҳаларда амалга оширилган ислоҳотлар самараси ўлароқ дунёнинг энг илғор мамлакатлари қаторидан муносиб ўрин эгалламоқдамиз. Юртимиздаги тинч ва тотув ҳаёт, фаровон турмушни таъминлаш йўлида фидокорона меҳнат, бунёдкорлик, мустақил юритилаётган ички ва ташқи сиёсат, инсон ҳуқуқ ва эркинликларининг ҳуқуқий кафолатлари, энг муҳими, тараққиётнинг "ўзбек модели"га асосланган йўлимиздан оғишмай, қатъият билан дадил одимлаётганимиз эришаётган ютуқ ва муваффақиятларимиз гарови бўлмоқда, — деди фракция раҳбари.

Тадбирда ЎзМТДП Андижон вилоят Кенгаши Ижроия Қўмитаси раиси Комилжон Отахонов маъруза қилди. Таъкидланганидек, мустақиллик байрами муносабати билан ташкил этилаётган тадбирларда истиқлол берган имкониятлар билан бир қаторда, ЎзМТДП устав ва дастури, сайловолди Платформасида илгари сурилган мамлакатимиз миллий манфаатларини ҳимоя қилиш, маънавий қадриятларимиз, халқимизнинг урф-одатлари ва анъаналарини, бой тарихий меросимизни асраб-авайлаш ва бойитиш, миллий тикланиш ғоясини кенг тарғиб қилиш ва аҳоли онгига сингдиришни, ушбу ғоя асосида халқни Ватан тараққиётига, демократик давлат ва кучли фуқаролик жамияти қуришга қаратилган яратувчанлик ва ижодкорлик фаолиятига сафарбар этиш, миллий қадриятларга садоқат руҳида тарбияланишларига кўмаклашишни тарғиб этиш, юртимизда тинчлик ва осойишталикни қадрлаб, халқимиз танлаган мустақил тараққиёт йўлини изчил давом эттиришга кўмаклашиш борасида амалга оширилаётган саъй-ҳаракатлар тарғиб қилинмоқда.

Тадбир якунида иштирокчиларнинг фикр-мулоҳазалари ўрганилиб, таклифлар олинди. Ўзбекистон "Миллий тикланиш" демократик партияси Андижон вилоят Кенгаши томонидан намунали фаолият олиб бораётган маҳаллий ва бошланғич партия ташкилотлари, фаол етакчилар турли йўналишлар асосида тақдирландилар. Якунда Ўзбекистон Республикаси мустақиллигининг 23 йиллиги олдидан партия фаолларига фахрий ёрлиқ ва эсдалик совғалари тақдим этилди. Байрам муносабати билан бадиий чиқишлар, мушоиралар, партия "Ёшлар қаноти" фаолларининг саҳна кўринишлари намойиш этилди.

* * *

Худди шу мавзудаги тадбир ЎзМТДП Самарқанд вилоят Кенгашида ҳам ташкил этилди. Тадбирда сўз олганлар мамлакатимизда ҳукм сураётган тинчлик энг олий неъмат эканлиги, халқ фаровонлиги, юрт ободлиги йўлида юртимиз дунё ҳамжамияти ҳавасини тортадиган ютуқ ва марраларга эришиши негизида мустақиллик неъмати, истиқлол имкониятлари мужассам эканини эътироф этдилар.

Давра суҳбатини ЎзМТДП Марказий Кенгаши Ижроия Қўмитаси раиси ўринбосари Жалолиддин Сафоев кириш сўзи билан очди.

— Юртимиз қиёфаси, ҳаётимизнинг маъно-мазмунини тубдан ўзгартириб юборган мустақиллик халқимизнинг ғурур ва ифтихор байрамига айланди. Шу кунларда юртимизнинг барча гўшаларида байрам шукуҳи кезмоқда. Ҳар йили бу улуғ айёмни қарши олар эканмиз, давлатимиз раҳбари қарорига асосан, бу борадаги маънавий-маърифий, тарғибот ишларини ўзига хос шиор билан нишонлаш анъанага айланган. Истиқлолнинг қадрига етиш, унинг олий неъмат эканини ҳис қилиш, дориломон кунларга шукрона келтириш ва бугунги ҳаётимизда юз бераётган ўзгаришлар ўз-ўзидан бўлмагани, бу борада халқимиз не-не синовларни бошидан кечиргани ва, айниқса, юртдошларимизнинг эртанги кунга ишончи ушбу шиорларда ўз аксини топади. **"Ягонасан, муқаддас Ватаним, севги ва садоқатим сенга бахшида, гўзал Ўзбекистоним!"** деб номланган эзгу шиор ҳам халқимиз юрагининг туб-тубидан отилиб чиққан сўзлардир. ЎзМТДП томонидан ҳам ушбу эзгу шиор остида қатор тадбир, давра суҳбати, учрашув ва форумлар ташкил этилмоқда. Маълумки, партиямиз мустақиллик йилларида бошланган миллий қадриятларни тиклаш, ўзликни англаш, миллий ғояни шакллантириш, мустақиллик мафкурасини мустаҳкамлаш каби мақсад ва вазифаларни изчил, босқичма-босқич равишда давом эттиришни муҳим вазифаси деб билади. Шу боис ташкил этаётган тадбирларимизда мамлакатимиз мустақил тараққиёт йилларида эришаётган ютуқларини ҳаётий мисоллар, қиёсий таҳлиллар воситасида кенг тарғиб қилаяпмиз,- деди нотиқ.

Шунингдек, тадбирда сўзга чиққан ЎзМТДП Самарқанд вилоят Кенгаши Ижроия Қўмитаси раиси Анвар Мирзаев мамлакатимизда тинчлик ва осойишталикни сақлаш, аҳоли турмуш фаровонлигини ошириш, электорат манфаатларини таъминлаш, ёшларни касб-ҳунарга йўналтириш, уларни юртга садоқатли инсонлар қилиб тарбиялаш борасида партия ташкилотлари томонидан олиб борилаётган саъй-ҳаракатлар ҳақида тўхталиб ўтди. Эътироф этилганидек, халқимизнинг буюк орзуси ушалган кун сифатида тарих зарварақларидан жой олган мустақиллик халқимизнинг фидокорона меҳнати, эркин, озод ва фаровон турмушимиз, ғурур-ифтихоримиз тимсоли сифатида ҳаётимиздан чуқур жой олди, қадр топди. Мамлакатимизнинг барча соҳаларда қўлга киритган ютуқлари ҳар бир юртдошимиз қалбида фахр-ифтихор туйғусини уйғотиб, юртимиз тараққиёти, буюк келажаги учун янада фидокорона меҳнат қилишга, мустақилликнинг қадрига етишга ундайди.

**Ўз мухбиримиз**

⊙ Бошланғич партия ташкилотлари — бош таянчимиз

# Ўз музейимиз бўлади

**БПТ аъзолари ана шундай қарорга келишди**

***Сиёсий партия ўз олдига қўйган мақсадларига эришишда, энг аввало, асосий таянчи бўлган бошланғич партия ташкилотлари фаолиятини тўғри ва самарали йўлга қўймоғи лозим. Шундагина аҳолига энг яқин ҳисобланган қуйи бўғинлар орқали электорат манфаатларини ҳимоя қилиш, уларни ўйлантираётган масалаларни ўрганиш ва ҳал қилиш учун янада қулай имкон туғилади.***

ЎзМТДП Қашқадарё вилоят Кенгаши Ижроия Қўмитаси томонидан жойларда бошланғич партия ташкилотининг фаолияти ҳамда улар олдида турган вазифаларга бағишланган турли тадбир, ўқув-семинарлар ўтказиб келинмоқда. Бу каби тадбирларда партия электорати билан ишлашда қуйи бўғинларнинг ролини ошириш, шунингдек, партия ғоясини фуқароларга чуқур етказишда тарғибот ишларини олиб боришнинг ноанъанавий шаклларини излаб топишга эътибор қаратилмоқда.

Хусусан, вилоятдаги қўғирчоқ театри қошида ташкил этилган қуйи бўғин айни пайтда ўз атрофига 34 нафар партия аъзосини бирлаштириб, муайян саъй-ҳаракатларни амалга оширмоқда.

— Қуйи бўғинимиз ўз фаолияти давомида партия ғоя, мақсад ва вазифаларини асосий дастуриламал қилиб, мамлакатимизда олиб борилаётган кенг кўламли ислоҳотлар жараёнига ўз ҳиссасини қўшишга интилмоқда, — дейди қуйи бўғин етакчиси Тўрамурот Маллаев. — Ҳар бир тадбир ва тарғибот ишларида фаол иштирок этиб, маслакдошларимиз сафини кенгайтиришга ҳаракат қилаяпмиз. Қуйи бўғин аъзолари иштирокида миллий қадриятларимиз, ота-боболаримиздан бизгача етиб келган ёдгорликларни асраб-авайлаш ва улардан оқилона фойдаланиш, янги боғлар, гулзорлар яратиш борасида бир қатор амалий ишлар олиб борилмоқда. Албатта, бу саъй-ҳаракатлар замирида партиямизнинг дастурий вазифалари ижросини таъминлаш мақсади ётади. Ўтказаётган тадбирларимизда иштирок этаётган ёшлар партиямиз сафига кириш истагини билдиришаётганидан қувонмай иложимиз йўқ. Бундан кўриниб турибдики, ўтказаётган давра суҳбатларимиз, тадбирларимиз ўз самарасини бермоқда.

Бошланғич партия ташкилоти фаолиятини кузата туриб, халқ депутатлари вилоят Кенгашидаги партия гуруҳи депутатлари билан ўзаро ҳамкорликда иш олиб бораётганининг гувоҳи бўлдик. Эътироф этиш жоизки, депутатлар иштирокида ташкил этилаётган "Менинг оилам — менинг бахтим", "Шу азиз Ватан — барчамизники", "Биз буюк юрт фарзандларимиз", "Санъатим — бахтим" каби тадбирлар жамиятда ҳуқуқий маданиятни юксалтириш, инсон ҳуқуқларини таъминлаш борасида юртимизда амалга оширилаётган ислоҳотларни тарғиб қилишга қаратилаётгани билан эътиборлидир. Бу иштирокчилар қизиқишига сабаб бўлиб, партия хайрихоҳлари сафи кенгайишига хизмат қилмоқда.

— Эътироф этиш жоизки, биз партия фаоллари асосий эътиборни ёшларга қаратганмиз, — дейди биз билан суҳбатда қуйи бўғин етакчиси Т.Маллаев. — Атрофимизга иқтидорли, ўз дунёқарашига эга бўлган ёшларни жамлаганмиз. Улар ўсиб келаётган ёш авлодга эстетик завқ бериш билан бир қаторда, уларни саҳнага олиб чиқилаётган ибратли воқеалардан тўғри хулоса чиқаришга ундамоқдалар. Олдимизга қўйган мақсадларимиздан бири — театримизда кичик бир музей ташкил этиш. Унда қўғирчоқ театрининг тарихи, миллий қўғирчоқларнинг қай тарзда ясалишини акс эттирмоқчимиз. Ўйлаймизки, бу каби амалий ишларимиз ўз натижасини бермай қолмайди.

**Шаҳноза ҚАҲҲОРЗОДА,**
**ЎзМТДП Қашқадарё вилоят Кенгаши матбуот котиби**

Шукрона

# МУСТАҚИЛЛИК — ЭРКИН ВА ФАРОВОН ҲАЁТ ДЕМАК

***Мустақиллик халқимизни олижаноб интилишлар билан яшашга ўргатди, эркин ва фаровон ҳаёт барпо этишга ундади. Бугун юртимиз ана шу улуғ айём шодиёналарини нишонлаш арафасида турган пайтда, бир ўзбек аёли сифатида истиқлолнинг менинг ҳаётимда қандай ўзгаришлар ясагани, кўнглимдаги кечинмалар ҳақида бироз тўхталишни хоҳладим.***

Менинг тақдирим мустақиллик билан чамбарчас боғлиқ, десам бўлади. Чунки собиқ иттифоқ даврида кичик бир дорихонада оддий ходима бўлиб ишлардим. Топган-тутганимни оилам у ёқда турсин, ўз сарф-харажатларимга ҳам етказа олмасдим. На ишда, на маҳаллада ёки жамоат ишида шахсий ташаббусга йўл қўйилмас, айниқса, аёлларнинг тадбиркор, фаол жамоатчи сифатида ўзларини намоён этиши жуда мураккаб масала эди. Президентимиз томонидан давлат мустақиллигининг эълон қилиниши эса, келажак мақсадларим йўлидаги барча тўсиқларни олиб ташлади. Дастлаб, тадбиркорлик, шахсий ташаббус, бозор иқтисодиёти муносабатлари деган ҳаётбахш тушунчалар маъносини англаб ета бошладим. Кичик бир дорихонада бошланган фаолиятим ривожланиб, равнақ топди. Шунингдек, истиқлол даврида ижтимоий-сиёсий ҳаётда ўз ўрнимни топишга бўлган интилишларим натижасида Ўзбекистон "Миллий тикланиш" демократик партиясига аъзо бўлдим, депутат этиб сайландим. Партиянинг мақсад ва вазифаларини амалга оширишда иштирок этар эканман, бунда Президентимизнинг "Миллий тикланиш ғоятда узоқ давом этадиган ва ҳеч қачон ўзининг долзарблик моҳиятини йўқотмайдиган бир масала, аниқроғи, халқимиз, давлатимиз олдида турган стратегик мақсад, улуғ бир вазифадир", деган сўзлари дастуриламал бўлиб хизмат қилди. Мамлакатимиз миллий манфаатларини ҳимоя қилиш, маънавий қадриятларимизни, халқимизнинг урф-одатлари ва анъаналарини, бой тарихий меросимизни асраб-авайлаш ғояларини кенг тарғиб қилиш ва аҳоли онгига сингдиришни мақсад қилган Ўзбекистон "Миллий тикланиш" демократик партияси сафида баркамол авлодни шакллантириш, халқимизни озод ва обод Ватан равнақи йўлида бирлаштириш каби эзгу орзуларимиз амалга ошаётганлиги кўксимизни фахрга тўлдиради. Айни пайтда аёл сифатида "Жўрабек" компанияси раҳбари, халқ депутатлари Тошкент вилоят Кенгаши депутати сифатида кучли давлатдан кучли фуқаролик жамияти қуришдек эзгу мақсад йўлида интилаётганимдан, ҳудудларни ижтимоий-иқтисодий жиҳатдан ривожлантириш ишларига ўз ҳиссамни қўшаётганимдан мамнунман.

Эътиборли жиҳати, мустақиллик даврида ўз қобилиятларини намоён этмоқчи бўлган мен каби аёллар учун мамлакатимизда барча шароитлар яратилди. Тўғри, давлатнинг хотин-қизлар ҳуқуқ ва эркинликларини ҳимоя қилишга қаратилган сиёсати ўз-ўзидан амалга ошиб қолмади, албатта. Бу борада изчил тизим яратилгани муваффақиятлар омили бўлди, деб ўйлайман. Энг аввало, оила, жамият ва давлатнинг тараққиёти аёл ва ёш авлоднинг соғлиги билан боғлиқлиги алоҳида эътиборга олиниб, хотин-қизларни эъзозлаш ва соғломлаштиришга аҳамият берила бошланди.

Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг бир қатор моддалари аёлларнинг эркинликлари ва ҳуқуқларини ҳимоя қилишга қаратилгани билан эътиборга молик. Ўзбекистон Республикасининг Оила кодекси эса Конституцияда белгилаб берилган аёл ҳуқуқларини ҳар жиҳатдан мустаҳкамлади. Қолаверса, Президентимизнинг "Давлат ва жамият қурилишида хотин-қизлар ролини ошириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги Фармони аёлларнинг ижтимоий-сиёсий жараёнлардаги фаол иштирокини таъминлади. Аёлларга билим олиш, касб эгаллаш, меҳнат қилиш, меҳнат учун ҳақ олиш, сиёсий ҳаётда фаол иштирок этишлари учун эркаклар билан тенг имкониятлар яратилган бўлса-да, уларнинг оиладаги ўрни, жисмоний имкониятларини ҳисобга олиб, уларга иш фаолиятида, соғлигини сақлашда қулай шароит ва имтиёзлар яратиб беришга алоҳида эътибор қаратилди. Тегишли қонун ҳужжатларида Олий Мажлисга кўрсатиладиган номзодларнинг 30 фоизини аёллар ташкил этиши ҳам белгилаб қўйилди. Қолаверса, 1999 йилдан буён мамлакатимизнинг истеъдодли, фаол қизлари Зулфия номидаги Давлат мукофоти билан тақдирланиб келмоқда.

ЎзМТДП сайловолди Платформасида ҳам ёшлар ва хотин-қизларнинг жамиятни модернизация қилиш ва янгилаш, маънавий қадриятларни, халқ анъаналарини сақлаш ҳамда бойитиш жараёнларида тўлақонли ва фаол иштирок этишини таъминлаш алоҳида белгилаб қўйилган. Бугунги кунда партия аъзолари умумий сонининг 50 фоизга яқинини хотин-қизлар ташкил этаётгани ҳам партияда амалга ошириб келинаётган бир қатор йирик лойиҳалар, саъй-ҳаракатлар натижасидир. Жумладан, партия "Аёллар қаноти" томонидан республика миқёсида "Донолик ва ташаббускорлик — сиёсий етакчилик мезони" кўрик-танлови, "Миллий тикланиш соврини учун" спорт мусобақаси, "Миллий ҳунармандчилигимиз — миллий қадриятларимиз бардавомлиги кафолати" шиори остида оилавий тадбиркорлар кўргазмаси, "Мустаҳкам оила — жамият таянчи", "Обод турмуш — саодат ва фаровонлик тимсоли" шиори остида мақолалар танлови, мустақиллигимиз арафасида "Мустақиллик — олий саодат", "Мустақиллик — бахт ва фаровонлигимиз асоси", "Ягонасан, муқаддас Ватаним, севги ва садоқатим сенга бахшида, гўзал Ўзбекистоним!" мавзуларида хотин-қизлар Форумлари ташкил этиб келинаётир. Мазкур лойиҳалардан кўзланган асосий мақсад ЎзМТДП Дастури ва сайловолди Платформасида белгиланган мақсад-вазифаларни амалга ошириш, миллий ҳунармандчиликнинг барча турларини, оилавий тадбиркорлик ва касаначиликни имтиёзли кредитлаш, аёлларимиз учун керакли шарт-шароитлар, кенг имкониятлар яратишга кўмаклашиш, турли соҳаларда ижод ва меҳнат қилаётган истеъдод эгалари, фаол аёлларни қўллаб-қувватлаш, уларнинг ижод намуналарини намойиш этиш, бандлик масаласини ҳал қилишга кўмаклашиш орқали ижтимоий мавқеларини юксалтириш ва муносиб рағбатлантиришдан иборат.

Мухтасар айтганда, мустақиллик менга ўз-ўзимдан қониқиш, инсонлик бахтини берди. Ва, ишонч билан айта оламанки, бу туйғуни бугун ҳар бир ўзбекистонлик, ҳар бир аёл яққол ҳис этаётир.

**Мунирахон ҚОРИЕВА,**
**ЎзМТДП Тошкент вилоят Кенгаши Ижроия Қўмитаси раиси ўринбосари, халқ депутатлари вилоят Кенгашига партиядан сайланган депутат**



Фракция аъзолари қонун лойиҳаларини муҳокама қилишмоқда.

Қонун кучга кирди

# Акциядорлик жамиятлари

## уларни қўллаб-қувватлашнинг ҳуқуқий асослари мустаҳкамланди

(Давоми. Бошланиши 1-бетда)

Маълумки, Қонун расман эълон қилиниб, кучга кирди. Эндиликда унинг моҳиятини аҳоли, тадбиркорлик субъектлари, қолаверса, ижрочиларга етказиш бўйича бир қатор тизимли чора-тадбирларни кўриш зарур бўлади. Бу борада оммавий ахборот воситаларидан самарали фойдаланиш ва тегишли манфаатдор субъект ва ижрочиларнинг мазкур қонун нормаларини амалиётда қўллаш бўйича ҳуқуқий маданияти, амалий кўникмаларини ошириш долзарб вазифалардан бўлиб ҳисобланади.

Таъкидлаш жоизки, акциядорлик жамияти устав фонди (устав капитали) акциядорларнинг акциядорлик жамиятига нисбатан ҳуқуқларини тасдиқловчи муайян миқдордаги акцияларга тақсимланган тижорат ташкилоти саналади. У фуқаролик ҳуқуқий муносабатларининг субъекти сифатида товар-пул муносабатларида иштирок этади. Шунингдек, акциядорлик жамияти ўзига хос ҳуқуқ субъекти лаёқатига эга бўлиб, давлат рўйхатидан ўтказилган пайтдан эътиборан юридик шахс мақомига эга бўлади.

Қонунда назарда тутилган энг муҳим нормалардан бири акциядордан акцияларни олишга бўлган имтиёзли ҳуқуқдир. Яъни, акциядорлар сотаётган акцияларни олишга доир имтиёзли ҳуқуқни амалга ошириш тартиби ва муддатлари жамият уставида белгиланади, бунда имтиёзли ҳуқуқдан фойдаланиш муддати акциялар сотувга қўйилган пайтдан эътиборан ўн кундан кам ва ўттиз кундан кўп бўлиши мумкин эмас. Ўрни келганда шуни қайд этиш лозимки, Ўзбекистон Республикасининг Фуқаролик кодекси ва мазкур қонун филиал, ваколатхона, шўъба ва тобе хўжалик жамиятлари ҳуқуқ субъектлиги ҳақида умумий қоидаларни назарда тутса-да, уларнинг махсус ҳуқуқий мақоми юзасидан келгусида қонун ижодкорлик фаолиятида шуғулланиш долзарб масалалардан биридир.

Қонуннинг 21-моддаси жамиятнинг акциядорига бағишланган. Акциялар эгасининг номи ёзилган эмиссиявий қимматли қоғозлар мавжуд бўлиб, улар турига кўра оддий ва имтиёзли бўлиши мумкин. Агар акция умумий мулк ҳуқуқи асосида бир нечта шахсга тегишли бўлса, бу шахсларнинг барчаси акциядор деб эътироф этилади ва акция билан тасдиқланган ҳуқуқлардан ўзларининг умумий вакили орқали фойдаланилади. Бир турдаги акция унга эгалик қилувчи ҳар бир акциядорга шу турдаги акцияларнинг бошқа эгалари билан бир хил бўлган ҳажмдаги ҳуқуқларни беради. Оддий акцияларни имтиёзли акцияларга, корпоратив облигацияларга ва бошқа қиммати қоғозларга айирбошлашга йўл қўйилмайди. Акциялар мулк ҳуқуқи ёки бошқа ашёвий ҳуқуқ асосида қайси юридик ёки жисмоний шахсга тегишли бўлса, ўша юридик ёхуд жисмоний шахс акциянинг эгаси — акциядор деб эътироф этилади. Оддий акциялар, овоз берувчи акциялар бўлиб, улар ўз эгасига дивидендлар олиш, жамиятни бошқаришда иштирок этиш ҳуқуқини беради. Ўз эгаларига дивидендларни, шунингдек, жамият тугатилаётганда акцияларга қўйилган маблағларни биринчи навбатда олиш ҳуқуқини берадиган акциялар имтиёзли акциялардир.

Қонунда "Олтин акция" ҳақидаги нормалар ҳам ифодасини топган. "Олтин акция" давлатнинг айрим жамиятларни бошқаришда иштирок этишга доир ҳуқуқи бўлиб, у стратегик аҳамиятга эга бўлган давлат корхоналари хусусийлаштирилаётганда ёки жамиятларнинг давлат акция пакетлари хусусий мулк этиб реализация қилинаётганда Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг қарорига асосан жорий этилади ва мамлакатнинг иқтисодий манфаатлари ҳимоя қилинишини таъминлайди. Ўзининг ҳуқуқий табиатига кўра, "Олтин акция" қийматига эга бўлмайди, бошқа шахсга ўтказилмайди ҳамда гаровга берилмайди, жамият устав фондининг (устав капиталининг) миқдорини белгилаш ва дивидендларни ҳисоблашда инобатга олинмайди.

Тегишли жамият акциядорларининг реестрига кириш, депозитарийдаги депо ҳисоб варағидан ўзига тааллуқли кўчирма олиш, жамият фойдасининг бир қисмини дивидендлар тарзида, жамият тугатилган тақдирда ўзларига тегишли улушга мувофиқ мол-мулкнинг бир қисмини олиш, акциядорларнинг умумий йиғилишларида овоз бериш орқали жамиятни бошқаришда иштирок этиш, жамиятнинг молия-хўжалик фаолияти натижалари тўғрисида тўлиқ ва ишончли ахборотни белгиланган тартибда олиш ва олган дивидендини эркин тасарруф этиш акциядорлар ҳуқуқларининг бир кўринишидир.

Шунингдек, улар қимматли қоғозлар бозорини тартибга солиш бўйича ваколатли давлат органида, судда ўз ҳуқуқларини ҳимоя этиш, ўзига етказилган зарарнинг ўрни қопланишини белгиланган тартибда талаб қилиш, ўз манфаатларини ифодалаш ва ҳимоя қилиш мақсадида уюшмаларга ва бошқа нодавлат нотижорат ташкилотларига бирлашиши, шу жумладан, бой берилган фойда эҳтимоли билан боғлиқ таваккалчиликларни суғурта қилиш ҳуқуқига эга. Бундан ташқари, акциядорлар қонун ҳужжатларига ва жамият уставига мувофиқ бошқа ҳуқуқларга ҳам эга бўлиши мумкин. Шунингдек, янги қонунда акциядорларнинг ҳуқуқлари, акцияларга бўлган ҳуқуқлар ҳамда акциядорлик жамиятининг қонун ҳужжатларига ва ўз уставига мувофиқ фаолияти ҳам ифода этилган.

Эътироф этиш жоизки, янги таҳрирдаги қонунда акциядорлик жамиятнинг бошқарув органлари ҳисобланмиш акциядорларнинг умумий йиғилиши, кузатув кенгаши ва ижроия органи ваколатларига оид нормалар тўлиқ ифодасини топган. Амалий нуқтаи назардан жамиятнинг ҳар бир бошқарув органи ўз ваколатларини амалга оширишда қонун ҳужжатлари ва улар уставида белгиланган тартиб-тамойилларга риоя этиши акциядорлар ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилишда ҳам муҳим аҳамият касб этади. Янги қонундаги муҳим масалалардан яна бири, умумий йиғилишда вакиллик ҳисобланади. Унга кўра, акциядорларнинг умумий йиғилишида иштирок этиш ҳуқуқи акциядор томонидан шахсан ёки унинг вакили орқали амалга оширилади. Акциядорнинг вакили акциядорларнинг умумий йиғилишида ёзма шаклда тузилган ишончнома асосида иш юритади.

Қонунда ифодасини топган янгиликлардан бири жамиятнинг миноритар акциядорлари қўмитаси ҳақидаги нормаларнинг белгиланганлигидир. Хусусан, Қонуннинг 82-моддасига кўра, миноритар акциядорларнинг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш мақсадида жамиятда уларнинг орасидан миноритар акциядорларнинг қўмитаси ташкил этилиши мумкин. Миноритар акциядорлар қўмитасининг таркибига номзодлар бўйича таклифлар жамиятга жамият кузатув кенгашига номзодлар бўйича таклифлар киритиш учун назарда тутилган тартиб ва муддатларда киритилади. Миноритар акциядорлар қўмитасининг аъзоларини сайлашда акциядорларнинг умумий йиғилишида ҳозир бўлган ва жамият кузатув кенгашига номзодлар кўрсатмаган ёхуд акциядорларнинг ўтказилаётган умумий йиғилишида кузатув кенгашига номзодлари сайланмаган акциядорлар иштирок этади. Миноритар акциядорлар қўмитасининг таркибига жамиятнинг директори, бошқарув аъзолари, шунингдек, жамиятнинг кузатув кенгаши ва тафтиш комиссиясига (тафтишчиси этиб) сайланган шахслар кириши мумкин эмас. Миноритар акциядорлар қўмитаси акциядорларнинг умумий йиғилиши ёки жамиятнинг кузатув кенгаши кўриб чиқиши учун киритилаётган йирик битимлар ва аффилланган шахслар билан битимлар тузишга оид масалалар бўйича таклифлар тайёрлашда иштирок этиш, миноритар акциядорларнинг ўз ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш каби бир қатор ваколатга эга.

Дарҳақиқат, биз моҳиятини ёритаётган қонунда жамиятни қайта ташкил этиш ва тугатишнинг тартиби ҳамда асосларига оид бир қатор нормалар ўз ифодасини топган. Жумладан, қонуннинг 100-моддасига мувофиқ тугатилаётган жамиятнинг кредиторлар билан ҳисоб-китоблардан кейин қолган мол-мулки тугатувчи томонидан акциядорлар ўртасида белгиланган навбат бўйича тақсимланиши жуда муҳим аҳамиятга эга. Бунда, энг аввало, ушбу қонуннинг 40-моддасига мувофиқ, қайтариб сотиб олиш лозим бўлган акциялар бўйича тўловлар амалга оширилади.

Шунингдек, тугатилаётган жамиятнинг мол-мулкини оддий акциялар эгалари бўлган акциядорлар ўртасида тақсимлаш амалга оширилади. Қонунда амалиёт талабига мос бўлган бундай нормаларнинг ифода этиб берилганлиги келгусида тугатилаётган жамиятнинг мол-мулкини акциядорлар ўртасида тақсимлаш жараёнида вужудга келиши мумкин бўлган низоларнинг олдини олиш ва ҳал қилишда ҳуқуқий асос бўлиб хизмат қилади.

Қонунда акциядорлик жамиятлари ва акциядорларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилишга оид бир қатор нормаларнинг ифодаланиши соҳадаги муносабатларни ҳуқуқий тартибга солишнинг бугунги кун тенденцияларига мос келади. Бир сўз билан айтганда, акциядорлик жамиятлари ва акциядорларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилишга оид янги таҳрирдаги Қонун мамлакатимизда демократик иқтисодий ислоҳотларни янада чуқурлаштиришда мустаҳкам ҳуқуқий асос бўлиб хизмат қилади.

**Шухрат РЎЗИНАЗАРОВ,**
**юридик фанлари доктори, профессор**

Партия гуруҳларида

# Электорат мурожаати

## доимий эътиборда

***Мустақиллик шарофати билан юртимизда барча соҳаларда кенг қамровли изчил ислоҳотлар амалга оширилмоқда. Бугун шаҳару қишлоқлардаги кўркамлик, файзу тароватни кўриб, дилимиз яйрайди. Одамларнинг юз-кўзидаги шижоат, эртанги кунга ишонч ҳам мустақиллик шарофати, унинг бизга туҳфа этган саодатли кунларига шукроналикдир. Юрт равнақига дахлдорлик ҳисси билан яшаш эса биз депутатларнинг зиммамизга ҳам катта масъулият юкламоқда.***

Давлатимиз раҳбарининг Ўзбекистон Республикаси Конституцияси қабул қилинганлигининг 21 йиллигига бағишланган тантанали маросимдаги "Амалга оширилаётган ислоҳотларимизни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамияти қуриш — ёруғ келажагимизнинг асосий омилидир" мавзусидаги маърузасида мустақиллик йилларида мамлакатимизда амалга оширилаётган кенг кўламли ислоҳотлар натижасида қўлга киритилган ютуқлар аниқ рақам ва кўрсаткичлар асосида таҳлил қилиб берилди. Дастуриламал маърузада мамлакатимизда демократик ислоҳотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш жараёни янги босқичга кўтарилган ҳозирги даврда биз депутатлар фаолиятимизни янада изчил йўлга қўйишимиз, дастурий мақсадларимизга хайрихоҳлик билдирган сайловчилар ишончини оқлашда бундан-да фаол ва ташаббускор бўлишимиз лозимлиги эътироф этилди.

Шу нуқтаи назардан, халқ депутатлари Нурота туман Кенгашига ЎзМТДПдан сайланган депутатлар сайловчилар мурожаатларини бефарқ қолдирмасдан, уларнинг талаб ва истакларини тўлақонли бажаришга эришишга ҳаракат қилмоқдамиз. Шунингдек, "Соғлом бола йили" Давлат дастури доирасида оила қадриятларини мустаҳкамлаш, оналик ва болаликни муҳофаза қилиш, репродуктив саломатликни сақлаш, ЎзМТДП сайловолди Платформасида белгиланган юксак маънавиятли ва ахлоқли, эркин, масъулиятли, баркамол инсонни тарбиялаш каби дастурий мақсад ҳамда вазифалар ижросини таъминлашга қаратилган тарғибот тадбирларини кучайтиришга, уларни шунчаки хўжакўрсинга эмас, жонли ва самарали ташкил этишга интилмоқдамиз.

Таъкидлаш жоизки, Нурота туманининг "Ғозғон" қишлоғида 8 минг нафарга яқин аҳоли истиқомат қилади. Оилалар сони эса 2 минг 238 та. Ҳудуд аҳолисининг аксарияти чорвачилик ва тоштарошлик билан шуғулланади. Айниқса, оилавий тадбиркорлик, касаначилик ҳамда ҳунармандчиликни ривожлантириш орқали мамлакатимиз тараққиётига муносиб ҳисса қўшиб келаётган ғозғонликлар ўз касби кори билан ғурурланадиган, қадри баланд халқ. Мусаффо иқлим ва сўлим табиатли бу масканда ҳам кейинги йилларда ободонлаштириш ва бунёдкорлик борасида эътирофга молик ишлар амалга оширилмоқда. Намунавий лойиҳа асосида қад ростлаётган турар-жойлар, савдо-сотиқ шохобчаларининг кўлами йил сайин кенгайиб бормоқда. Замонавий типда барпо этилган таълим масканларида таҳсил олаётган ҳудуд ёшлари эртанги кунимиз таянчи, ишончларидир.

Ҳудуддаги ижтимоий-иқтисодий барқарорликни назорат қилиш, битирувчилар бандлигини таъминлаш масалалари ҳам доимий диққат эътиборимизда. Жумладан, қишлоқ ёшларини ишга жойлаштириш масаласига доир мурожаатлар имкон даражасида қондирилмоқда. Хусусан, ўтган йил давомида 30 нафардан ортиқ ғозғонлик йигит-қиз иш билан таъминланди.

Аҳоли томонидан келаётган мурожаатлар ва ўрганишларимиз юзасидан тегишли ташкилотларга депутатлик сўровлари киритиш натижасида улар ўз ечимини топмоқда. Жумладан, жорий йилнинг биринчи ярим йиллигида Нурота туман ҳокимлигига Ғозғон қишлоқ фуқаролар йиғинидаги "Ғозғон" қишлоқ врачлик пунктини қайта реконструкция қилиш бўйича депутатлик сўрови киритдик. Натижада, сиҳатгоҳни капитал таъмирлаш лойиҳаси жорий йилнинг манзилли дастурига киритилиб, бюджет маблағлари ҳисобидан тегишли тартибда молиялаштирилгандан сўнг амалга оширилиши кўзда тутилмоқда. "Ўзбекнефтгаз" Миллий холдинг компаниясига Нурота-Ғозғон йўналишидаги табиий газ тармоқларида носозликлар тўғрисида киритилган депутатлик сўровимиз натижасида мазкур масала ҳам ижобий ечим топди.

Юқорида таъкидлаб ўтганимиздек, Ғозғон ҳудуди ўзига хос табиатга эга бўлган мўъжаз маскан. Бу диёр ривоятларга, афсоналарга бой. Маҳаллий аҳолига обиҳаёт улашувчи Ғозғон чашмалари, Ўрта Осиё архитектурасининг ноёб намуналаридан бири бўлган "Шоҳимардон" тарихий ёдгорлиги, қишлоқдаги тупроқ қўрғонлар ва қалъалар ҳақида кўп эшитгансиз. Қўрғон атрофидаги харсангтошларга битилган ёзувлар, ундаги петроглифлар бу маскан номоддий мерос объектларига жуда бой эканлигидан далолат беради.

Ўрни келганда айтиш жоизки, қишлоқдаги мавжуд чашмалар атрофини кенгайтириш, ободонлаштириш борасида ҳам муайян саъй-ҳаракатларни амалга ошириш лозим. Бу борада, айниқса, ЎзМТДПдан сайланган депутатлар зиммасига масъулиятли вазифалар юкланади. Зеро, партия сайловолди Платформасида халқимизнинг миллий қадриятларини тиклаш, аждодларимизнинг бой тарихий, илмий, бадиий ва маданий мероси, меъморий ҳамда қадимий қадамжоларни асраб-авайлаш, уларни ёш авлод ўртасида тарғиб-ташвиқ қилишга кўмаклашиш борасида устувор вазифалар белгиланган.

**Суннат ҲУСАЙНОВ,**
**халқ депутатлари Нурота туман Кенгашига ЎзМТДПдан сайланган депутат**







Ҳуқуқий ислоҳот

# Низони ҳал этишдаги муқобил ва қулай усул

***Мустақиллик йилларида мамлакатимизда демократик ҳуқуқий давлат қуриш ва кучли фуқаролик жамиятини барпо этишга қаратилган кенг кўламли ислоҳотлар амалга оширилмоқда. Бунда энг асосий эътибор демократик институтларни яратиш ва шу орқали ижтимоий муносабатларда нодавлат ташкилотларнинг иштироки ва таъсирини кенгайтиришга қаратилмоқда.***

Ана шундай нодавлат ташкилотлар сирасига сиёсий партиялар, жамоат бирлашмалари, турли уюшмалар ҳамда ҳакамлик судларини киритиш мумкин. Таъкидлаш жоизки, ҳакамлик судлари мавжуд низоларни ҳал этишда давлат судлари билан бир қаторда муқобил фаолият олиб борадиган ўзига хос нодавлат орган бўлиб, у ўз фаолиятини амалдаги қонунчиликка мувофиқ олиб боради. Айтиш мумкинки, ҳакамлик судлари давлат судлари каби процессуал ҳаракатларни амалга ошириш ва тегишли низони ҳал этишнинг қонуний усулларини қўллаш асосида муайян ҳуқуқий ҳужжат қабул қилишга ҳақлидир.

Мустақиллик йилларида мамлакатимизда ҳакамлик судларини жорий қилиш, улар фаолиятининг ҳуқуқий асосларини яратиш, ҳакамлик судининг процессуал ҳаракатларни амалга оширишида амал қилиши лозим бўлган қоидаларни жорий этишга оид бўлган махсус қонун ҳужжатини яратиш борасида муайян саъй-ҳаракатлар олиб борилди. Бунинг натижаси ўлароқ, давлатимиз раҳбари ташаббуси билан Ўзбекистон Республикасининг "Ҳакамлик судлари тўғрисида"ги Қонун қабул қилиниб, 2007 йилнинг 1 январидан кучга кирди. Ушбу Қонуннинг 3-моддасида ҳакамлик судларига қуйидагича таъриф берилади: Ҳакамлик суди (доимий фаолият кўрсатувчи ҳакамлик суди ёки муваққат ҳакамлик суди) - фуқаролик ҳуқуқий муносабатларидан келиб чиқувчи низоларни, шу жумладан, тадбиркорлик субъектлари ўртасида вужудга келувчи хўжалик низоларини ҳал этувчи нодавлат органдир.

Ҳакамлик судлари иқтисодий низоларни ҳал этишда субъектларнинг ҳуқуқий муносабатдаги иштироки ва низо тарафи сифатидаги ҳолатидан келиб чиқиб ихтисослаштирилмаганлиги жиҳатидан ҳам давлат судлов тизимидан фарқ қилишини айтиб ўтиш лозим. Агар Ўзбекистонда иқтисодий-мулкий низоларни ҳал этиш бўйича судлов тизими иккита суд органи - Фуқаролик ишлар бўйича судлар ва Хўжалик судлари ваколатига юкланган бўлса, ҳакамлик судларида ҳар иккала судга тегишли ишлар ҳам кўрилиши мумкин. Демак, ҳакамлик судининг асосий вазифаси фақат иқтисодий муомала иштирокчилари ўртасидаги ва зарар етказишдан вужудга келадиган даъволарга оид низоларни ҳал этиш ҳисобланади. Давлат судлари каби шикоят ва давлат органлари қарорларини ҳақиқий эмас, деб топишга оид бўлган, шунингдек, бошқа алоҳида туркумдаги ишларни кўриш ҳакамлик судларининг фаолият доирасига кирмайди. Ҳакамлик судининг роли — давлат судларига қарама-қаршилик эмас, балки фуқаролар ва тадбиркорлик субъектлари ўртасида келиб чиқувчи низоларни холис ҳамда тезкор усул билан ҳал қилиш ҳисобланади. Тарафлар ўртасидаги низоларни ҳакамлик суди томонидан кўриб чиқилишидаги муҳим бир ҳолат — бу томонларнинг ҳакамлик битимига эришишидир. Бинобарин, низони ушбу суднинг ҳал қилувига топшириш учун айнан ҳакамлик битими зарур бўлади.

Ҳакамлик суди судларнинг мустақиллиги, бетарафлиги ва юқори профессионалигини таъминлашга хизмат қилади. Эътиборли жиҳати шундаки, фақат юристлар эмас, балки хўжалик соҳасидаги турли тармоқларнинг юқори малакали мутахассислари ҳам ҳакамлик суди судьяси бўлишлари мумкин, улар тайинланмайди, балки тарафларнинг танловига кўра сайланади. Ушбу суд ишни кўриб чиқишнинг тезлиги ва холислигини таъминлаб, айни пайтда тадбиркорлик субъектларининг тижорат сирларининг қаттиқ сақланишини кафолатлайди.

Ҳакамлик судлари низоларни муқобил ҳал этиш усули бўлган медиациядан ҳам фарқ қилади. Агар ҳакамлик суди муайян фуқаролик ёки хўжалик низосини кўриб чиқиб, процессуал ва моддий ҳуқуқ нормаларини қўллаш асосида ҳал қилув қарори қабул қилса, медиацияда медиатор бундай ҳаракатларни амалга оширмайди. Медиация бу тарафлар ўртасидаги низони, уларнинг ўзаро мақбул келишувга эришишларига кўмаклашадиган ва қарор чиқариш ҳуқуқига эга бўлмаган, беғараз воситачи (медиатор) ёрдамида ҳал қилиш усули ҳисобланади.

Медиаторнинг нейтраллиги ва беғаразлиги тарафларга ўз ҳолатларини очиқ баён этиш ҳамда ўзаро ҳамкорлик руҳида ишлаш имкониятини беради. Медиатордан айбдор ва ҳақли шахсни аниқлаш талаб қилинмайди. У медиация жараёнининг барча босқичларида нейтраллик ва беғаразликни сақлаб қолиши лозим. Медиатор тарафларга низонинг ўзаро мақбул ечимини топишларига кўмаклашиши керак.

Хулоса қилиб айтганда, ҳакамлик судларининг фаолияти қонунийлик, мустақиллик, ҳакамлик муҳокамаси маълумотларининг ошкор қилинмаслиги, ҳакамлик судьяларининг холислиги, ҳакамлик муҳокамаси тарафларининг тортишуви ва тенг ҳуқуқлилиги тамойилларига асосланади. Президентимиз таъбири билан айтганда: **"...холис ҳакамлик судлари имкониятларидан кенгроқ фойдаланиш лозим".** Зеро, ҳакамлик суди нодавлат орган сифатида низоларни ҳал этишнинг ўзига хос усули ҳисобланади, яъни, низо тарафларнинг ўзаро келишувга эришиши асосида ҳал қилинади.

**Аъламжон ДЖУРАЕВ,**
**Ўзбекистон Ҳакамлик судлари ассоциацияси раиси**

31 август — Қатағон қурбонларини ёд этиш куни

# Аждодлар хотираси — муқаддас

## улар доимо халқимиз ёдидадир

*Истиқлол йилларида миллий қадриятларни тиклаш, тарихимизни холис ва ҳаққоний ўрганиш, азиз сиймолар хотирасини эъзозлаш, маданиятимиз ва санъатимиз ривожига ҳисса қўшган ижодкорлар фаолияти, уларнинг бой маънавий меросини тадқиқ этиш, тарғиб ва ташвиқ қилиш, тарихий адолатни қарор топтириш борасида кенг кўламли ишлар амалга оширилмоқда.*



Президентимизнинг 2001 йил 1 майдаги "Қатағон қурбонларини ёд этиш кунини белгилаш тўғрисида"ги Фармони асосида ташкил этилган "Қатағон қурбонлари хотираси" музейи 2002 йилнинг 31 августида очилди. Мана ўн икки йилдирки, халқимизнинг ўтмиши ва бугунини ўзида акс эттирган мазкур музей тобора бойитилиб, шаҳар аҳли ва меҳмонларининг азиз қадамжоларидан бирига айланди.

— "Қатағон қурбонлари хотираси" музейи миллий маънавиятимизнинг юксалишида тарихий аҳамиятга эга бўлган музейлардан биридир, - дейди "Қатағон қурбонлари хотираси" музейи катта илмий ходими Баҳром ИРЗАЕВ. — Дастлаб, музей экспозициясини ташкил қилиш учун керакли бўлган ашёвий база яратилди. Тегишли архив ҳужжатлари, фотосуратлар, ашёвий буюмлар, китоблар, видеоматериаллар тўпланди, республикамизнинг барча вилоятларидаги ўлкашунослик музейларида сақланаётган қатағон даврига оид экспонатлар, керакли ҳужжатлар ишчи гуруҳ аъзолари томонидан музейга олиб келинди. Унинг 2008 йилда янгиланган экспозициясида Ўрта Осиё (Туркистон)нинг чор Россияси томонидан босиб олинишидан тортиб, бугунги кунгача бўлган давр воқеалари 10 та бўлим орқали намойиш этилган. Масалан, биринчи бўлим Ўзбекистоннинг мустамлака даври тарихига бағишланган бўлиб, мамлакат мустақиллиги, эрки ва озодлиги учун курашлар давомида шаҳид кетган халқимизнинг минглаб ватанпарвар ва фидойи фарзандлари хотираси акс этган. Истиқлол йўлида жонини қурбон қилган аждодлар ҳақидаги тарихий ҳақиқатни акс эттириш, улар хотирасини абадийлаштириш музей экспозициясининг муҳим йўналишларидан бири ҳисобланади.

"Мустақиллик йилларида тарихий адолатнинг тикланиши, қатағон қурбонлари хотирасининг абадийлаштирилиши, миллий қадриятларни асраб-авайлаш ва ривожлантириш йўлида амалга оширилган тарихий ишлар" деб номланган бўлим 1991 йилдан кейинги даврни ўз ичига олиб, мустақиллик йилларида тарихий адолат ва миллий қадриятларнинг тикланиши, истиқлол туфайли берилган имкониятлар, ёшлар масаласидаги ўзгариш ва янгиланишлар далиллар асосида кўрсатилди. Юртимиз фахрига айланган, жаҳон майдонларида мамлакатимиз шарафини ҳимоя қилган истеъдодли, маҳоратли ёшлар фаолияти ҳам экспозицияларда намойиш қилинган.

Шунингдек, мустамлакачилик даври қурбонлари хотирасини абадийлаштириш бўйича жамоатчилик комиссияси ҳузурида "Шаҳидлар хотираси" хайрия жамғармаси тузилган бўлиб, унинг асосий вазифаларидан бири мустамлакачилик даври қурбонлари хотирасини абадийлаштириш бўйича жамоатчилик ишини ташкил этиш ва комиссия зиммасига юкланган вазифаларнинг бажарилишига ёрдам бериш, қатағон этилган фидойи ватандошларимизни номма-ном аниқлашдир. Шу мақсадда бугун жамоатчилик комиссияси томонидан мамлакатимиз ҳудудларида тузиладиган илмий ишчи гуруҳлар фаолиятини қўллаб-қувватлаш, шаҳид бўлган юртдошларимиз номини абадий сақлаш ва келгуси авлодларга етказиш бўйича кенг кўламли ишлар амалга оширилмоқда.

Юртбошимиз музей нафақат қатағон қурбонлари ҳақида, балки мустамлакачилик сиёсатидан азият чеккан халқимиз кечмиши тўғрисида ҳикоя қилиши лозим, дея таъкидлаган эдилар. Бугунги кунда ушбу фикрлар ва олдимизга қўйилган вазифалар борасида кенг кўламли ишлар бажариб келиняпти. Жумладан, сўнгги йилларда амалга оширилган илмий-маънавий тадбирларнинг натижаси ўлароқ, "Катта қирғин"нинг келиб чиқиш сабаблари ва омиллари, "Жабирдийда ёзувчилар адабий мероси мустақиллик хизматида", "Катта қирғин"нинг келиб чиқиши арафасидаги сиёсий ижтимоий ва иқтисодий шароит", "1937-1938 йиллардаги "Катта қирғин" тарихининг муҳим саналари", "Катта қирғин"нинг ҳуқуқий ҳужжатлар базаси" номли тўпламлар нашр қилинди. Ўзбекистонда илк бор эълон қилинган мазкур ҳужжатлар қимматли аҳамиятга эга. Чунки уларда қатағон қурбонларининг аянчли қисмати, уларга ва оилаларига нисбатан қилинган шафқатсиз зўравонлик ҳолатлари яққол намоён бўлади. Шу ўринда таъкидлаш керакки, 2014 йилнинг апрель ойида Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси, "Қатағон қурбонлари хотираси" музейи ва "Шаҳидлар хотираси" жамоат фонди ҳамкорлигида Республика миқёсидаги "Маҳмудхўжа Беҳбудий меросининг миллий ғоя тарғиботидаги аҳамияти" мавзуидаги илмий-амалий анжуманнинг ўтказилиши бу борадаги саъй-ҳаракатлар изчиллигини таъминлашда муҳим аҳамият касб этади. Анжуманда соҳа олимлари иштирокида мазкур масала кенг муҳокама қилинди. Тўплам Туркистон жадид маърифатпарварларининг раҳнамоси, драматург, публицист ва жамоат арбоби Беҳбудийнинг эрк ва ҳуррият ғояларига лиммо-лим асарлари, умуман, ижодий мероснинг баркамол авлодни тарбиялашдаги аҳамиятини таҳлил қилишга бағишланган. Илмий мақолалар тўплами Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Фан ва технологияларни ривожлантиришни мувофиқлаштириш қўмитасининг "1937-1938 йиллардаги сиёсий қатағон: "Катта қирғин"нинг келиб чиқиш сабаблари ва фожиали оқибатлари" мавзуидаги амалий тадқиқот лойиҳаси доирасида нашрга тайёрланди ва чоп этилди. Худди шу йилнинг май ойида "Абдулла Қодирий ижодининг миллий ғоя тарғиботи ва баркамол авлодни тарбиялашдаги аҳамияти" мавзусида Республика илмий-амалий анжумани ўтказилди ва анжуман материаллари алоҳида илмий мақолалар тўплами сифатида чоп қилинди. "Тарихнинг номаълум саҳифалари" китобининг бешинчи нашри мамлакатимиз истиқлолининг 23 йиллиги муносабати билан музей жамоасининг камтарона совғаси сифатида нашрга тайёрланмоқда.

Дарвоқе, "Шаҳидлар хотираси" ёдгорлик мажмуи билан бир қаторда Қибрай туманида Бўзсувнинг Салар қўрғонидан ўтган жойида Биродарлик қабристони барпо этилиб, "Шаҳидлар боғи" ташкил этилган. Бу ҳақда "Олтин мерос" халқаро хайрия жамғармаси Тошкент вилояти бошқармаси бошлиғи Зарифа ЭШМИРЗАЕВА шундай дейди:

— 1998 йили бу жой аҳолидан келган хатлар асосида ўрганилганида бир пайтлар иккинчи қатлгоҳ бўлгани маълум бўлди. Бу ерда 1942-1947 йилларда анчагина юртдошларимиз қатл қилинган экан. Шу боис вилоят ҳокимининг қарори билан 1 гектарлик ер ажратилиб, "Шаҳидлар боғи" барпо этилди. Ҳозирда бу боғда 9 май - Хотира ва қадрлаш куни, Наврўз айёми сайл ва маросимлар ташкил этиб келинмоқда.

Ўзбекистоннинг миллий манфаатларини ҳимоя қилиш, маънавий қадриятларимизни асраб-авайлаш ва бойитишни ўзининг асосий мақсади сифатида белгилаб олган Ўзбекистон "Миллий тикланиш" демократик партияси 2010 йилда "Қатағон қурбонлари" музейи ва "Шаҳидлар хотираси" жамоат фонди, шунингдек, "Олтин мерос" халқаро хайрия жамғармаси билан ҳамкорлик меморандумини имзолаган. Мақсадлар муштараклиги ташкилотларнинг биргаликда, фаол ҳаракат қилишига сабаб бўлди.

Ҳозирда ушбу ташкилотлар ҳамкорлигида мустабид тузум давридаги оммавий қатағонлар туфайли қурбон бўлган, инсонлик шаъни, ғурури топталган ватандошларимизнинг хотирасини тиклаш, мамлакатимиз тарихида рўй берган ижтимоий-сиёсий, маданий воқеалар ва қатағон сиёсатининг салбий оқибатларини холисона ўрганиш, фуқароларимиз, айниқса, ёш авлод қалбида Ватанга муҳаббат, истиқлол ғояларига садоқат туйғуларини кучайтиришда муҳим аҳамият касб этмоқда. Хусусан, партия ва музей ҳамкорлигида таълим муассасалари, маҳалла ва музей биносида сиёсат арбоблари, тарихшунос, социолог, адабиётшунос олимлар ҳамда бошқа соҳа мутахассислари иштирокида қатор маънавий-маърифий тадбирлар, учрашув, очиқ мулоқот, хотира кечаси ва давра суҳбатлари ўтказиб келинаётгани муштарак мақсадларнинг амалдаги ифодаси бўлмоқда. Жумладан, ҳар йили музейда Хотира ва қадрлаш кунига бағишлаб "Хотира боқийдир, қадр - муқаддас", "Хотира абадий, инсон қадри азиздир", "Аждодлар хотираси - муқаддас" мавзусида ҳамда 31 август - Қатағон қурбонларини ёд этиш кунига бағишлаб ўтказилаётган турли тадбирлар шулар жумласидандир. Мазкур тадбирларда иштирок этаётган ёшлар аждодларимизнинг маънавий жасоратидан озуқа олиб, мустақилликнинг олий неъмат эканлигини яна бир карра ҳис этишмоқда.

Дарҳақиқат, мустабид тузум йилларида қатағонга учраган ватандошларимиз хотирасини абадийлаштириш, уларнинг ибратли ҳаёти ва фаолияти, илмий ижодий меросини чуқур ўрганиш ёшларимиз қалбида аждодларимиз руҳига эҳтиром, ижтимоий адолат тантанасига ишонч, истиқлол ғояларига садоқат, ватанпарварлик ва фидойилик туйғуларини уйғотиши шубҳасиз.

**Дилфуза РЎЗИЕВА,**
**"Milliy tiklanish" мухбири**

АЖИНИЁЗ НОМИДАГИ НУКУС ДАВЛАТ
ПЕДАГОГИКА ИНСТИТУТИ
ПРОФЕССОР-ЎҚИТУВЧИЛАРИ
ВА ТАЛАБАЛАРИ ЖАМОАСИ

МУСТАҚИЛЛИКНИНГ
23 ЙИЛЛИК
байрами билан азиз юртдошларимизни
самимий муборакбод этади.

Шу азиз Ватан равнақи учун меҳнат қилиш ҳар
биримизнинг муқаддас бурчимиздир.



Миллат келажаги
бўлмиш ёшларни илмли,
зукко, фидойи ва
комил инсонлар
қилиб тарбиялаш
биз устозлар
учун шарафдир.



БАЙРАМ МУБОРАК, АЗИЗЛАР!

"ЎЗБЕКЭНЕРГО" ДАК
"НАВОИЙ ҲУДУДИЙ ЭЛЕКТР
ТАРМОҚЛАРИ КОРХОНАСИ" ОАЖ
жамоаси
Юртдошларимизни
Мустақиллигимизнинг
23 йиллик шодиёнаси
билан чин дилдан кутлайди.





Юртимизда шоду хуррамлик билан
нишонланадиган ушбу байрам ҳар бир хонадонга
тўкинлик, фаровонлик, қувонч бахш этсин!

БАЙРАМИНГИЗ ҚУТЛУҒ БЎЛСИН!

⊙ Бизнинг шарҳ

# ДУНЁ ПАРЛАМЕНТ САЙЛОВЛАРИ

**турли шакл ва тизимда ўтказилса-да, аввало, мамлакатда қонун устуворлигини таъминлаш, халқ фаровонлигини ошириш, жаҳон ҳамжамиятида мамлакат мавқеини янада мустаҳкамлаш асосий масала ҳисобланади**





***Очиқ ва эркин сайловлар демократик давлат ва кучли фуқаролик жамияти қуришнинг муҳим таркибий қисми бўлиб, аҳолининг хоҳиш-иродасини билдириш, фуқароларнинг давлат ҳамда жамият ишларини бошқаришдаги иштирокининг асосий шакли ҳисобланади. Замонавий сайлов тизимларидан бири бўлган парламент сайловлари ҳам дунёнинг аксарият суверен давлатларида ўтказилиб, мамлакатнинг ижтимоий-сиёсий ривожланишида муҳим аҳамият касб этмоқда. Экспертларнинг фикрича, парламент сайловлари партиялар ўртасида кескин баҳс, сайловчилар овози учун рақобатлашиш шароитини яратади. Номзодларнинг сайловчилар ишончини қозониши, уларга партияларнинг мақсад ва вазифаларини етказиб бера олиши эса уларнинг тайёргарлиги, билим ва ваколатларига боғлиқ.***

Европадаги энг йирик давлатлардан бири Франция Миллий Ассамблеяси — парламентига 577 нафар депутат сайланган бўлиб, уларнинг ваколати 5 йил этиб белгиланган. Сенат эса 322 аъзодан иборат. Сенатор нисбий овоз бериш йўли билан 9 йил муддатга сайланса-да, уларнинг учдан бир қисми янгиланиб туради. Ҳукмрон партия вакили миллий Ассамблея раиси ҳисобланади. Ўз навбатида, мамлакат президенти парламентни тарқатиб, муддатидан аввал сайлов белгилаш ҳуқуқига эга.

Францияда сайловлар 2 босқичда ташкил этилади. Сенат эса 3 босқичли сайлов якунига кўра шакллантирилади. Миллий Ассамблея депутатлигига 23 ёшга тўлган, сенатга эса 35 ёшни қаршилаган шахслargина ўз номзодини илгари суриши мумкин. Таъкидлаш жоизки, депутатликка номзод билан бирга унинг ўринбосари ҳам сайловда қатнашади. Борди-ю, депутат тўсатдан вафот этиб, ё истеъфога чиқарилса ёки ҳукумат, конституциявий кенгаш аъзоси этиб сайланса, унинг ўрнини ўринбосари эгаллаши қонунда белгилаб қўйилган. Депутатликка ва унинг ўринбосарлигига номзод фақат битта округдан қўйилади.

Миллий Ассамблеяни муддатдан аввал тарқатиш мумкин, аммо сенат учун бундай қонун-қоида амал қилмайди.

Финляндия парламенти Эдскунта деб номланади. Мамлакатда жорий этилган икки палатали парламентнинг 200 та аъзоси мавжуд бўлиб, улар яширин овоз бериш йўли билан сайланади. Сайлов муддати тўрт йилни ташкил этади. Сайлов кунига қадар 18 ёшга тўлмаган фуқаролар сайловларда иштирок этиш ҳуқуқига эга бўлмайди. Амалдаги қонунларга кўра, 18 ёшга тўлган, сайлов вақтида шу жойда яшаган ҳар бир фуқаро овоз бериш ҳуқуқига эга.

Жазони ўташ муассасаларида сақланаётган маҳбуслар, руҳий носоғлом фуқаролар сайланиш ҳамда сайлаш ҳуқуқидан маҳрумдир. Финляндия қонунчилигида хотин-қизларнинг сиёсий жараёнлардаги иштирокига кенг ўрин берилган. Сайлов участкаларида кузатувчилардан ташқари сайловчилар сонини ҳисоблаб борувчи партия кўнгиллиларини ҳам кўриш мумкин. Улар ўз тарафдорларини овоз беришга ундаса-да, бироқ овоз бериш жараёни ўтаётган бинога киришларига рухсат берилмайди. Ҳар бир фуқаронинг сайлов участкасига келиши шарт эмас, почта ё ишонч қоғози орқали ҳам ўзи танлаган номзодга овоз бериши мумкин.

Дунё саҳнасида шаҳар-давлат номи билан машҳур бўлган Сингапур мамлакатининг юксалиши, ривожланишида давлат раҳбарлари, юқори ваколатли органлар, айниқса, парламент томонидан олиб борилаётган ислоҳотлар ҳал қилувчи роль ўйнайди. Зеро, парламент аъзолари халқ ва ҳукумат ўртасида ўзига хос воситачи саналиб, фуқаролар томонидан илгари сурилган қатор муаммолар парламент кун тартибига қўйилади.

Маълумотларга кўра, мамлакатда бир палатали парламент шакллантирилган бўлиб, унга 87 нафар депутат сайланиши белгилаб қўйилган. Айрим ҳолатларда сайловда етарли овоз тўплай олмаган партия аъзолари ҳисобига қонун чиқарувчи олий идора аъзолари 99 нафаргача оширилиши мумкин. Парламент вазирлар кенгашини шакллантирса, энг юқори натижани қайд этган партия сафидан бош вазир сайланади.

5 миллиондан ортиқ аҳолига эга бўлган мазкур давлатда ҳокимият иши тажрибали, ўз халқи ва сиёсатига садоқатли кишиларгагина ишониб топширилади. Мамлакат конституцияси республиканинг олий қонуни бўлиб, мазкур ҳужжатда ижроия, қонуншунослик ва суд-ҳуқуқ ҳокимиятининг асосий тамойиллари белгилаб берилган.

Сингапурда депутатлик ваколати беш йил этиб белгиланган бўлиб, борди-ю, парламент тарқатиб юборилса, уч ой мобайнида янги сайлов ўтказилиши лозим. Айни пайтда мамлакатда 43 та партия фаолият кўрсатаётган бўлиб, шундан 12 таси сайловларнинг доимий қатнашчиларидир. Улар орасида демократик тараққиёт, халқ, либерал-демократик, ишчи ва ислоҳотчилар партиялари мамлакатда ўтказиладиган сиёсий тадбирларнинг фаол иштирокчилари ҳисобланади. Сиёсий партиялар парламент тарқатилгач, беш кундан бир ойгача бўлган муддатда ўз номзодларини кўрсатишлари лозим. Ҳар бир номзодга сайловолди тарғибот-ташвиқот ишларини олиб бориш учун давлат ғазнасидан маълум миқдорда маблағ ажратилади. Депутатликка номзод сайлов кампанияси бошланишига камида икки кун қолганида рўйхатдан ўтиши шарт. Сингапурликларнинг учдан икки қисмидан кўпчилигига овоз бериш ҳуқуқи берилган. Парламентда бўшаб қолган депутатлик ўрни учун ҳам такрорий сайловлар ўтказиб турилади.

Польша парламенти икки палатадан иборат бўлиб, сейм, яъни қуйи палатада 460 нафар депутат фаолият юритаётган бўлса, сенатнинг 100 нафар аъзоси мавжуд. 21 ёшга тўлганлар депутатликка ва камида 30 ёшга тўлган фуқаролар эса сенаторликка даъвогарлик қилишлари мумкин. Партиялар томонидан номзоди қўйилган депутат ёки сенатор сейм ва сенатда ўз парламенти фракцияларини тузиш ҳуқуқига эга. Парламент депутати яширин овоз бериш йўли билан 4 йил муддатга сайланади. Сеймдаги депутатларга камида 15 кишидан иборат клуб ва 3 аъзодан иборат гуруҳ ташкил этишга рухсат берилган. Юқори палатада эса сенаторлар клуби камида 7 кишидан иборат. Кўҳна қитъа парламентида фаолият юритаётган эркаклар сони аёлларга нисбатан уч баробарга кўп. Бундан 10 йил муқаддам аёл депутатлар 22 фоизни ташкил этган бўлса, ҳозирда 27 фоизга етган.

Мексика парламенти икки палатали бўлиб, Депутатлар палатаси 3 йил, Сенат аъзолиги эса 6 йил муддатдан иборат. Мамлакат Конституциясида қонунчилик ҳокимияти икки палатали конгрессдан иборатлиги кўрсатилган бўлиб, унга кўра, Қуйи палата Депутатлар палатаси, юқори палата эса Сенатдан ташкил топган. Қуйи палата 500 аъзодан иборат бўлиб, сайловчилар депутатларни умумхалқ сайлови асосида уч йил муддатга сайлайди. 500 нафар депутатдан 300 нафари бир мандатли сайлов округларида, қолган 200 нафари пропорционал вакиллик (овоз бериш натижаларини аниқлаш тартиби бўлиб, бунда партиялар ўртасида мандатларни тақсимлаш улар тўплаган овоз миқдорига кўра амалга оширилади) асосида сайланади. Юқори палата ҳар бир штат ва федерал пойтахт округидан 4 нафар - жами 125 аъзога эга бўлади. Улар умумхалқ овоз бериш йўли билан олти йиллик муддатга сайланади. 1993 йилда мамлакат конституциясига киритилган ўзгаришга кўра, агар партия бутун мамлакат бўйича 35 фоиз овоз тўплай олса, тўғридан-тўғри депутатлар палатасида энг кўп ўринга эга бўлиши ҳақидаги қоида бекор қилинган. Шунингдек, бу ўзгариш ҳеч бир партияга Қуйи палатада 315 тадан ортиқ ўрин эгаллашга йўл қўймайди.

Биз юқорида келтирган турли давлатларнинг парламент сайловлари ўзига хослиги, турлича экани билан ажралиб турса-да, аслида улар муҳим қонуниятга бўйсунади. Яъни, парламент сайловлари қандай шакл ва тизимда ўтказилишидан қатъий назар, аввало, халқ фаровонлиги, юрт равнақига муносиб ҳисса қўшиш, жаҳон ҳамжамиятида мамлакат мавқеини янада мустаҳкамлаш асосий масала ҳисобланади. Бунда партиялар сайловларда асосий қуроли — ғоя ва мафкуралар билан курашади. Зеро, энг яхши ташаббусларни илгари суриш, қилинган ишлардан муносиб хулоса чиқариш, сайловчилар билан алоқаларни яхшилаш сайловларда муносиб натижаларни қўлга киритишга муҳим асосдир.

**Беҳзод ИСКАНДАР**

## ДУНЁДАН ДАРАКЛАР

### Исландия осмонида қора булутлар

**Исландиядаги Бардарбунга вулқони авиакомпаниялар парвозига таъсир қилмоқда.**



Хабарларга кўра, Исландияда отила бошлаган Бардарбунга вулқони ҳудудида авиация учун "қизил огоҳлантириш" эълон қилинган. Бу, асосан, мазкур мамлакат устидан парвоз қилувчи фуқаро ташувчи авиакомпанияларга тааллуқли. Ҳозир вулқон отилишининг ҳаво транспорти ҳаракатига қандай таъсир ўтказишини прогноз қилиш мушкул, фақат вулқон тутуни самолёт двигателларига хавф солиши мумкинлиги тахмин қилинмоқда. Сўнгги кунларда Бардарбунга ҳудудида кўплаб ер силкинишлари ҳам кузатилган. Улар орасида энг кучлиси 4,5 магнитуда билан содир бўлди. Исландия ҳукумати томонидан вулқонга яқин жойларда истиқомат қилувчи аҳоли эвакуация қилиниб, Бардарбунгага борадиган йўллар ёпиб қўйилди. Эслатиш жоиз, мазкур вулқон сўнгги бор 1910 йилда ҳаракатга келган.

### Бир қитъада иккита зилзила

**Перу ва АҚШнинг Калифорния штатида кучли ер силкинишлари кузатилган.**



Перу жанубида 7,0 магнитудали зилзила содир бўлган. АҚШ геология хизмати маълумотига кўра, мазкур ер ости силкинишлари Тамбу шаҳридан 42 километр шимолий-шарқда қайд этилиб, зилзила ўчоғи 58,9 километр чуқурликда жойлашган. Ҳозир мазкур зилзиладан зарар кўрган ва офат натижасидаги вайронагарчиликлар ҳақида маълумот йўқ.

Калифорния штати шимолида эса 6 магнитудали зилзила содир бўлган. Ер силкиниши маҳаллий вақт билан соат 03:20да кузатилди. ИТАР-ТАСС тарқатган хабарларга қараганда, офат оқибатида 172 киши зиён кўрган, зилзила маркази Нападан 9 километр жанубий-ғарбда жойлашган. Маълумотларга кўра, 115 та бинога зарар етиб, фойдаланиш учун яроқсиз ҳолга келган. Штатда фавқулодда ҳолат режими амал қилмоқда.

### Ҳаёт давом этади

**Дунё олимлари Антарктида музликлари остида ҳаёт борлигини аниқлашган.**



Антарктида кўлларида ўтказилган тадиқиқотлар натижаларига кўра, музликлар остида экотизим барқарорлигини сақлашга хизмат қилувчи сон-саноқсиз микроорганизмлар яшамоқда. Бу борада АҚШ, Италия ва Буюк Британия олимлари эътиборини Уилланс кўли жалб қилди. У Антарктиданинг жанубида, 800 метр чуқурликда жойлашган. Тадқиқотлар кўлда яшовчанлик қобилиятига эга экотизим микроорганизмлари борлигини кўрсатди. АҚШ Фан миллий фондининг маълум қилишича, муз остидаги кўлда яшаётган микроорганизмларнинг аксарияти озуқа манбаи сифатида карбонад ангидрид газидан фойдаланиши мумкин. Олимларнинг айтишича, ушбу кўл биосферанинг ўрганилмаган қисми саналади. Умуман Антарктида музликлари остида 400 дан зиёд кўл ва сув оқимлари мавжудлигини ҳисобга олинса, мазкур экотизимлар кенглигини тасаввур қилиш қийин эмас. Бундан ташқари, микроорганизмлар океанларга катта кимёвий ва биологик таъсир қилиши ҳам мумкин.

*Интернет хабарлари асосида*
*Юлдуз ҲАЙДАРОВА тайёрлади*

⊙ Рангин дунё

# Оруро карнавали

***Боливия Республикаси Жанубий Американинг марказий қисмида жойлашган бўлиб, майдони 1098581 квадрат километр, аҳолиси 10 миллиондан зиёд (2013), расмий пойтахти Сукре, ҳукумат жойлашган пойтахти Ла-Пас шаҳри. Мамлакат шимол ва шимоли-шарқда Бразилия, жануби-шарқда Парагвай, жанубда Аргентина, жануби-ғарб ҳамда ғарбда Чили ва Перу давлатлари билан чегарадош.***



V-VIII асрларда Боливия меъморчилигида тиауанако маданияти гуллаб яшнади. Катта яхлит тошлардан ясалган иншоотлар, афсонавий қаҳрамонларни акс эттирувчи тош ҳайкаллар айнан шу даврларда дунё юзини кўрди. XVI-XVII асрларга келиб мамлакатда Потоси, Сукре, Ла-Пас, Кочабамба, Оруро каби йирик шаҳарлар барпо этилди. Бу шаҳарларда маҳаллий усталар томонидан ибодатхона, сарой ва бошқа бинолар барпо этилди. Уларда ҳиндуларнинг қадимий санъат ва меъморий безакларидан кенг фойдаланилган. Айнан ўша асрлардан бошлаб Потоси шаҳрида байрам ва сайллар, театрлаштирилган томошалар ташкил этила бошланди. Диний ёхуд бирор байрам муносабати билан ўтказиладиган карнаваллар эса Боливия миллий маданиятининг ажралмас қисмига айланиб улгурди. Айниқса, Оруро шаҳрида анъанавий тарзда ўтказиб келинадиган карнавал боливияликларнинг умумхалқ байрамларидан бири ҳисобланади.

Оруро шаҳри мамлакатнинг ғарбий тоғларида, 3700 метр баландликда жойлашган. Колумб давригача ушбу ҳудудда ҳиндулар томонидан диний маросимлар ўтказиб келинган бўлса, XIX-XX асрларда йирик кончилар шаҳрига айланди. 1606 йили испан мустамлакачилари қўлига ўтган шаҳар Уру халқи учун муқаддас қадамжо бўлиб қолаверди. Улар узоқ йўл кечишга тўғри келса-да, байрамни нишонлашдан асло тўхташмади. XVII асрга келиб, Ито маросимини ўтказиш испанлар томонидан тақиқлаб қўйилди. Тез орада байрам христиан диний маросими сифатида нишонлана бошланди. Бироқ, маросим янгича тус олишига қарамай маҳаллий халқ авлиёлар сурати туширилган иконалар ортига Анд маъбудларининг ҳайкалчаларини яширганча уларни алқашда давом этдилар.

Йиллар ўтиши билан байрам миллий тус олди. Шундан буён Уру халқининг маъбуди - Тив шарафига ижро этиладиган анъанавий "Илама-Илама" ёхуд "Диабладос" Оруро карнавалининг асосий рақси бўлиб қолди. Карнавал чоғида ижро этиладиган ашула ва рақслар ичида "Диабладос" энг оммабопи бўлиб, яхшилик ва ёмонлик ўртасидаги кураш турли хил ҳаракатлар, антиқа кўринишга эга либослар орқали томошабинга кўрсатиб берилади. Раққослар ёмонлик уруғини сочишга шай иблисни пуштиранг трико, қизил-оқ ботинка, аждарҳо ва илонлар рамзи туширилган қўрқинчли ниқоблар воситасида тасвирлайди.

2001 йили ЮНЕСКОнинг инсоният халқ оғзаки ижоди дурдоналари ва номоддий маданий мероси рўйхатига киритилган карнавал ҳар йили февраль ойининг биринчи ўн кунлигида нишонланади. Шу куни халқ усталари, ҳунарманд ҳамда чеварлар томонидан тайёрланган ниқоб, либос ва қўғирчоқлар карнавалнинг асосий қаҳрамонларига айланади. Маросим чоғида раққослар 4 километрлик йўлни қайта-қайта, узоғи билан 20 соат давомида босиб ўтишлари лозим. Бундай пайтда раққосларнинг бир сония ҳам дам олишига рухсат берилмайди. Ўрта асрларга хос анъана ва удумларни сақлаб келаётган карнавалда 30 000 раққос ва 10 000 нафар мусиқачи 50 гуруҳга бўлинган ҳолда қатнашади. Боливия карнавалида иштирок этувчи мусиқий гуруҳлар тахминан 150 та оркестрдан таркиб топган. Мазкур байрам маросимини 400 мингдан зиёд маҳаллий аҳоли ва хорижлик меҳмонлар томоша қилади. Айтиш жоизки, карнавалга тайёргарлик кўриш жараёнида деярли барча боливияликлар фаол қатнашади. Мамлакатда мавжуд жамики корхона, завод ва фабрикалар, ўқув даргоҳлари ўз вакилларини ана шундай ёрқин томошада иштирок этиш учун юборади.

Карнавалнинг диний қисми Биби Марям ҳайкали атрофида бўлиб ўтади. Ҳайкал дунёдаги энг баланд иншоотлардан биридир. Унинг баландлиги 45 метр. У Рио-де-Жанейродаги Исо ҳайкалидан ҳам баландроқ. Ташқи қисми темир, бетон, алюмин ва шишали пластикдан ишлангани учунми ҳар қандай об-ҳавога дош беради. Ҳайкалнинг ички қисмида 100 кишига мўлжалланган ибодатхона мавжуд. 2013 йил расман очилган иншоот дарё сатҳидан 3845 метр баландликда жойлашган. Шу куни Биби Марям бежизга шарафланмайди. Афсонага кўра, Оруро кончилари 1756 йили Биби Марям тасвири туширилган фреска, яъни безакли расмни топиб олишади. Ана шу топилмадан таъсирланган кончилар Биби Марямга чин дилдан ихлос қўйиб, ҳар йилги карнавалда ёд этиб турадилар.

Боливиянинг тоғли ҳудудларида яшовчи халқлар юз йиллар давомида олтин, кумуш ва бошқа ноёб металларни излаб топиш мақсадида кўплаб конларни очишган. Ана шундай эски конлардан бири Оруро шаҳар маъмурияти томонидан музейга айлантирилди. Ҳозирги кунда ушбу музей шаҳарнинг диққатга сазовор жойларидан бири сифатида сайёҳлар эътиборини тортиб келмоқда. Кончилар музейи икки — ер усти ва ер ости қисмлардан иборат. Музейнинг ер ости қисмида, асосан, кончилик жиҳозлари, фотосуратлар, хариталар, темир йўл излари, шунингдек, кончиларга тааллуқли жамики ашёлар сақланади. Ер усти қисмида эса музей ўзининг энг ноёб санъат асарларини намойишга қўйган. Бу ерга ташриф буюрган инсон антиқа ҳайкаллар кўргазмаси, шунингдек, бетакрор тасвирий санъат асарлари билан танишиши мумкин. Бироқ, бу ҳаммаси эмас. Музейда Оруро карнавалидан эсдалик сифатида олиб қўйилган бир-биридан ёрқин костюм ва ниқоблар ҳам сақланади.

**Зафар МУҲАММАД**

Эълонлар

**«TOSHKENT UNIVERSAL AUKTSION SAVDO» МЧЖ ахбороти**

«ЎЗБЕКТЕЛЕКОМ» ОАЖ АК Тошкент филиалининг 2014 йил 25 августдаги 28-02-18/2545-сонли хатига асосан д/р 10/393NAA бўлган «М-412», д/р 10/187ЕАА бўлган «ГБА-СПГ-ГАЗ-3102» русумли автотранспорт воситалари аукцион савдоларидан олинганлиги маълум қилинади.

**Гувоҳнома: № 005357**

**«UNIVERSAL AUKTSION INVEST» МЧЖ Сирдарё вилоят филиали томонидан бошланғич баҳоси босқичма-босқич ошиб бориш тартибида ўтказиладиган очиқ аукцион савдосига таклиф этади!**

I. Суд Департаменти Сирдарё вилоят ҳудудий бошқармасининг 2014 йил 18 август кунидаги 898/2-сонли хатига ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2009 йил 31 декабрдаги 343-сонли Қарори ҳамда Вазирлар Маҳкамасининг 2011 йил 26 майдаги 153-сонли Қарорларига асосан, қуйидаги автотранспорт воситасини аукцион савдосига қўйилмоқда: Суд Департаменти Сирдарё вилоят ҳудудий бошқармаси ҳовлисида сақланаётган автотранспорт воситаси: 1. ГБА"NEXIA-DAEWOO"СПГ русумли, д/б 20 505 CAA бўлган, 2004 йил ишлаб чиқарилган, носоз ҳолатда, бошланғич баҳоси — 7 826 875 сўм. 2. "ГАЗ-3110" русумли, д/б 20 102 GAA бўлган, 2003 йил ишлаб чиқарилган, носоз ҳолатда, бошланғич баҳоси — 5 504 249 сўм. Аукцион савдоси 2014 йил 26 сентябр куни соат 11:00 дан бошлаб ўтказилади, сотилмаган тақдирда такрорий савдолари 2014 йилнинг 3, 10-октябрь кунлари соат 11:00 дан бошлаб ўтказилади. Ушбу автотранспорт воситалари билан Суд Департаменти Сирдарё вилоят ҳудудий бошқармасининг ишончли вакиллари иштирокида бевосита жойига чиқиб танишиш мумкин. Аукцион савдосида иштирок этиш учун талабгорлардан аризаларни қабул қилиш расмий иш кунлари соат 10:00 дан 16:00 гача қабул қилинади (13:00 дан 14:00 гача тушлик вақти). Тўлов ва аризаларни қабул қилиш, эълон чоп этилган кундан бошлаб қабул қилинади, охирги муддати: Бир кун қолганда тўхтатилади. Аукцион савдоларда қатнашиш учун талабгорлар «Савдо ташкилотчиси» билан тузиладиган закалат келишувига асосан, мулк бошланғич баҳосининг 15 фоизидан кам бўлмаган миқдорда закалат пулини ҳар бир мулк учун алоҳида автомототранспорт воситасининг номи, давлат белгилари, кўрсатилган ҳолда «UNIVERSAL AUKTSION INVEST» МЧЖ Сирдарё вилоят филиалининг ОАТ "Турон" банк ОАЖ Сирдарё вилоят филиалидаги қуйидаги ҳисоб рақамига тўлашлари шарт: х/р: X-P: 2020 8000 2049 3216 8027, МФО: 00368.

**Аукцион савдоси ўтказиладиган манзил:**
**Гулистон шаҳар, Мустақиллик кўчаси 35-уй В-корпус, 4-қават, 7-хона, телефон: 235-03-58.**
**Хизматлар лицензияланган:**
**№ 004059 2011 йил 18 август**

Реклама

ASAKA BANK

# ҲУРМАТЛИ ЮРТДОШЛАР!

“Асака” банк яқинлашиб келаётган “Мустақиллик куни” байрами муносабати билан қуйидаги миллий валютадаги муддатли янги омонат турини таклиф этади:

## «МУСТАҚИЛЛИК — 2014»

Ушбу омонат учун ҳисобланган фоизлар ҳар ойда ёки омонат муддати тугагандан сўнг берилади.

Шу билан биргаликда, «Асака» банк миллий валютада 60 ҳамда хорижий валютада 30 турдаги қулай шартларда омонат турларини таклиф этади.

Ушбу омонат турини банкнинг барча филиалларида очиш мумкин.
Мурожаат учун: «Асака» банк филиаллари телефонлари: 120-39-81, 120-39-60, 120-39-63.

| Филиаллар | Код | Телефон | Филиаллар | Код | Телефон |
|---|---|---|---|---|---|
| Тошкент шаҳар филиали | 371 | 120-83-13 | Наманган вилоят филиали | 369 | 226-91-45 |
| Автотранспорт филиали | 371 | 120-39-95 | Навоий вилоят филиали | 436 | 770-24-09 |
| Шайхонтоҳур филиали | 371 | 140-39-36 | Зарафшон филиали | 436 | 573-18-75 |
| Юнусобод филиали | 371 | 221-80-67 | Бухоро вилоят филиали | 365 | 223-70-05 |
| Сирғали филиали | 371 | 257-44-10 | Бухоро шаҳар филиали | 365 | 770-11-27 |
| Тошкент вилоят филиали | 371 | 120-84-13 | Самарқанд вилоят филиали | 366 | 233-65-47 |
| Андижон вилоят филиали | 374 | 298-02-10 | Афросиёб филиали | 366 | 221-75-40 |
| Асака филиали | 374 | 233-15-68 | Қашқадарё вилоят филиали | 375 | 221-07-41 |
| Фарҳод филиали | 374 | 226-97-53 | Сурхондарё вилоят филиали | 376 | 770-82-12 |
| Фарғона вилоят филиали | 373 | 224-70-83 | Қорақалпоғистон филиали | 361 | 770-60-56 |
| Марғилон филиали | 373 | 237-62-23 | Хоразм вилоят филиали | 362 | 226-96-03 |
| Олтиариқ филиали | 373 | 432-10-11 | Сирдарё вилоят филиали | 367 | 225-44-03 |
| Қўқон филиали | 373 | 552-61-06 | Жиззах вилоят филиали | 372 | 226-43-11 |

**“Асака” банк сармоянгизнинг сақланиши ва кўпайишини кафолатлайди.**
**Барча омонатларингиз Фуқароларнинг банклардаги омонатларини кафолатлаш фонди томонидан кафолатланади.**

Сизнинг омонатларингиз:
- солиқлар ва мажбурий тўловлардан озод!
- маълумотлари сир сақланиши тўлиқ кафолатланади!
- эгалик ва тасарруф ҳуқуқи ўз ихтиёрингизда!
- миқдори чекланмаган!





Хизматлар лицензияланган

ТИББИЙ МАСЛАҲАТ

## Қандсиз диабет

**Касаллик кучли ҳаяжон ёки қўрқув натижасида келиб чиқади. Қандсиз диабетга чалинган инсоннинг ошқозон ости бези ўз вазифасини тўлиқ бажаролмайди.**



Бундан ташқари, беморнинг буйраклар фаолияти бузилиши туфайли қонда вазопрессин гормони ҳам камаяди. Бемор пешобида қанд бўлмайди ва унинг солиштирма оғирлиги паст бўлади. Кўпинча организм сувсизланади. Алалоқибат беморнинг дармони қурийди, боши айланади, кўнгли айниб, қайт қилиши кузатилади. Қандсиз диабетнинг бир қанча халқона даво усуллари мавжуд. Иштаҳангиз тусаганида кунига 3-4 маҳал тоза асал ва анжир мураббосидан еб юринг. Кўп сув ичаётганингиздан хавотирга тушманг. Ҳаммаси аста-секинлик билан ўз ўрнига келади. Касалликни зубтурум (подорожник) ўсимлигидан тайёрланган дамлама ёрдамида ҳам енгиш мумкин. Бунинг учун бир чой қошиқ ўсимлик уруғи устига бир стакан қайнаган сув қуйилади ва беш дақиқа паст оловда қайнатилади. Сўнг докадан сузиб олиниб, бир ош қошиқдан кунига уч маҳал овқатдан олдин ичилади. Муолажа, бир ой давом этади. 10 кунлик танаффусдан сўнг, муолажа қайтадан бошлайсиз. Шунингдек, 5 дона ёнғоқ дарахтининг барглари устига қайнаган сув қуйилиб, дамланади. Дамлама совигач, чой ўрнида ичилади. Ушбу муолажани 20-25 кунгача бажариш лозим.

БИЛАСИЗМИ?

Битта қалам билан 64.820 метр узунликдаги чизиқ чизиш ёки 50.000 та сўз ёзиш мумкин.

* * *

Хитойда тухум тириклик рамзи ҳисобланади. Агар оилада ўғил туғилса, хитойликлар тухумни қизил рангга бўяйди. Бу ранг бахт рамзи бўлиб, қайсидир маънода фарзанднинг келажагини белгилаб беради.

ТУРФА ОЛАМ

## Ақлий салоҳиятни юксалтиради

**РУҲШУНОСЛАР КИТОБ ЎҚИШГА БЎЛГАН ИШТИЁҚ БОЛАЛАРНИНГ АҚЛУ ЗАКОВАТИГА ИЖОБИЙ ТАЪСИР ЭТИШИНИ АНИҚЛАШДИ.**



Уларнинг ҳисоблашича, болаликдан китобга меҳр қўйганлар орасида келажакда интеллектуал салоҳияти юқори шахслар етишиб чиқаркан. Олимлар 2 мингга яқин эгизакларни кузатиш давомида ана шундай фикрга келишган. Тадқиқот шартига кўра, 7, 9, 10, 12 ва 16 ёшида қўлига илк бор китоб олган болаларнинг ақлий қобилиятини солиштириб кўрилди. Якунда турли ёшдаги эгизаклар ичида 7 ёшдан китобга иштиёқи баланд болалар бошқаларга қараганда анча қобилиятли экани аён бўлди. Шу боис, руҳшунослар ота-оналарга фарзандини анча барвақт китоб ўқишга қизиқтиришини маслаҳат беришмоқда. Уларнинг наздида болаларнинг ақлий салоҳиятини ўстиришга нафақат бадиий, балки илмий адабиётлар ҳам самарали таъсир кўрсатаркан.

## Суюқ “хотира”

**НЬЮ-ЙОРК УНИВЕРСИТЕТИ ОЛИМЛАРИ МАЪЛУМОТЛАР САҚЛАШГА ИХТИСОСЛАШТИРИЛГАН ЯНГИ ТЕХНОЛОГИЯНИ ОММА ЭЪТИБОРИГА ҲАВОЛА ЭТИШДИ.**



Бугунги кунда маълумот сақлаш имконини берувчи янги технологиялар деярли яратилмаяпти. Бизнинг бу борадаги эҳтиёжимизни митти флешкалар анчадан буён қондириб келаётгани сир эмас. Бироқ, илм-фан бир жойда тўхтаб тургани йўқ. Мутахассислар ана шундай флешкалар ўрнини босувчи янги “Wet computing” (“wet” инглизча сўз бўлиб, “намлик” деган маънони билдиради) технологияга қўл уришди. Ишланма муаллифларининг таъкидлашича, суюқ “хотира” махсус қурилмалар орқали компьютер ёки мобил алоқа воситаларига уланади. Эритма таркибида кўплаб нанозаррачалар мавжудлиги боис, унинг бир ош қошиғи террабайт маълумотни ўзида сақлайди. Мазкур технология магнит дискларга нисбатан анча қиммат туради. Шуни ҳисобга олган ҳолда янги технология устидаги тадқиқотлар ҳозир ҳам давом этмоқда.

**З.ЗОИРЖОНОВ тайёрлади**

VATAN TUYG'USI HAR NARSADAN USTUN
MILLIY TIKLANISH

МУАССИС: ЎЗБЕКИСТОН “МИЛЛИЙ ТИКЛАНИШ” ДЕМОКРАТИК ПАРТИЯСИ

ҲОМИЙ: «МАТБУОТ ТАРҚАТУВЧИ» АКЦИЯДОРЛИК КОМПАНИЯСИ

ТАҲРИР ҲАЙЪАТИ: Сарвар ОТАМУРАТОВ, Ахрор АҲМЕДОВ, Нозим ҲАБИБУЛЛАЕВ, Сувон НАЖБИДДИНОВ, Муҳаммаджон ҚУРОНОВ, Ғафуржон МУҲАМЕДОВ, Улуғбек МУҲАММАДИЕВ, Жалолиддин САФОЕВ, Ахтам ТУРСУНОВ, Рустам ҚОСИМОВ, Абдуғафур МАМАТОВ, Арслон ЭШМУРОДОВ

Бош муҳаррир ўринбосари: Исмат ХУДОЁРОВ
ТАҲРИРИЯТ МАНЗИЛИ: Тошкент-100000, Амир Темур кўчаси, 1-тор кўча, 2-уй
Газета таҳририят компьютер марказида терилди ва саҳифаланди
ТЕЛЕФОНЛАР: (8-371) Қабулхона (факс): 234-69-55, Парламент ва маҳаллий Кенгаш депутатлари фаолияти бўлими: 234-01-47, Партия ҳаёти бўлими: 234-86-41, Маданият, маънавият ва ахборот бўлими: 234-87-73, Бош муҳаррир ўринбосари: 234-87-74, Бухгалтерия: 234-87-73.
Ҳажми 4 босма табоқ офсет усулида босилди. Қоғоз бичими А-2
«ШАРҚ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонасида чоп этилди.
Корхона манзили: «Буюк Турон» кўчаси, 41-уй

Газета ҳафтанинг чоршанба куни чиқади.
2008 йил 29 октябрда Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлиги томонидан № 0223 рақами билан рўйхатдан ўтган.
Буюртма — Г 827, Адади — 6364. Газетанинг баҳоси келишилган нархда.
Навбатчи муҳаррир: Эркин ДОРИПОВ
Навбатчи: Шаҳзод ҒАФФОРОВ
Саҳифаловчи: Акбар ШОДИЕВ
Электрон почта: e-mail: mtiklanish@mail.ru
Босишга топшириш вақти — 21.30.
Топширилди — 22.50.
ISSN 2010-7714

1 2 3 4 5

Реклама

ФАРҒОНА НЕФТНИ ҚАЙТА ИШЛАШ ЗАВОДИ
жамоаси

Барча ўзбекистонликларни,
юртимиз меҳмонларини
Мустақиллигимизнинг 23 йиллиги
муносабати билан табриклайди.

Юртимиз равнақи йўлида
амалга ошираётган ишларимиз,
эришилаётган ютуқлар
Ватанимиз ободлиги,
турмушимиз фаровонлигига
хизмат қилаверсин.





ЯГОНАСАН, МУҚАДДАС ВАТАНИМ, СЕВГИ ВА САДОҚАТИМ
СЕНГА БАХШИДА, ГЎЗАЛ ЎЗБЕКИСТОНИМ!



# Мақсадимиз улуғ, ниятимиз эзгу

**Ангрен шаҳар ҳокими, халқ депутатлари Тошкент вилоят Кенгашига ЎзМТДПдан сайланган депутат Иброҳимжон РАҲМОНОВ билан суҳбат**




*Ангрен шаҳри Тошкент вилояти таркибида 1946 йил 13 июнда ташкил этилган бўлиб, Оҳангарон водийсининг Қурама ва Чотқол тоғлари оралиғида, денгиз сатҳидан 800-900 метр баландликда жойлашган.*

*Айни кунда шаҳар аҳолиси 175 минг нафарга яқин бўлиб, 30 дан ортиқ миллат вакиллари яшайди. Унинг таркибидан Янгиобод, Нуробод, Дукент, Чиғириқ, Тол булоқ каби шаҳарча ва қўрғонлар ўрин олган.*

**— Ангрен шаҳри ўзининг ижтимоий-иқтисодий салоҳияти билан мамлакатимиз иқтисодиётида ўз ўрнига эга.**

— Дарҳақиқат, мустақиллик йилларида мамлакатимизда давлатимиз раҳбари ташаббуси билан амалга оширилаётган ижтимоий-иқтисодий ўзгаришлар жараёнида ангренликлар ҳам муносиб иштирок этишмоқда. Ҳудудларда юқори технологияларга асосланган ишлаб чиқаришни ташкил этиш орқали уларнинг саноат ва экспорт салоҳиятини ошириш бўйича кенг кўламли ишлар амалга оширилмоқда. Юртбошимиз ташаббуслари билан Ангрен махсус индустриал зонанинг фаолият кўрсатиши шаҳримиз ҳаётида катта воқеа бўлди, десак хато бўлмайди. Миллий ҳудудий ривожланиш моделининг ўзига хос жиҳатларини ўзида акс эттирган мазкур лойиҳа мамлакатимизнинг ижтимоий-иқтисодий қудратини янада юксалтиришга хизмат қилмоқда.

Ангренликлар истиқлол солномасини бе-зашга арзигулик тараққиёт ва юксалишни бошидан кечирмоқда. Шаҳар ижтимоий инфратузилмасини ривожлантириш, бандлик, тиббиёт, таълим ва спорт муассасалари, хизмат кўрсатиш шохобчалари бунёд этишга турли манбаалар ҳисобидан маблағлар ажратилмоқда. Буни, замонавий ишлаб чиқариш субъектлари ишга туширилиб, рақобатбардош маҳсулотлар тайёрлаш ҳажми ортиб, аҳоли турмуш даражаси яхшиланиб бораётгани мисолида яққол кўриш мумкин.

Маълумки, Ангрен шаҳри мамлакатимиздаги саноати ривожланган шаҳарлардан бири. Сўнгги йилларда шаҳарда "Ангрен Пак", "Элерам" УК, "Сангрен тех", "Ангрен Каолин" каби қўшма корхоналари барпо этилди. Шаҳримизда айни кунда 256 та саноат корхонаси фаолият кўрсатмоқда. Улар томонидан 2014 йилнинг 6 ойида ишлаб чиқарилган маҳсулот ҳажми 179,6 млрд. сўмни ташкил этди.

Шаҳарда саноат салоҳиятини ошириш, ишлаб чиқаришни кенгайтириш, янги қувватларни ишга тушириш ва иш ўринлари яратиш мақсадида муайян ишлар амалга оширилмоқда. Давлатимиз раҳбарининг "2013-2015 йилларда Тошкент вилояти саноат салоҳиятини ривожлантириш дастури тўғрисида"ги Қарори ва унда кўзда тутилган мақсад ва вазифалар ижроси юзасидан кенг қамровли ишлар олиб борилмоқда. Шаҳримизда саноат салоҳиятини ошириш, шунингдек, истиқболсиз корхоналарни таркибий ўзгартириш, уларни молиявий соғломлаштириш ёки тугатиш бўйича амалий ишлар қилинмоқда. Айни кунда шаҳарда 1605 дан зиёд кичик бизнес ҳамда хусусий тадбиркорлик субъектлари фаолият юритмоқда. Ўнлаб янги корхоналар, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектлари томонидан барпо этилган ишлаб чиқариш қувватларининг фойдаланишга топширилиши натижасида юзлаб янги иш ўринлари яратилди. Масалан, корхоналарга инвестицияларни жалб қилиш ва молиявий соғломлаштириш бўйича ишлаб чиқилган дастурга 25 та корхона киритилган бўлиб, ўтган вақт мобайнида 1204,6 млн. сўм инвестиция жалб қилиниб, 34 та янги иш ўрни яратилди.

Шаҳарда хизмат кўрсатиш ва сервис соҳасини ривожлантириш борасидаги ишлар давом эттирилиб, хизмат кўрсатиш ҳажми ва янги иш ўринларини яратиш ўтган йилга нисбатан ортди. Шунингдек, шаҳарда қабул қилинган бандлик дастури доирасида жорий йилнинг январь-июнь ойлари давомида 2854 та янги иш ўрни яратилди. Жумладан, янги объектларни ишга тушириш, модернизация қилиш ва кенгайтириш ҳисобига 602 та, кичик корхоналарни ташкил



этиш ҳисобига 1226 та, якка тартибдаги тадбиркорликни ривожлантириш ҳисобига 225 та, уй меҳнатини ривожлантириш ҳисобига 337 та ижтимоий инфратузилмани ривожлантириш ва ишламаётган корхоналар фаолиятини қайта тиклаш ҳисобига 462 та иш ўрни яратилди. Касаначилик бўйича эса 145 нафар хотин-қизларимиз ўз иш ўринларига эга бўлишди.

Ангрен шаҳри аҳолисининг озиқ-овқат маҳсулотларига бўлган талабини қондириш, ички бозорни арзон ва сифатли қишлоқ хўжалик маҳсулотлари билан тўлдириш мақсадида шаҳримизда иссиқхона ва паррандачилик корхоналари ташкил этишга алоҳида эътибор берилмоқда. Бунинг натижасида аҳоли қиш пайтларида янги ва сархил сабзавотлар билан таъминланмоқда.

**— Истиқлол байрами арафасида шаҳарда олиб борилаётган ишлар кўламига ҳам тўхталсангиз.**

— Шаҳримиз аҳолиси энг улуғ ва энг азиз байрамимизга катта тайёргарлик кўрмоқда. Кейинги йилларда шаҳримиз бутунлай янги қиёфа касб этди. 2 та болалар боғи капитал реконструкция қилиниб, замонавий аттракционлар ўрнатилди. Қатор ишлаб чиқариш, савдо ва маиший хизмат кўрсатиш объектлари фойдаланишга топширилди. Амир Темур кўчаси капитал таъмирдан чиқарилиб, йўл четидаги 18 та уй-жойнинг ташқи кўринишига безак берилди. 7 та сунъий қопламали майдон ташкил этилиши режалаштирилмоқда. Ички йўлларни таъмирлашга 430 миллион сўм сарфланди. "Жигаристон", "Олтин бел", "Зар булоқ" МФЙларда аҳолини тоза ичимлик суви билан таъминлаш учун қувурлар тортилди. 5 та МФЙда маҳалла гузарлари ташкил этилди.

Шаҳримизни тоза ва озода сақлаш учун мунтазам иш олиб борилмоқда. Айни кунда чиқиндилар тўплаш учун 155 та шохобча қурилди. Йил якунигача яна 65 таси қурилади. "МАН" махсустранс машиналаридан 6 тасини лизингга олиб келиш режалаштирилмоқда.

Қолаверса, бу йилги истиқлол шодиёналари **"Ягонасан, муқаддас Ватаним, севги ва садоқатим сенга бахшида, гўзал Ўзбекистоним!"** деган эзгу ғоя асосида ўтказилиши, тарғибот-ташвиқот қилиниши қисқа даврда эришилган улкан ривожланиш йўлидаги ишларимиз кўламини баҳолашда муҳим омил бўлади. Юртимизда барча соҳаларда амалга оширилаётган кенг кўламли ислоҳотлар, бунёдкорлик, яратувчанлик ишлари ва ғояларини англаш, ҳис этишнинг ўзи зиммамизга янги вазифалар юклайди.

**— ЎзМТДПдан сайланган халқ депутатлари вилоят Кенгаши депутати сифатидаги фаолиятингиз ҳақида суҳбатлашсак.**

— Бугунги кунда давлат ҳокимияти ва бошқарувини демократлаштириш борасида ислоҳотлар тобора чуқурлаштирилиб, парламентнинг жамият ҳаётидаги мавқеи мустаҳкамланмоқда. Эндиликда парламент ва маҳаллий кенгашлар ижро ҳокимияти раҳбарларининг, айтайлик, депутатлик сўровлари ёки бошқа масалалар юзасидан ҳисоботларини тинглаш амалиёти кенг қўлланилмоқда. Бу, ўз навбатида, парламент ва депутатлик ваколати орқали барқарор жамоатчилик назоратини амалга оширишга замин яратмоқда.

Аслини олганда, депутат ўзи олиб бораётган фаолият моҳиятига кўра сайловчилар билан ҳамнафас. Шу сабабли депутатлар аҳоли мурожаатларини ўрганиб, уларни ўз вақтида ҳал этиб бориши айни муддаодир, деб ўйлайман. Бу табиийки, ҳар бир депутат учун ўз электорати манфаатларини ҳимоя қилиш, жойлардаги айрим муаммоларни бартараф этиш, аҳоли турмуш фаровонлигини оширишда фаол қатнашиш учун замин яратади.

Агар эътибор қилган бўлсангиз, муҳтарам Юртбошимиз томонидан илгари сурилган Концепция парламент ва маҳаллий Кенгашлар нуфузини, масъулиятини оширишга ҳам қаратилган. Хусусан, парламент ва жамоатчилик назорати механизмини шакллантириш бугунги куннинг муҳим вазифаларидан бири ҳисобланади. Бир сўз билан айтганда, бугун ҳар бир юртдошимиз мамлакатимизда олиб борилаётган ислоҳотларда бевосита иштирок этиши керак. Юрт тинчлиги, Ватан тараққиёти, Халқ фаровонлигини мақсад қилиб олган Ўзбекистон "Миллий тикланиш" демократик партиясининг ҳар бир аъзоси юксак мақсадларимиз йўлида доимо олдинги сафда бўлишига ишонаман.

**Суҳбатдош:**
**Эркин ДОРИПОВ,**
**"Milliy tiklanish" мухбири**

# Ангрен махсус индустриал зона

**ҳудуд ривожига хизмат қилмоқда**





***Истиқлол йилларида мамлакатимизда юқори технологияларга асосланган ишлаб чиқаришни ташкил этиш орқали саноат ва экспорт салоҳиятини ошириш бўйича кенг кўламли ишлар амалга оширилмоқда. Юртбошимиз ташаббуси билан Ангрен махсус индустриал зонасининг фаолият кўрсатиши ҳам ана шу мақсадга қаратилганлиги билан аҳамиятлидир.***

Жорий йилнинг ўтган даври мобайнида Ангрен МИЗ ҳудудида лойиҳа асосида 16 та саноат объекти қурилиши мўлжалланиб, шундан 6 таси ишга туширилди. "Uz-shindong silicon" Ўзбекистон-Жанубий Корея қўшма корхонасида қурилиш ишлари тўлиқ якунланиб, ускуна, дастгоҳлар ўрнатиш ва созлаш ишлари олиб борилмоқда. Корхонада 80 дан ортиқ иш ўрни яратилиши мўлжалланган. Суткасига 1000 тонна шакар маҳсулоти ишлаб чиқариш қувватига эга "Angren shakar zavodi" қўшма корхонасида ҳам қурилиш ишлари якунланиб, созлаш ишлари олиб борилмоқда. Корхона шу кунларда фойдаланишга топширилади.

Болгария давлати билан ҳамкорликда барпо этилаётган техник мойларни қайта ишлашга мўлжалланган "Ўзприста" жорий йил охирида ишга туширилиши кўзда тутилган. Шунингдек, "Капсантекс" — сантехника маҳсулотлари ишлаб чиқаришга мўлжалланган корхона ишга туширилади. 2 та ун заводи фаолияти йўлга қўйилди.

Хитойлик инвесторлар билан ўзаро ҳамкорликда собиқ "Резинотехника"да қурилиш учун фойдаланаладиган металло-керамика плита маҳсулотлари ишлаб чиқаришни йўлга қўйиш режалаштирилмоқда. Ўзбекистон Республикаси Президентининг "2011-2015 йилларда Ўзбекистон Республикаси саноатини ривожлантиришнинг устувор йўналишлари тўғрисида"ги қарорига мувофиқ, "Ангрен ИЭС" ОАЖда Хитой Халқ Республикасининг "Ҳарбий электрик Интернейшнл КО.ЛТД" компанияси томонидан энергоблок қурилиши жадал олиб борилмоқда.

Ўзбекистон-Чехия ҳамкорлигидаги "Angren РАССК" ҚҚда гипсо-картон маҳсулотлари ишлаб чиқариш қувватига эга цехнинг очилиш маросимида иштирок этган шаҳар аҳолиси ва ёшларнинг мазкур корхонада ишлаш иштиёқини оширди.

Аҳолини тоза ичимлик суви билан таъминлаш ва сифатини ошириш масалалари назоратга олиниб, Ангрен шаҳридаги Ҳаккарман станциясида 10 та насос янгисига алмаштирилмоқда. "Дукент" қўрғонидаги Олтин бел марказий кўчаларига тоза ичимлик сувини етказиш масаласи ижобий ҳал этилиб, 2 км. масофага қувурлар тортилди.

3/3 даҳасидаги кўп қаватли уйнинг "Алоқабанк" томонидан таъмирланиши ва тикланиши учун шартномалар тузилиб, 40 нафар ишчи кучи жалб қилинган ҳолда ишлар бошланди. Келгусида мазкур уйларни "Камолот" ЁИҲ фаолларига бериш режалаштирилган. "Қорабоғ", "Қатоғон" МФЙлари ҳудудига олиб кирувчи йўллар текисланиб, асфальт ётқизилди.

Шаҳарда 980 та кўп қаватли уйлар мавжуд бўлиб, шундан 175 тасида жорий ва мукаммал таъмир ишлари белгиланган. Айни пайтда кўп қаватли уйлар ҳамда ҳовлиларни куз-қиш мавсумига тайёрлаш бўйича штаб тузилган. Комиссия аъзолари томонидан бажарилаётган ишлар назорат қилиниб, натижалар тўлиқ таҳлил этилмоқда. Аҳолига кўмир ёқилғиси етказиш масалалари ҳал этилиб, "Ўзбеккўмир" ОАЖ мутасаддилари томонидан бажариладиган вазифалар назоратга олиниб, махсус комиссия тузилди. Ангрен шаҳар "Сувоқава" корхонаси фаолиятини яхшилаш ва аҳолини тоза ичимлик суви билан мунтазам таъминлаш мақсадида Янгиобод шаҳарчасидаги сув тозалаш иншоотида таъмирлаш ишлари бажарилди. Аҳоли ва ёшлар бандлигини таъминлаш, коллеж ўқувчиларини тадбиркорликка кенг жалб қилиш, тижорат банкларидан олинган имтиёзли кредитларни мақсадли сарфлаш, бизнес-лойиҳа ғолибларига фаолиятлари учун жой ажратиш, ижара масаласини ҳал этиш, ишга жойлаштириш бўйича фуқароларнинг мурожаатлари кўриб чиқилиш ишлари ижобий ҳал этилмоқда.

Шаҳарда 7 та болалар ўйингоҳи бунёд этилди ва зарур жиҳозлар билан таъминланди. "Ангреннинг 25 йиллиги" истироҳат боғида, "Кимёгар" спорт мажмуасида қурилиш ишлари ташкил этилди. Алишер Навоий номли маданият ва истироҳат боғида "Ёшлар боғи"ни ташкил этиш учун бунёдкорлик ишлари бошлаб юборилди.

Шаҳарда Ўзбекистон Республикаси мустақиллигининг 23 йиллиги байрами арафасида 10 та объект ва иншоотларни фойдаланишга топшириш режалаштирилган. Шунингдек, шаҳардаги 9-даҳа ҳудудининг бўш ётган ер майдони оилавий тадбиркор Фарҳод Абдуллаевнинг ташаббуси билан болалар ўйингоҳи ва спорт майдонига айлантирилиб, ободонлаштирилди ва бунёдкорлик ишлари олиб борилди.

"Ёшлик" МФЙ ҳудудида узоқ пайтдан буён фойдаланилмай, ташландиқ бўлиб ётган ер ҳам тадбиркор Зоҳид Умиров томонидан ободонлаштирилиб, лойиҳа асосида футбол ўйингоҳи ҳамда автомобилларни ювиш шохобчаси барпо этилди. Бу жараёнларни йўлга қўйишда тадбиркорларга амалий ёрдамлар кўрсатилди.






# Фарзандлар камоли

**энг улуғ ва муқаддас мақсадимиз**

***Бугун юртимизда рўй бераётган кенг кўламли ўзгаришлар халқимизнинг турмуш фаровонлигини янада яхшилаш, уларнинг эзгу мақсадларини рўёбга чиқаришга қаратилганлиги билан аҳамиятлидир. Бундай улуғвор ниятлар билан амалга оширилаётган ислоҳотлар, Юртбошимиз таъбири билан айтганда: "Ислоҳот — ислоҳот учун эмас, аввало, инсон учун" хизмат қилаётганлигига ҳар биримиз гувоҳ бўлиб турибмиз.***

Айниқса, 2014 йилнинг "Соғлом бола йили" деб номланиши ҳам катта орзу-ниятлар билан фарзанд тарбиялаётган, ўғил-қизининг камолини юрт истиқболисиз тасаввур этолмайдиган болажон халқимизнинг қувончига қувонч, ғайратига ғайрат қўшгани аниқ.

Қолаверса, фарзандларимизнинг эртанги куни, тақдири, комил инсон сифатида, ҳеч кимдан кам бўлмай вояга етишида давлатимизнинг ўзи бош-қош. Мамлакатимизда бу борада ҳуқуқий асослар яратиб қўйилди. Хусусан, Конституциямизнинг 41-моддасида "Ҳар ким билим олиш ҳуқуқига эга. Бепул умумий таълим олиш давлат томонидан кафолатланади", дея қайд этилган. Мазкур тамойилдан келиб чиқиб, мустақиллик йилларида таълим тизимини чуқур ислоҳ қилишга қаратилган қатор қонун ва фармонлар қабул қилинди. "Таълим тўғрисида"ги Қонун, Кадрлар тайёрлаш миллий дастури, Мактаб таълимини ривожлантириш Давлат умуммиллий дастурларининг ҳаётга изчил татбиқ этилгани туфайли умумтаълим мактаблари, академик лицейлар, касб-ҳунар коллежлари бунёд этилиб, уларнинг моддий-техник базаси яхшиланди. Айни кунда юртимизда 12 йиллик мажбурий таълимнинг жорий этилгани ёшларимизнинг чуқур билим эгаллашлари, қизиқиши, имконияти ва салоҳиятидан келиб чиқиб, бирор бир касб-ҳунарни танлаши, шу орқали жамиятда ўз ўрнини топишда муҳим омил бўлмоқда.

Буни шаҳримиз мисолида ҳам яққол кўришимиз мумкин. Шаҳримизда бугунги кунда 1 та олий ўқув юрти, 9 та коллеж, 1 та академик лицей, 45 та умумтаълим мактаби, 45 та мактабгача таълим муассасаси фаолият кўрсатмоқда. Мактабимиз яқинда капитал таъмирдан чиқарилиб, 850 миллион сўмлик қурилиш-таъмирлаш ишлари бажарилди. Айни кунда 1200 нафар мактаб ўқувчисини кутиб олишга шай қилиб қўйилди.

Яна бир гап, болалар спортининг таълим-тарбия жараёни билан биргаликда олиб борилаётгани, ўғил-қизларимизни жисмонан чиниққан, кучли, чидамли ва соғлом бўлиб тарбияланишида муҳим аҳамият касб этмоқда.

Олиб борилаётган бундай амалий ишлар бугун ўз мевасини бермоқда. Бинобарин, ёшларимиз кундан-кун қадамлари илдам, нияти ва истаклари бардавом, кўкси сарбаланд, имконияти эса тобора юксалиб бормоқда. Яқинда Вьетнамда кимё фани бўйича Бутунжаҳон олимпиадаси бўлиб ўтди. Тошкент педиатрия тиббиёт институти қошидаги 1-академик лицей битирувчилари Беҳзодбек Болтаев олтин, Жавлонбек Муҳсимов кумуш, Бобурбек Болтаев ва Эъзозахон Исаевалар бронза медалларни олишга муваффақ бўлдилар. Жаҳон шахмат оламида муносиб ном қозонишга интилаётган ака-ука Жавоҳир ва Исломбек Синдоровлар эришган ютуқларга барча ҳавас билан қарамоқда. Уларнинг яқинда Греция давлатида ўтказилган мусобақада эришган муваффақиятлари тилларда достон бўлди. Етти ёшгача бўлган шахматчилар баҳсида иштирок этган Исломбек Синдоров рапид ва блиц-турнирда иккита олтин, Жавоҳир Синдоров эса тўққиз ёшгача бўлган ўғил болалар ўртасида ҳар икки йўналишда мағлубиятсиз дона суриб, у ҳам иккита олтин медални қўлга киритди. Ёки Хитойнинг Нанкин шаҳрида II ёзги Олимпиада ўйинларида муваффақиятли қатнашиб, олтин, кумуш, бронза медалларни қўлга киритган ёшларимизни айтмайсизми?!

Ёшларимизнинг бундай ғалабалари, аввало, истиқлолимиз шарофати, Президентимиз раҳнамолигида ёшлар таълим-тарбиясига, саломатлигига қаратилаётган юксак эътибор ва ғамхўрлик самарасидир.

**Маҳмуджон ТУРҒУНБОЕВ,**
**Ангрен шаҳридаги**
**18-умумтаълим мактаби**
**директори**

# “ТОШКЕНТГАЗТАЪМИНОТИ” УК “АНГРЕН ШАҲАРГАЗ” ФИЛИАЛИ ЖАМОАСИ

*Барча юртдошларимиз ва азиз меҳмонларни*

**Ватанимиз мустақиллигининг 23 йиллик**

*байрами билан самимий муборакбод этади.*



**ЭНГ ЭЗГУ ТИЛАКЛАРИМИЗ СИЗЛАР УЧУН!**

## “САМАРҚАНД НУР” ДАВЛАТ УНИТАР КОРХОНАСИ ЖАМОАСИ

*Мамлакатимиз халқини энг улуғ, энг азиз айём - Ватанимиз мустақиллигининг 23 йиллиги билан муборакбод этади. Унинг осмони бепоён, қуёш янглиғ нурафшон иқболи, шон-шуҳрати ҳеч қачон завол кўрмасин.*

Барча юртдошларамизнинг келгуси ишларига катта муваффақият, сиҳат-саломатлик, хонадонларига тинчлик ва хотиржамлик тилайди.



**БАЙРАМИНГИЗ МУБОРАК БЎЛСИН!**

## ҚИЗИЛТЕПА ТУМАН ТИББИЁТ БИРЛАШМАСИ КАСАБА УЮШМАСИ жамоаси

*Истиқлолимизнинг 23 йиллиги*

*байрами билан барча юртдошларимизни самимий қутлайди.*



*Гўзал юртимиз жамоли чирой очаверсин. Жаннатмакон юртимизга ҳеч қачон кўз тегмасин!*

# “ҒАРБГАЗТАЪМИНОТ” УК
## “Навоий шаҳаргаз” филиали жамоаси



Бутун ўзбекистонликларни ва юртимизга ташриф буюрган азиз меҳмонларни

**МУСТАҚИЛЛИГИМИЗНИНГ 23 ЙИЛЛИК**

шодиёнаси билан қизғин табриклайди.

**БАРЧАНГИЗГА БАЙРАМ МУБОРАК!**

---

**САМАРҚАНД ШАҲРИДАГИ Ҳ.ОЛИМЖОН НОМЛИ МУСИҚА ВА ДРАМА ТЕАТРИ ЖАМОАСИ**

*Юртдошларимизни*

**ЭНГ ҚУТЛУҒ БАЙРАМИМИЗНИНГ**

23 йиллиги

*билан муборакбод этади!*

*Истиқлол - улуғ неъмат. Уни кўз қорачиғимиздек асраб-авайлайлик. Тинчлик ва осойишталигимизга кўз тегмасин!*



**МУСТАҚИЛЛИГИМИЗ АБАДИЙ БЎЛСИН!**

---

**ЎЗБЕКИСТОН ТУМАНИДАГИ "МУҚИМИЙ ФАЙЗ" ЧОРВА ВА НАСЛЧИЛИК ФЕРМЕР ХЎЖАЛИГИ**

*жамоаси*



*Давлатимизнинг ижтимоий-иқтисодий тараққиётига ҳисса қўшаётган барча ватандошларимизни*

23 йил

**ИСТИҚЛОЛ**

*байрами билан муборакбод этади.*



**МУСТАҚИЛЛИК БАЙРАМИНГИЗ МУБОРАК БЎЛСИН!**

---

## “Соғлом болажон” лойиҳаси



*Зияева Хосиятхон Бобиржон қизи 2012 йилдан буён “Камолот” ёшлар ижтимоий ҳаракати Андижон вилояти Кенгашининг фаол аъзоси сифатида ёшларни қўллаб-қувватлашга қаратилган кўплаб тадбирларда ташаббускорлик кўрсатиб, иштирок этиб келмоқда.*

*2013 - 2014 ўқув йилида бўлиб ўтган фан олимпиадаси вилоят босқичида, биология фанидан қатнашиб, 1 - ўринни қўлга киритган.*

*2014 йил январь ойидан “Камолот” ёшлар ижтимоий ҳаракати Марказий Кенгаши, Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг Тараққиёт дастури ҳамкорлигидаги “Ёшлар ўртасида ОИВ/ОИТС, гиёҳвандлик ва ЖЙОЮ касалликларининг олдини олиш” лойиҳасининг Андижон вилояти кўнгилли ёши сифатида вилоят бўйлаб мини сессия ва семинар тренинглар ўтказмоқда.*

*Яқинда “Юрт келажаги — 2014” кўрик-танловининг республика босқичида қатнашиб, “Фуқаролик жамиятини ва ижтимоий соҳани ривожлантириш бўйича таклифлар” номинациясида ғолиб бўлди. Унинг танловга тақдим этган қуйидаги лойиҳаси сиз муштарийларни ҳам бефарқ қолдирмайди, деган умиддамиз.*

***Кичик ёшдаги болалар шахсий гигиенага амал қилмаслиги оқибатида турли хил (гепатит А, сувчечак, грипп, диарея, гельминтоз, тери-таносил, ошқозон-ичак, камқонлик) касалликларга дучор бўлмоқда.***

Олимларнинг таъкидлашича, ҳозирги кунда болалар ўйинчоқларининг 100 см2 да 2.500 микроблар, велосипед ва коптокларда 14.000, болалар батутида эса 640.000 микроб бор экан. Бундан болаларнинг қўл гигиенасига ҳам алоҳида эътибор қаратиш зарур, деган хулосага келиш мумкин.

Шунингдек, оддий кундалик ҳаётимизда энг яхши кўмакчимиз бўлган мобил телефони, ёзув ручкаси ҳамда компьютер клавиатурасидаги микробларнинг эса ҳисоби йўқ.

Касаллик қўзғатувчи микроблар болаларга, айниқса, иммунитети паст бўлган болаларга кучли зарар етказиши мумкин. Ушбу гуруҳга, асосан, боғча ёшидаги болалар киради, чунки улар шахсий гигиенага мунтазам риоя қила олмайдилар.

Лойиҳани ўтказишдан мақсад Андижон шаҳридаги 5 ёшдан 6 ёшгача бўлган болалар (мактабгача таълим муассасалари тарбияланувчилари ҳамда МТМга жалб қилинмаган МФЙларда истиқомат қилувчи болалар) ўртасида шахсий гигиена қоидаларига риоя қилиш ва унинг инсон саломатлигида тутган ўрнини кенг тарғиб қилишдан иборат.

Мазкур лойиҳа Андижон шаҳридаги 4 ёшдан 6 ёшгача бўлган болалар ўртасида қуйидаги босқичлар асосида амалга оширилади:

1-босқич — “Шахсий гигиена қоидаларини ўрганамиз!” мавзусидаги семинарлар;

2-босқич — “Биз — соғлом болажонлармиз” шиори остидаги саҳна кўринишлари танлови;

3-босқич — “Гигиеник марафон” (мактабгача таълим муассасаларига ҳамда МФЙларга ташрифлар) акцияси;

4-босқич — “Соғлом болажон” лойиҳасининг ғолибларини тақдирлаш маросими.

Мазкур лойиҳа Андижон шаҳрида 2014 йилнинг сентябрь-ноябрь ойлари давомида амалга оширилади.Лойиҳани амалга ошириш натижасида Андижон шаҳридаги 5 ёшдан 6 ёшгача бўлган (мактабгача таълим муассасалари тарбияланувчилари ҳамда МТМга жалб қилинмаган МФЙларда истиқомат қилувчи) болаларга шахсий гигиена қоидаларига риоя қилиш ва унинг инсон саломатлигида тутган ўрни кенг тарғиб қилинади. Бундан ташқари лойиҳа доирасида ташкил этиладиган турли хил семинар-тренинглар, кўрик-танловларда, айниқса, болалар ўзлари бевосита тарғиботчи сифатида иштирок этиши натижасида уларнинг ижтимоий фаоллиги ошади. Уюшмаган болалар қатлами (МФЙларда МТМларига жалб қилинмаган болалар) қамраб олинади ва уларнинг 300 нафарига бепул шахсий гигиена воситалари ҳамда тарғибот материаллари тарқатилади. Боланикда олинган билим — тошга ўйилган нақш каби мустаҳкам бўлиши, назаримизда, нафақат илм олишга балки шахсий гигиена қоидаларига риоя қилишга нисбатан ҳам ишлатилиши ўринлидир. Ўз шахсий саломатлигини асрашни болалигидан ўзига сингдирган инсон, албатта, келажакда соғлом умр кечиради. Ундан соғлом ворислар дунёга келади. Бу, албатта, жамиятдаги турли ижтимоий муаммоларнинг олдини олишга хизмат қилади.

**Хосиятхон ЗИЯЕВА,**
**ёш тадқиқотчи**

АНГРЕН ШАҲРИДАГИ 3-КЎЧМА МЕХАНИЗАЦИЯЛАШТИРИЛГАН КОЛОННА ЖАМОАСИ

23 йил

Мамлакатимиз аҳлини, шунингдек, соҳада меҳнат қилаётган ҳар бир ватандошимизни

Ватанимиз мустақиллигининг 23 йиллиги

билан қизғин табриклайди.








Юрт ободлиги, Ватан тараққиёти йўлидаги ишларингизга қут-барака тилаймиз!

"ЎЗБЕКИСТОН ПОЧТАСИ" ОАЖ АНДИЖОН ФИЛИАЛИ

Диёримиз аҳлини энг саодатли айёмимиз

Истиқлолимизнинг 23 йиллиги

билан табриклайди.





Кўҳна ва ҳамиша навқирон Ватанимиз мустақиллиги барчамизга муборак бўлсин, азизлар!



Тиббий хизмат

# Она ва бола саломатлиги

## муҳофазаси асосий мақсадимиздир

***Халқ саломатлигини мустаҳкамлаш, маънан етук ва жисмонан соғлом авлодни камол топтириш давлатимиз сиёсатининг устувор йўналишларидан бири ҳисобланади. Қорақалпоғистон Республикасида ҳам аҳолига тиббий хизмат кўрсатиш даражаси сифат жиҳатдан яхшиланиб бормоқда.***



— Айни кунда Қорақалпоғистон Республикасида 1 миллион 729 минг нафарга яқин аҳоли истиқомат қилса, шундан, 480 минг нафардан ортиғини туғиш ёшидаги аёллар ташкил этади,- дейди биз билан суҳбатда Республика ихтисослаштирилган акушерлик ва гинекология Илмий-амалий тиббиёт марказининг Нукус филиали директори Мурот Бабажанов. — Марказимиздаги 826 нафар тиббиёт ходимларининг 51 нафарини акушер-гинеколог, 27 нафарини неантолог, 416 нафарини эса ўрта тиббиёт ходимлари ташкил қилади. Умумий майдони 4 гектарни ташкил этадиган филиалимизда даволаш ва қўшимча бинолар ўрин эгаллаган. Тиббиёт марказимиз жами 234 миллиард 736 миллион 249 минг сўмлик 52 турдаги асбоб-ускуналар билан таъминланган. 230 ўринли шифохона ва 200 қатновга мўлжалланган поликлиникамиз фаолият олиб бормоқда. Бизнинг асосий вазифамиз она ва бола саломатлигини сақлаш, уларга тиббий ёрдам кўрсатишнинг замонавий тизимини шакллантириш, гинекологик касалликларнинг олдини олиш, репродуктив саломатликни сақлаш ҳамда оналар ва болалар ўлими билан боғлиқ касалликларни камайтиришдан иборатдир. Бу борада аҳоли ўртасида учрашув, ўқув-семинар ҳамда мулоқотлар ўтказиб турибмиз.

Тиббиётда олиб борилаётган изчил ислоҳотлар туфайли Чимбой туманида ҳам аҳолига тиббий хизмат кўрсатиш даражаси сифат жиҳатдан яхшиланиб бормоқда. Ҳозирги кунда туманда 108 минг 200 нафар аҳоли истиқомат қилади. Уларга малакали тиббиёт ходимлари ва бирлашма тасаруфидаги кўп тармоқли ва оилавий поликлиника, 14 та ҚВП хизмат кўрсатиб келмоқда. Айниқса, она ва бола саломатлиги муҳофазаси борасида амалга оширилаётган ишларни алоҳида таъкидлаш лозим.

— Жойларда ихтисослаштирилган шифо масканлари йўлга қўйилиб, ушбу муассасаларнинг жаҳон андозаларига мос тиббий асбоб-ускуналар билан жиҳозланганлиги хасталикка аниқ ташхис қўйиш, беморни самарали муолажа усуллари ёрдамида даволаш имконини бераяпти, - дейди биз билан суҳбатда туман тиббиёт бирлашмаси бошлиғи А.Абдуллаев. — Хусусан, юртимизда шошилинч тиббий ёрдам кўрсатишнинг замонавий тизими шакллантирилганлиги ва аҳолига сифатли тиббий хизмат кўрсатилаётгани бунинг амалдаги тасдиғи бўлади. Туманимизда тез тиббий ёрдам кўламини кенгайтириш ҳамда ушбу йўналишдаги муассасаларнинг моддий-техник базасини мустаҳкамлаш мақсадида улар махсус транспорт воситалари билан таъминланди. Натижада, туманимизнинг барча ҳудудларига тез тиббий ёрдам хизматининг саноқли дақиқаларда етиб бориши учун барча зарур шароитлар яратилди.

Айни кунда туман тиббиёт бирлашмаси ҳудудидаги туманлараро силга қарши курашиш шифохонаси инвестиция дастурига киритилиб, бинолари капитал таъмирланмоқда.

— Бир неча йиллардан буён республикамиздаги қурилиш-таъмирлаш ишларида қатнашиб келамиз, -дейди биз билан суҳбатда "Бахт Мироддин қурилиш" МЧЖ раҳбари Бахт Салодинов. — 100 ўринли мазкур шифохонада таъмирлаш ишларини февраль ойида бошлаган эдик. Айни кунда қурувчиларимиз билан шифохонани муддатидан олдин, мустақиллик байрами арафасида фойдаланишга топшириш учун астойдил ҳаракат қилмоқдамиз. Иш режа бўйича кетмоқда. Қурилиш материаллари, ишчи кучи етарли. Шу билан бирга ободонлаштириш ва кўкламзорлаштириш ишлари ҳам якунига етказилмоқда. Бизнинг асосий мақсадимиз аҳоли саломатлигига ҳисса қўшидан иборат.

Президентимиз томонидан илгари сурилган "Соғлом она-соғлом бола" дастури бугун умуммиллий ҳаракатга айланиб улгурди. Ҳар бир тиббиёт ходимидан аҳолига биринчи навбатда, сифатли тиббий хизмат кўрсатиш, она ва бола саломатлигига эътиборли бўлиш талаб этилмоқда. Бундай хайрли ишларни Кегайли туманида ҳам кузатишимиз мумкин.

— Президентимиз ташаббуси билан 2014 йилни мамлакатимизда "Соғлом бола йили" деб эълон қилиниши нафақат халқимиз, кенг жамоатчилик, шу билан бирга инсон саломатлиги йўлида ҳормай-толмай меҳнат қилаётган биз шифокорларни ҳам ғоятда қувонтирди,- дейди биз билан суҳбатда Кегайли туман ҚВП кординатори Ёрқиной Акмалиева. — Туманимизнинг 83 минг 110 нафар аҳолисига 3 та кўп тармоқли поликлиника, 19 та ҚВП, 2 та шифохонамиздаги шифокор ва ҳамшираларимиз беморлар дардига малҳам бўлиб, намунали тиббий хизмат кўрсатмоқда.

Бир сўз билан айтганда, Қорақалпоғистон Республикасида фаолият олиб бораётган тиббиёт ходимлари ана шундай фаоллик ва фидойилик билан, эл соғлигини муҳофаза қилиш йўлидаги эзгу юмушларга муносиб ҳисса қўшишмоқда.

**Эркин ДОРИПОВ,**
**"Milliy tiklanish" мухбири**

Реклама ўрнида



# Бунёдкорлик ва юксалиш одимлари

**Хиванинг янги қиёфасида намоён бўлмоқда**

***Бугун қадим Хоразм воҳасини кезаркансиз, унинг ҳар бир гўшаси, ҳар бир маҳаллаю қишлоғида бунёдкорлик, яратувчанлик авж паллада эканлигининг гувоҳи бўласиз. Хайрли ташвиш, эзгу уйлар билан яшаётган юртдошларимиз қалбида шукроналик, эртанги кунга ишонч, ўз меҳнатидан қониқиш туйғуларини сезасиз. Қайси соҳани кузатманг бир янгилик, бир ўзгаришга гувоҳ бўласиз. Хусусан, йилнинг тўрт фаслида ҳам сайёҳлар қадами узилмайдиган, очиқ осмон остидаги музей — "Ичан қалъа"си билан донг таратган 2500 йиллик тарихга эга Хива шаҳрининг бугунги қиёфаси фикримиз исботи бўла олади.***





Хива шаҳрига кириб келаркансиз, жадал суръатларда давом этаётган ободончилик-қурилиш ишлари кўламидан ҳайратга тушасиз. Шаҳарда қисқа фурсатда янги йўллар бунёд қилиниб, замонавий иншоотлар қад кўтарди. Бундан бир неча йил аввал шаҳар 600 гектар майдонни эгаллаган бўлса, бугун унинг ҳудуди 820 гектардан ошиб кетди. Шаҳарга олиб кирувчи Урганч — Хива йўли бугун таниб бўлмас қиёфада. Турфа ранг анвойи гуллар, замонавий ва миллий меъморчилик анъаналари уйғунлигида бир-биридан чиройли турар-жойлар, маданий-маърифий масканлар, маиший бинолар шаҳарнинг бугунги қиёфасини кўз-кўз қилиб турибди.

Яна бир неча кундан сўнг истиқлолимизнинг 23 йиллигини кенг нишонлаймиз. Мамлакатимизнинг барча шаҳару қишлоқлари қатори Хивада ҳам ушбу қутлуғ айёмни муносиб кутиб олишга қизғин ҳозирлик кўрилмоқда. Ижодий сафаримиз давомида Хивани зиёрат қилиш, шаҳарда олиб борилаётган ўзгариш ва янгиликлар билан танишиш имконига эга бўлдик. Эрта тонгдан шаҳарга кириб борарканмиз, туман ҳокими, Сенатор Даврон Аллоқулиевни катта йўл четида, шаҳар фаоллари билан учратдик.

— Хуш келибсиз меҳмонлар, - дея бизга пешвоз чиқди туман ҳокими.

— Хушвақт бўлинг. Гурунг авжида экан-ку. Халал қилмадикми,- дея йиғилганлар билан салом-алик қилдик .

— Ҳеч қиси йўқ. Кунлик ишимиз. Ҳар куни эрталабдан кунлик бажариладиган юмушларни маслаҳатлашиб оламиз. Қолаверса, бугун "Ичан қалъа"да Хоразм вилоятида туризмни ривожлантириш дастури доирасида "Гурвак —Хоразм қовунчилиги рамзи" мавзусида қовун сайли уюштирилди. Сизларни ҳам сайилга таклиф қиламиз, - деди ҳоким.

Сафаримиз режасини тузиб, қовун сайлида кўришамиз, дея, йиғилганлар билан хайрлашиб, йўлимизда давом этдик. Бизга Хива туман ҳокимлиги иқтисодиёт бўлими бошлиғи Жалолиддин Отажонов ҳамроҳлик қилди. Дастлаб, Хиванинг диққатга сазовор жойларини, тарихий обидаларини зиёрат қилдик.

## ИҚТИСОДИЙ ЮКСАЛИШ АҲОЛИ ФАРОВОНЛИГИГА ХИЗМАТ ҚИЛАДИ

Биз истиқлолнинг қадр-қимматини босиб ўтилган йиллар билан эмас, балки мана шу даврда бажарилган амалий ишлар салмоғи билан ўлчаймиз. Хива туманида ҳам молиявий соғломлаштириш, бандлик, экотуризм, экспорт, қишлоқ хўжалиги, саноат маҳсулотлари ишлаб чиқариш, чакана савдо, кичик бизнес ва тадбиркорлик бўйича чора-тадбирлар белгиланиб, ижроси юзасидан доимий назорат олиб борилмоқда. Биргина бандлик дастури доирасида 2014 йилнинг 1-ярим йиллигида 3421 та иш ўрни яратилиши белгиланган бўлиб, режа 3541 та, жумладан, касаначилик йўналишида 1118 тага етказилди.

— Президентимизнинг "Ўзбекистон Республикаси давлат мустақиллигининг йигирма уч йиллик байрамига тайёргарлик кўриш ва уни ўтказиш тўғрисида"ги қарори барча ҳамюртларимиз қатори хиваликлар қалбини ҳам ғурур ва ифтихорга тўлдирди, - дейди биз билан суҳбатда Хива туман ҳокимлиги иқтисодиёт бўлими бошлиғи Жалолиддин Отажонов. — Туманимиз аҳолиси мустақиллик байрамини катта ютуқлар билан қарши олмоқда. Молиявий соғломлаштириш дастури бўйича 2014 йилга мўлжалланган чора-тадбирлар юзасидан бўш турган ва қурилиши тугалланмаган бинолар, фойдаланилмаётган ер майдонларидан 15 та объект аниқланди. Ана шу объектлар негизида ишлаб чиқаришни ташкил этиш орқали янги иш ўринлари яратиш мақсадида 7 млрд. 316 млн. сўм инвестиция киритиш белгилаб олинди. Мазкур маблағнинг 4 млрд. 34 млн. сўми банкдан олинадиган кредит ҳисобига тўғри келади. Бунинг натижасида 175 та янги иш ўрни яратилиб, 3 млрд. 20 млн. сўмлик маҳсулот ишлаб чиқарилади. Ишлаб чиқариладиган маҳсулотдан 300 минг долларга тенг қисмини экспорт қилиш режалаштирилмоқда.

Туманда халқ истеъмол товарлари ва саноат маҳсулотлари ишлаб чиқариш ҳажми ўтган йилнинг шу даврига нисбатан 101 фоизга бажарилди. Чакана савдо айланмаси 111,7 фоиз бўлиб, 109, 8 фоизга, пуллик хизматлар режаси 112,9 фоизга бажарилди. Ҳудудий экспорт дастурига асосан, Хива туманида 2014 йилда 4 та корхона томонидан жами 430 минг долларлик маҳсулот ишлаб чиқарилиши ва экспортга йўналтирилиши кўзда тутилган бўлиб, биринчи ярим йилликда экспорт кўрсаткичининг бажарилиши 425, 4 минг долларни ташкил қилди.

Президентимизнинг "Давлат мулки объектларини кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларига сотиш юзасидан қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида"ги қарорига кўра, Хива туманида жами 10 та давлат мулки объектларидан самарали фойдаланиш, фойдаланилмасдан турган ва қурилиши тугалланмаган объектларни сотиш, замонавий рақобатбардош маҳсулотлар ишлаб чиқариш ҳамда хизмат кўрсатиш ҳажмини кенгайтириш мақсадида бўшаган ер майдонларини кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларига ажратиш кўзда тутилган. Бу билан янги иш ўринлари яратиш, аҳолининг реал даромадларини ошириш кўзда тутилган.

Туманда рўйхатдан ўтган кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектлари сони 1 минг 957 тани ташкил қилади. Шундан фаолият кўрсатаётгани 1 минг 873 та бўлиб, фаолият кўрсатмаётган корхоналар бўйича ўтган 6 ой давомида 16 та корхонанинг фаолияти қайта тикланди. Шу йилнинг ўзида яна 104 та корхона ташкил қилиниб, уларда жами 209 та янги иш ўрни яратилди.

## МАҚСАД — САНОАТНИ РИВОЖЛАНТИРИШ

Хива қадимдан миллий ҳунармандчилиги билан ҳам машҳур бўлган. Бугун ҳам кулолчилик, ёғоч ўймакорлиги, зардўзлик, тикувчилик каби касб-ҳунар эгалари "устоз-шогирд" мактаби асосида юзлаб ёш ўғил-қизларга ҳунар сирларини ўргатмоқда. Айни кунда туманда йирик саноат корхоналаридан "Хоразм гиламлари", "Хива сополи", "Бекчон уста", "Хива маиший техника" масъулияти чекланган жамиятлар, "Хива мебел сервис, "Хива металл сервис" каби хусусий корхоналар фаолият кўрсатмоқда.

"Хоразм гиламлари"нинг маҳсулотларига бугун хорижда ҳам талаб катта. Шуни ҳисобга олиб, Икром Ёқубов раҳбарлик қилаётган мазкур жамиятда қатор ижобий саъй-ҳаракатлар амалга оширилди. Айни кунда фабрикада ойига 50 минг кв.метр гилам ишлаб чиқарилмоқда. Маҳсулотнинг барчаси ички бозорга етказиб берилмоқда. Мамлакатимизнинг барча ҳудудларида жамиятнинг 55 та фирма магазинлари ишлаб турибди. Шу кунгача 11 млрд. 550 млн. сўмлик маҳсулот харидорларга етказиб берилди. 500 нафар ишчи-хизматчи меҳнат қилаётган мазкур корхонада иш 2 навбатда ташкил этилган. Ишчилар учун барча шароитлар яратилиб, дам олиш, овқатланиш, ювиниш хоналари ташкил этилди.

Жамият яқинда Хитой давлатида бўлиб ўтган кўргазмада ўз маҳсулотлари билан қатнашиб келди. Сифатли ва пишиқ қилиб тўқилаётган Хива гиламлари энди хорижий давлатларга ҳам экспорт қилинади. Иккинчи ярим йилликда хорижий ҳамкорларга 120 минг долларлик маҳсулот етказиб бериш юзасидан шартнома тузилди.

Энди икки оғиз жамиятнинг келгуси режалари ҳақида. "Хоразм гиламлари" МЧЖда янги лойиҳа устида иш олиб борилмоқда. Бу ерда келгусида йилига 4 минг тонна калава ип ишлаб чиқариш йўлга қўйилиб, чиқарилган маҳсулотнинг 90 фоизи четга экспорт қилинади. 6 млрд. сўмга яқин маблағ қурилиш-монтаж ишларини бажаришга, 2 млн. 178 минг евро асбоб-ускуналар харид қилишга сарфланди. Натижада, 180 нафар янги иш ўрни яратилиб, тумандаги "Гиламчи" енгил саноат касб-ҳунар коллежи битирувчиларидан 30 нафари ўз иш ўрнига эга бўлади. Лойиҳа 2015 йилда тўлиқ ишга туширилади.

## БУНЁДКОРЛИК САЛОҲИЯТИ

Жорий "Соғлом бола йили"да шаҳар ҳокимлиги ташаббуси билан шаҳарда яна бир янгиликка қўл урилди. Шаҳарга кираверишда 20-сонли "Меҳрибонлик уйи"да тарбияланаётган ўғил-қизларимиз учун 7 гектардан ошиқ майдонда болалар шаҳарчаси бунёд этишга киришилди. Айни кунда ушбу шаҳарчада 18 та 2 қаватли уйлар қад ростлади. Мазкур шаҳарчада Шоҳназар Рўзиметов раҳбарлигидаги "Ирдимизон қурилиш" МЧЖ бунёдкорлари қурилиш ишларини олиб боришмоқда.

Демак, яқин кунларда бу манзил болажонларимизнинг шўх-шодон кулгуси, қувончига тўлади. Ҳеч кимдан кам бўлмай, униб улғайишади, таълим-тарбия олишади.

***Карим ҚУВОҚОВ, 90 ёшда:***

— Истиқлол йилларида амалга оширилаётган эзгу саъй-ҳаракатларнинг барчаси инсон ва унинг манфаатларига қаратилганлиги билан ниҳоятда қадрлидир. Биз тинчлик, осудалик ва фаровонликни севадиган халқмиз. Қийинчилик, очарчиликни биз кўрдик. Фарзандларимиз, биздан кўра кучли, билимли, бахтли ва саодатли бўлсин. Дилимиздаги орзу-ниятлар ижобати, фарзандлар камоли, юрт тараққиёти тинчлик деган бебаҳо неъмат билан боғлиқ.

Мана бу биноларни кўриб, меҳр-оқибат, саҳоват каби халқимизга хос фазилатлар янада яққолроқ намоён бўлади. Бу ишларнинг бошида турганларга раҳмат. Қад ростлаётган замонавий иншоотлар, обод этилаётган зиёратгоҳлар, бир-биридан чиройли кўча ва хиёбонлар шаҳримизга келиб-кетувчиларнинг ҳавасини келтиради. "Ободлик кўнгилдан бошланади", деган ибора бугунги кунда кенг қанот ёзганлигини, юртдошларимиз бунёдкорлик, яратувчанлик туйғуси билан яшаётганлигини туманимизда олиб борилаётган ишлар мисолида кўрамиз. Биздек кўпни кўрган отахону онахонлар доимо қадр ва эъзозда.

Президентимиз ташаббуси билан қишлоқларда қурилаётган уй-жойлар кенглиги, қулайлиги билан аҳолида катта қизиқиш уйғотди. Туманда мустақиллик арафасида 40 та ана шундай намунавий уй-жойлар ўз эгаларига топширилди. Шунингдек, 3-. 23-, 26- сонли умумтаълим мактабида, "Гиламчи" енгил-саноат касб ҳунар коллежида устахона биноси қурилиши, туман болалар касалхонасида капитал таъмирлаш ишлари олиб борилди. Ички йўлларни қуриш ва таъмирлаш бўйича 4 та, ичимлик суви тармоқлари бўйича 16 та, газ тармоқлари бўйича 5 та, электр тармоқлари ўтказиш ва трансформатрлар ўрнатиш бўйича 5 та объектда ишлар якунига етказилди. Буюк бобокалонларимиз хотирасига барпо этилган Огаҳий боғи, Шерозий боғи, Феруз боғи каби боғ-роғлар ҳам аҳоли қадами узилмайдиган гавжум масканларга айланиб улгурган. Булардан аён бўладики, Хивада мустақилликнинг 23 йиллиги байрамига муносиб тараддуд кўрилмоқда. Хиваликлар азму шижоат, хурсандчилик оғушида улуғ шодиёнамизга ёруғ юз билан пешвоз чиқмоқда.

## ЭКОТУРИЗМ — ИСТИҚБОЛЛИ СОҲА

Сўнгги йилларда мамлакатимизда туризм соҳасини ҳар томонлама ривожлантириш, юртимизга ташриф буюраётган сайёҳлар оқимини кўпайтириш, хизмат кўрсатиш сифатини яхшилашга алоҳида эътибор қаратилмоқда.

Юртбошимизнинг "2013-2015 йилларда Хоразм вилоятида туризм соҳасини ривожлантириш дастури тўғрисида"ги қарори бу борадаги ишлар самарадорлигини янада оширди. Ҳудудда туризм инфратузилмасини ривожлантириш, хусусан, замонавий ва ихчам меҳмонхоналар бунёд этиш, уларнинг моддий-техник базасини мустаҳкамлаш бўйича кенг кўламли ишлар бошлаб юборилди.

— Хива туманида туризмни ривожлантириш дастурига асосан, 2013-2015 йилларда жами 214,3 млрд.сўмлик 204 та лойиҳани амалга ошириш режалаштирилган, - дейди биз билан суҳбатда "Ўзбектуризм" миллий Компанияси Хоразм вилояти минтақавий бўлими раҳбари Одилбек Раҳимов. — Жумладан, 2014 йилда жами 126 млрд. сўмлик 106 та лойиҳани амалга ошириш белгиланган бўлиб, ўтган 6 ой давомида 56,0 млрд.сўмлик 71 та лойиҳа ҳаётга татбиқ этилди.

Сайёҳлик инфратузилмасини ривожлантириш учун Хива шаҳрида жойлашган "Зафарбек", "Бобожон Боззоз", "Олтин Тож" меҳмонхоналари тўлиқ тайёр ҳолатга келтирилди. Шу билан бирга, маҳаллий тадбиркорлар томонидан янги меҳмонхоналар ташкил этиш ишлари олиб борилмоқда.

Жумладан, Хива тумани марказида, Ўзбекистон Касаба уюшмаларига 32 ўринлик, "Шахризода" меҳмонхонасига 65 ўринлик, "Бек тур" МЧЖга 65 ўринлик меҳмонхоналар қуриш учун ер майдонлари ажратилиб, уларнинг ҳар бири 200,0 млн сўмликдан ортиқ қурилиш ишларини амалга оширишди.

Туристларга янги сайёҳлик йўналишлари тақдим қилиш мақсадида Хива туманида "Чодира боғ", "Хива қоракўл" фермер хўжалигида, "Эшон Равот" кўлида янги сайёҳлик инфратузилмалари ташкил этилди.

## ФЕРМЕРЛИК ҲАРАКАТИ — ЕТАКЧИ КУЧ

Юртбошимиз ташаббуси билан бошланган фермерлик ҳаракати бугун чин маънода етакчи кучга айланди. Буни аграр соҳада етиштирилаётган маҳсулотнинг асосий қисми айнан фермерларнинг ҳиссасига тўғри келаётгани ҳам кўрсатиб турибди. Қувонарлиси, қишлоқ мулкдорлари, деб юритилаётган соҳа вакиллари бугун нафақат ер эгаси, балки саноат ва қайта ишлаш соҳаларида ҳам улкан муваффақиятларга эришмоқдалар.

Яқинда Йўлдош Искандаров раҳбарлигидаги "Йўлдош Мажид" фермер хўжалигида суткасига 1 тонна сутни қайта ишлайдиган кичик цех ишга туширилди. Мазкур цехда 7 турда сифатли сут маҳсулотлари ишлаб чиқариш йўлга қўйилиб, туман аҳолисига арзон нархларда етказиб берилмоқда. Натижада, 6 нафар ёш иш билан таъминланди.

Туманда сўнгги йилларда қорамолчилик бўйича 8 та, паррандачилик бўйича 4 та, балиқчилик бўйича 6 та, асаларичилик бўйича 2 та, интенсив ва маҳаллий боғлар бўйича 7 та, иссиқхона ташкил қилиш бўйича эса 1 та лойиҳа амалга оширилди. 2014 йилнинг биринчи ярим йиллигида 35 та лойиҳа амалга оширилиб, 3,8 млрд. сўм миқдорида инвестициялар ўзлаштирилди. Биргина мазкур лойиҳанинг ўзида 108 та янги иш ўрни яратилди.

Балиқчиликни ривожлантириш бўйича бир қатор ихтисослашган фермер хўжаликлари томонидан сув ҳавзалари реконструкция қилинди ва янги ҳавзалар ташкил этилди. Жумладан, "Отаниёз бобо", "Ибодулло ота", "Карп", "Шохимардон", "Ирдимизон балиқчи", "Жиловдор Бобур мирзо" каби фермер хўжаликларида, жами 73,2 гектар майдонда янги сув ҳавзалари ташкил этилди. Тумандаги жами 36 та балиқчилик хўжаликлари жорий йилнинг шу даврига қадар 565 тонна сифатли балиқ маҳсулотлари етказиб беришди.

Мамлакатимизда аҳоли фаровонлиги, тинчлик ва осудалик устувор мақсад ҳисобланиб, амалга оширилаётган изчил ислоҳотларнинг асосини ташкил этади. Йигирма уч йилдирки, кундан-кунга гўзал ва обод бўлиб бораётган юртимизда амалга оширлаётган кенг кўламли ислоҳотларда хиваликларнинг ҳам улкан ҳиссаси, қалб ҳарорати-ю, юрак тафти бор, десак асло адашмаймиз. Зеро, улар томонидан амалга оширилаётган эзгу ишлар бунинг яққол тасдиғидир.

**Эркин ЙЎЛДОШ,**
**"Milliy tiklanish" мухбири**



ЖИЗЗАХ ТУМАНИДАГИ ҚИШЛОҚ ВА
ИҚТИСОДИЁТ КАСБ-ҲУНАР КОЛЛЕЖИ
*жамоаси*
*юртдошларимизни жонажон Ватанимиз*
*Мустақиллигининг 23 йиллик*
*шодиёнаси билан самимий табриклайди.*
*Юртимиз бундан-да гўзал, обод бўлаверсин!*






MMS
"MAGNUM MEDIKAL SERVIS"
МЧЖ ЖАМОАСИ

Барча ўзбекистонликларни,
юртимиз меҳмонларини
МУСТАҚИЛЛИГИМИЗНИНГ
23 ЙИЛЛИГИ
муносабати билан табриклайди.



Сизларга омад, соғлик, бахт,
Ватанимизнинг янада гуллаб-яшнаши
йўлидаги бунёдкорлик ишларингизда
муваффақиятлар тилайди.

ИСТИҚЛОЛИМИЗ АБАДИЙ БЎЛСИН!

"ЎЗБЕКЭНЕРГО" ДАК ХОРАЗМ ҲУДУДИЙ ЭЛЕКТР
ТАРМОҚЛАРИ ОАЖ ЖАМОАСИ
Мамлакатимиз халқини дунёда бетакрор
она юртимиз, жонажон Ўзбекистонимиз
МУСТАҚИЛЛИГИНИНГ 23 ЙИЛЛИГИ
билан муборакбод этади.



МУСТАҚИЛЛИГИМИЗ ЯНАДА МУСТАҲКАМ,
ЮРТИМИЗ БУНДАН-ДА ФАРОВОН БЎЛСИН!

Обод манзиллар

# Бир-биридан гўзал бинолар, уй-жойлар...

***Истиқлолимизнинг ҳар бир йили Ватанимиз солномасида том маънода ёрқин саҳифа очиб, халқимиз бунёдкорлик, яратувчанлик салоҳиятининг амалий ифодаси, эркин ва фаровон ҳаётимиз кўзгуси, ғурур ва ифтихоримиз тимсоли сифатида муҳрланиб қолмоқда.***

— Урганч кундан-кун ёшариб, чирой очиб бормоқда, -дейди "Иморот" хусусий корхонаси раҳбари Ўктамбой Жуманиёзов. — Айниқса, қишлоқларимизда ҳам шаҳарникидан қолишмайдиган, намунавий лойиҳалар асосида қурилаётган турар-жойларни кўриб, қувонмай бўладими? Тиббиёт, таълим, болалар спорти йўналишларида бир-биридан чиройли мажмуалар қуриб, фойдаланишга топширилмоқда. Ана шу қурилишларда корхонамиз ва Бахтиёр Юсупов раҳбарлигидаги вилоят ҳокимлиги ҳузуридаги "Ягона буюртмачи хизмати" инжиниринг компанияси қурувчиларининг ҳам ҳиссаси борлиги ундан-да қувонарли. Бир неча йиллардан буён вилоятимиздаги турли қурилиш ва таъмирлаш ишларида қатнашиб келамиз. Мақсадимиз — жамият таркибидаги ишчи-хизматчилар кўмагида барча қурилиш ишларини сифатли ва ўз вақтида бажариш.

Халқ саломатлигини мустаҳкамлаш, юртимизда маънан етук ва баркамол авлодни вояга етказиш масаласи давлатимиз сиёсатининг устувор йўналишларидан биридир. Жорий йилда ишчи-хизматчиларимиз билан Хонқа тумани тиббиёт бирлашмасида биолабаратория, тез ёрдам гараж биноси ва бошқа объектларда 1 млрд. 883 млн. сўмлик қурилиш-таъмирлаш ишларини бажариб, мустақиллик байрами арафасида, муддатидан олдин топширдик.

— Муҳтарам Президентимизнинг 2008 йил 8 июлдаги "Болалар мусиқа ва санъат мактабларининг моддий-техник базасини мустаҳкамлаш ва уларнинг фаолиятини янада яхшилаш бўйича 2009-2014 йилларга мўлжалланган Давлат дастури тўғрисида" ги қарори баркамол авлодни тарбиялаб, вояга етказишда муҳим дастуриламал бўлаётир, -дейди биз билан суҳбатда "Сухроб Отамурод" МЧЖ раҳбари Ихтиёр Ҳайитов. — Боғот туманидаги 150 ўринли 14- болалар мусиқа ва санъат мактаби учун янги ўқув биноси қурилиши февраль ойида бошланган эди. Болалар спортини ривожлантириш жамғармаси томонидан ажратилган 2 миллиард 643 миллион 996 минг сўмлик маблағ эвазига барпо этилган мазкур иншоот мустақиллигимизнинг 23 йиллиги арафасида болажонлар учун муносиб туҳфа бўлди. Биз бир неча йилдан буён вилоятда олиб борилаётган қурилиш-таъмирлаш ишларида фаол иштирок этиб, барча ишларни қисқа фурсатда, сифатли қилиб топшириб келамиз.

— Айни кунда Боғот туманидаги 30-умумтаълим мактабида ҳам 480 ўринли янги ўқув биноси қурилиши ишлари якунига етди, -дейди "Боғот бунёдкор" хусусий корхонаси раҳбари Ислом Машарипов. — Бу объектда 1 млрд. 421 млн. сўмлик қурилиш-таъмирлаш ишлари бажарилди. Шунингдек, 320 ўринли ўқув биноси капитал таъмирланди. Кимё, физика, информатика каби фан кабинетлари жиҳозланиб, янги ўқув йилига тайёр қилиб қўйилди.

Хоразм вилоятида бу йил 28 та мавзеда 807 та уй-жой қуриб, фойдаланишга топширилмоқда. Тоҳир Рўзиметов раҳбарлигидаги "Қишлоқ қурилиш инвест" Хоразм вилояти бўлими муҳандис ва қурувчилари жамоаси уй-жойларни ўз вақтида, сифатли қилиб топшириш ҳаракатида.

— Шаҳарникидан қолишмайдиган шарт-шароитлар мужассам бўлган намунавий лойиҳалар асосида қурилаётган турар-жойларни кўриб баҳри дилингиз очилади, -дейди "Хонқа қурилиш" хусусий корхонаси раҳбари Юсуфбой Курязов. — Ана шу ишларда корхонамиз қурувчиларининг ҳам ҳиссаси борлигидан қувонаман. Мана бир неча йилдан буён вилоятимиздаги турли қурилиш ва таъмирлаш ишларида қатнашяпмиз. Хонқа туманида бу йил намунавий лойиҳалар асосида 81 та уй-жой қурилиши режалаштирилган. Шулардан 8 таси бизнинг корхонамиз ишчи-хизматчилари томонидан қурилмоқда. 70 нафардан ортиқ ишчи-хизматчиларимиз кўмагида барча қурилиш ишларини сифатли ва ўз вақтида бажариш ҳаракатидамиз. "Хонқа тараққиёт қурилиш" хусусий корхонаси томонидан 9 та уй-жой қуриб битказилмоқда. Олажа қишлоғида ҳам 19 та уй қурилмоқда. Уйлар мустақилликнинг 23 йиллиги байрами арафасида ўз эгаларига топширилади.

Боғот туманида йўлларнинг четида қад ростлаётган бир-бирдан гўзал бинолар халқимизнинг бунёдкорлик салоҳиятининг ёрқин тимсоли дейиш мумкин. Атиги бир йилнинг ичида бу ерда шинам уй-жойлар барпо этилиб, электр энергияси, табиий газ ва ичимлик суви тармоқлари тортилди. "Янги замон" мавзесида 25 та намунавий уй-жой "Янги замон таъмир", "Хоразм мега инвест", "Хоразм таъминот қурилиш" МЧЖлар томонидан қуриб битказилмоқда.

Хоразм заминида амалга оширилаётган салмоқли ишларни, қўлга киритилаётган ютуқларни санаб адоғига етиш қийин. Воҳа аҳли шу кунларда мустақиллигимизнинг 23 йиллик байрамини муносиб кутиб олишга қизғин тараддуд кўрмоқда, барча соҳаларда кенг кўламли ишларни амалга оширмоқда.

**Нурали ЙЎЛДОШЕВ**







**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ТАШҚИ ИҚТИСОДИЙ ФАОЛИЯТ МИЛЛИЙ БАНКИ**

Ўзбекистон аҳолисини
Мустақиллик байрами
билан табриклайди ва миллий валютада
янги муддатли омонатларни амалга киритилганини
маълум қилади:

**«МУСТАҚИЛЛИК»**

- Сақлаш муддати — 2 ой;
- Омонатга қўшимча бадаллар фақат нақд пул кўринишида қабул қилинади;
- Ҳисобланган фоизлар омонат муддати тугагандан сўнг тўланади.

**«ОБОД ЮРТ»**

- Сақлаш муддати — 3 ой;
- Бошланғич бадал миқдори 3 000 000 сўм, қўшимча бадаллар қабул қилинмайди;
- Ҳисобланган фоизлар омонат муддати тугагандан сўнг тўланади.



Омонатга маблағлар 2014 йилнинг 15 августидан бошлаб 1 октябргача қабул қилинади.

Жамғармаларининг бошқарилишини бизга ишониб топширганлар фаровонлиги учун ўзимизни масъул деб ҳисоблаймиз!

Қўшимча маълумотларни 235-42-83, 234-14-14 телефонлари орқали ёки Банкнинг исталган бўлим/филиалидан олишингиз мумкин.
www.nbu.com

*Хизматлар лицензияланган.*

◦ Матбуот анжумани

## Озиқ-овқат дастури

### унинг ижросида банклар муносиб иштирок этмоқда

*Пойтахтимизда Ўзбекистон Республикаси Марказий банки томонидан "Мамлакатимизда озиқ-овқат дастурининг амалга оширилишида банк тизимининг иштироки" мавзусида матбуот анжумани ўтказилди.*

Маълумки, мамлакатимизда амалга оширилаётган озиқ-овқат дастури қишлоқ хўжалигини замонавийлаштириш, илғор агросаноат технологияларини қўллаш ва унинг самарадорлигини ошириш, маҳсулот ишлаб чиқаришни кўпайтириш, тури ва сифатини яхшилаб боришни кўзда тутади.

Анжуманда таъкидланганидек, республикамизда қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари етиштириш ҳажми йилига ўртача 6 фоизга ўсган. Ҳар йили 16 миллион тоннага яқин мева ва сабзавот етиштирилади. 180 турдан ортиқ мева-сабзавот ва уларни қайта ишлаш асосида тайёрланган маҳсулотлар 80 дан зиёд мамлакатга экспорт қилинмоқда. Сўнгги уч йилда четга сотилаётган қишлоқ хўжалик маҳсулотлари ҳажми 3 баробардан ошиб кетган. Республикамизнинг чекка ҳудудларида ҳам озиқ-овқат маҳсулотлари ишлаб чиқарадиган тадбиркорлик тузилмалари кўпаймоқда. Айрим турдаги маҳсулотлар энди импорт қилинмай, аксинча, ўзимизда, маҳаллий шароитларда ишлаб чиқарилмоқда.

Юқори кўрсаткичларга эришишда банк кредитларининг улуши ҳамда банк тизимидаги ўзгаришларнинг ҳиссаси катта. Ўзбекистон Республикаси Президентининг "Озиқ-овқат маҳсулотлари ишлаб чиқаришни кенгайтириш ва ички бозорни тўлдириш юзасидан қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида"ги 2009 йил 26 январдаги қарори асосида тижорат банклари томонидан озиқ-овқат истеъмол товарлари ишлаб чиқарувчи корхоналарга ўтган 5 йил давомида қарийб 4 триллион сўмга яқин кредит маблағлари ажратилган. Шу йилнинг ўтган етти ойи мобайнида тижорат банклари томонидан озиқ-овқат маҳсулотлари ишлаб чиқаришни кенгайтириш ва ички бозорни тўлдириш, бундай корхоналарни молиявий қўллаб-қувватлашга 971,8 миллиард сўм ёки ўтган йилнинг шу даврига нисбатан 1,4 баробар кўп кредит маблағлари йўналтирилди. Қолаверса, бугунги кунда соҳада тайёр озиқ-овқат товарлари ишлаб чиқариш борасида 1,1 миллиард доллардан зиёд маблағни талаб этадиган йирик лойиҳалар амалга оширилмоқда.

**Ҳасан АБДУНАЗАРОВ**




◦ Реклама ўрнида

***Сўнгги йилларда мамлакатимизда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларига берилаётган имкониятлар туфайли ички бозорларимизда ўзимизда ишлаб чиқарилаётган маҳсулотлар катта ўрин эгалламоқда. Бунда ички истеъмол бозорини ривожлантириш, сифатли ва рақобатбардош маҳсулотлар ишлаб чиқаришни йўлга қўйиш, янги иш ўринларини яратиш муҳим аҳамият касб этмоқда.***

## "ERKATOY BOLAJON"

### ишлаб чиқариш қуввати ва маҳсулот сифатини ошириш ҳаракатида

Мамлакатимизда тадбиркорлар, маҳаллий ишлаб чиқарувчиларга яратиб берилаётган имкониятлардан унумли фойдаланиб, оилавий бизнесни йўлга қўйдик. "ERKATOY BOLAJON" МЧЖни 2013 йил 1 июнь — Халқаро болаларни ҳимоя қилиш кунидан бошлаб ишга туширдик. Бунга сабаб бор, албатта. Юртимизда болалар учун махсус пойафзаллар ишлаб чиқарадиган корхоналарга эхтиёж катта. Кўп изланишлардан сўнг, бухоролик уста-дизайнер Генрих Саакян билан келишган ҳолда фаолиятни бошладик. Дастлаб 8 турда маҳсулот ишлаб чиқарган бўлсак, айни кунда бу ерда болалар оёқ кийимларининг 21 тури тайёрланиб, ички бозорларимизга етказиб берилмоқда. Тайёрланаётган маҳсулотларимиз бежиримлиги, тоза теридан тайёрлангани ҳамда сифати жиҳатдан алоҳида ажралиб туради. Хорижникидан сира қолишмайди.

Ҳозир "ERKATOY BOLAJON" МЧЖда 14 нафар ёш иш билан банд. Асосан касб-ҳунар коллежи битирувчиларини ишга олдик.

Айни кунда четдан келтирилган сифатсиз маҳсулотларни мунтазам кийиш ёшларимиз орасида ясси товонлик ва бошқа турли ортопедик касалликларни келтириб чиқармоқда. Биз ўз олдимизга ана шундай касалликларнинг олдини олиш ва ички бозорларимизни сифатли маҳсулот билан тўлдиришни мақсад қилганмиз. Шунингдек, болалар учун махсус оёқ кийимлар ишлаб чиқаришни ҳам йўлга қўйдик. Ҳозирда қўлимиз-қўлимизга тегмай, буюртма асосида пойафзаллар тайёрланмоқда. Дизайнеримиз Генрих Саакян иқлим ва шароитимизга мос келадиган, болалар учун бежирим ва қулай пойафзалларни чизиб бораяпти. Ана шу дизайн асосида ишлаб чиқараётган маҳсулотларимиз ота-оналар, болажонлар учун маъқул келмоқда. Нархи ҳам чўнтакбоп. Ҳар қалай ўзимизда тайёрланган.



Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг "Республика ҳудудларида чарм-пойафзал маҳсулотлари ишлаб чиқарувчи юқори технологияли замонавий янги корхоналар ташкил этиш ҳамда мавжудларини модернизация қилиш бўйича жорий йилда амалга ошириладиган ишлар ва 2014 йилга мўлжалланган манзилли дастурларни тасдиқлаш тўғрисида"ги йиғилиш баёни ижросини таъминлаш мақсадида "Ўзбекчармпойабзали" уюшмаси билан биргаликда иш олиб бормоқдамиз.

"2014-2016 йиллари Бухоро вилояти саноат салоҳиятини ривожлантириш дастури" бўйича ишлаб чиқариш қувватини ошириш, янги иш ўринлари яратиш мақсадида Хитой давлатининг "QUANZHOULIDA MACHINE CO. LTD" компанияси билан ҳамкорликда 150 минг АҚШ долларилик контракт-шартнома туздик. "Ипотека банк" АТИБ Бухоро филиалидан 550 миллион сўм миқдорида кредит олиш арафасида турибмиз. 30 нафар ёш мутахассисни иш билан таъминлаймиз. Зарур ускуналар ўрнатилса, маҳсулот сифати, ишлаб чиқариш қуввати ортади. Маҳсулотимизни ташқи бозорга ҳам сотиш ниятидамиз.

Тез орада "Соғлом бола йили" Давлат дастури ижроси асосида болалар ва ўсмирларимизга ортопедик ва мавсумий пойафзаллар ишлаб чиқаришни йўлга қўямиз. "Маҳалла" жамоат фонди буюртмаси асосида, Халқ таълими вазирлиги тасарруфидаги имконияти чекланган болалар учун ихтисослаштирилган мактаб интернатларидаги 7-16 ёшгача бўлган ўқувчиларга 10 минг жуфт ана шундай маҳсулот етказиб берилади.

Мутахассислигим иқтисодчи. Кўп йиллар банк соҳасида ишладим. Ишлаб чиқаришга қизиқишим туфайли оилавий тадбиркорликни йўлга қўйдим. Қолаверса, Ўзбекистон Республикаси Савдо-саноат палатасининг Бухоро вилоят ҳудудий бошқармаси кўмагида фаолиятимизни, маҳсулотларимизни кенг оммага таништиришда қийналмаяпмиз. Яна бир лойиҳамиз, 1 ойдан 9 ойгача бўлган болажонларимиз учун тайёр кийим-кечаклар ишлаб чиқаришни йўлга қўймоқчимиз. Бу билан 20 нафар янги иш ўрни яратилиб, маҳсулотни ички ва ташқи бозорга етказиб бериш кўзда тутилган.

Тинч ва обод юртнинг эртаси янада нурли бўлади. Буни ўз ҳаётим ва фаолиятим мисолида яққол кўриб турибман. Овозимнинг борича "Ягонасан, муқаддас Ватаним, севги ва садоқатим сенга бахшида, гўзал Ўзбекистоним!" дегим келади.

**Фотима ЗИЁДИЛЛАЕВА,**
**"ERKATOY BOLAJON"**
**МЧЖ раҳбари**

Биз билан ҳамкорлик қилишни хоҳлаганлар учун электрон манзилимиз: akifi2011@mail.ru
Телефонларимиз: +998-65 604-55-71; +998-93 455-13-00